R 4961

Guliston


2009/4







2200 ёшинг муборак бўлсин, азим Тошкентим!









Сирожиддин САЙИИД,
Ўзбекистон халқ шоири

ТОШКЕНТ МАНЗУМАСИ

Йиллардан йилларга эврилар йиллар,
Орзулар ястаниб чаман бўлгайлар.
Меҳрингдан сув ичиб ўтган кўнгиллар,
Улғайиб эл бўлгай, Ватан бўлгайлар.
Офтобтахтим менинг, ойтахтим менинг,
Оламга остонам — пойтахтим менинг.

Асрлар қумлару саҳролар кечдим,
Юртсиз бир муродни ҳосил кўрмадим.
Қанчалар уммону дарёлар кечдим,
Анҳор соҳилидай соҳил кўрмадим.
Офтобтахтим менинг, ойтахтим менинг,
Оламга остонам — пойтахтим менинг.

Олис диёрлардан қўмсаб шошганим,
Ҳар бир ҳовлинг менга кўзу қошлардай.
Дилимни оламга сочсам, Тошканим,
Сенга қайтиб келар қалдирғочлардай.
Офтобтахтим менинг, ойтахтим менинг,
Оламга остонам — пойтахтим менинг.

Жоним жимирлатган куйларинг, шаҳрим,
Сен — меҳр навоси, ҳаёт қўшиғи.
Бешикларга тўлсин уйларинг, шаҳрим,
Эй улуғ зотларнинг мангу бешиги.
Офтобтахтим менинг, ойтахтим менинг,
Оламга остонам — пойтахтим менинг.

Бунда ҳар бир ниҳол келинчак бўлгай,
Гуллардан ранг олиб хиноларига.
Кўприклар эврилиб келажак бўлгай,
Айланар истиқбол биноларига.
Офтобтахтим менинг, ойтахтим менинг,
Оламга остонам — пойтахтим менинг.

Устувор қўрғонсан — чин дўстларингу
Кексаю ёшларнинг тилакларида.
Эзгулик аркасин устунларию
Турналари билан лайлакларида.
Офтобтахтим менинг, ойтахтим менинг,
Оламга остонам — пойтахтим менинг.

Доим юраклардан таралсин ёлқин,
Бағринг бутун бўлсин, яро бўлмасин.
Оқсарой мисоли мунаввар қолгин,
Оқшоминг ҳеч қачон қаро бўлмасин.
Офтобтахтим менинг, ойтахтим менинг,
Оламга остонам — пойтахтим менинг.

Guliston ижтимоий-сиёсий, илмий-бадиий, маданий-маърифий журнал

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги

Таҳририят:

бош муҳаррир
Азим СУЮН

бош муҳаррир ўринбосари
Жалолбек ЙЎЛДОШБЕКОВ

масъул котиб
Комил ЖОНТОЕВ

саҳифалаш ва дизайн
Нигина ҚОДИРОВА
Иномжон ЎСАРОВ

навбатчи муҳаррир
Мансур ТЕНГЛАШЕВ

Жамоатчилик кенгаши:

Ўткир ЖЎРАЕВ
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари

Хуршид ДАВРОН
«O'zbekiston» телерадио канали ДУК директори

Сувон НАЖБИДДИНОВ
«Матбуот тарқатувчи» АК бош директори

Абдувоҳоб НУРМАТОВ
Андижон вилояти ҳокимлиги масъул ходими

Ҳайдар НУРМУРОТОВ
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки банк тизимида методология ишларини мувофиқлаштириш департаменти директори

Баҳтиёр САЙФУЛЛАЕВ
Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари

Азиз ТЎРАЕВ
Тошкент Давлат Маданият институти ректори

Абдусалом УМАРОВ
Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси директори

Азамат ҲАЙДАРОВ
«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси бош директори

Ушбу сонда:

Зайниддин ИСАМУҲАМЕДОВ
Ҳаётдан боғ қолади

Лобар ҲАМДАМОВА
Галикарнасдаги мавзолей

Мансур ТЕНГЛАШЕВ
Даҳонинг ҳаёти

Бурҳон ШАРАФ
Бухоро мактублари

Висола ҚАРШИБОЕВА
Тут аслида ҳақиқатми?

Комил ЖОНТОЕВ
Ҳаёт ва ўлим талвасаси

Муқоваларимизда:

4-бет: тадбиркор Садокат Йўлдошева.

Босишга 2009 йил 31 июлда топширилди. Офсет қоғози. Бичими: 60x84 1/8. Ҳажми 6,0. Адади: 4357 Буюртма № 191

Таҳририят манзили: Тошкент — 100000, Буюк Турон кўчаси, 41 уй. Тел: 233-25-66
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0517 — рақамли гувоҳнома билан рўйхатга олинган.
Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси босмахонасида чоп этилди.

АДАБИЁТГА ЭЪТИБОР – МАЪНАВИЯТГА, КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Маълумки, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг барча соҳалари қатори халқ маънавиятининг кўзгуси бўлмиш бадиий ижод, хусусан, бадиий адабиёт ривожи ҳам давлатимиз, жамиятимизнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Мустабид тузум даврида номлари, асарлари тақиқлаб қўйилган ёзувчи ва шоирларимизнинг хотираси эъзозланиб, уларнинг адабий мероси қайтадан тикланган, таваллуд саналари кенг нишонланиб келаётгани, нашриёт ва босмахоналар, газета ва журналларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, нашр ишлари замонавий талаблар асосида йўлга қўйилаётгани, адабиёт аҳлини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасидаги амалий ишлар бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Шу йил 24 июнь куни Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Б.Алимовни қабул қилиб, Уюшма фаолиятининг самарадорлигини ошириш, миллий адабиётимизни ривожлантириш бўйича ёзувчилар, адабий жамоатчилик олдида турган долзарб вазифалар ҳақида суҳбатлашган ва ушбу масалалар юзасидан атрофлича фикр билдирган эди.

Куни кеча Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаоллар кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ёзувчи ва шоирлар билан бирга маданият ва санъат, таълим, илм-фан соҳасидаги вазирлик ва идоралар, ижтимоий жамғармалар, маънавият, ёшлар ташкилотлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ёзувчилар уюшмаси фаолиятининг самарадорлигини ошириш ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан йиғилиш қатнашчиларини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов таништирди.

Қуйида давлатимиз раҳбарининг ана шу фикр-мулоҳазалари эълон қилинмоқда.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳақида гапирганда, табиийки, халқимиз маънавиятининг, миллий тафаккуримизнинг ажралмас қисми бўлган, керак бўлса, унинг ўзагини ташкил этадиган она тилимизни, бой тарих ва қадимий анъаналарга эга адабиётимизни асраб-авайлаб, ривожлантириб келаётган заҳматкаш инсонлар, уларнинг оғир ва масъулиятли меҳнати барчамизнинг кўз олдимиздан ўтади.

Биз шоир деганда, аввало Алишер Навоийдек беназир зотларни, ёзувчи деганда, Абдулла Қодирий, Ойбек сингари ўз халқи учун нафақат ноёб истеъдоди, айни пайтда бутун ҳаётини бағишлаган буюк ва мўътабар инсонларни тасаввур этамиз.

Бир сўз билан айтганда, халқимиз адабиётни муқаддас ва улуғ бир даргоҳ деб билади. Ана шундай баҳонинг ўзи эл-юртимиз ҳаётида бу соҳа намояндаларига, уларнинг ҳаққоний сўзи, чуқур маъноли асарларига ишонч, ҳурмат-эътибор ва эҳтиром азалдан юксак даражага кўтарилганини яққол кўрсатиб турибди.

Ҳеч шубҳасиз, зиёлиларнинг илғор қисми бўлмиш бадиий адабиёт вакилларининг халқимиз қалбини, унинг олий мақсадлари, бугунги ҳаёти, тақдири ва келажагини яқиндан биладиган инсонлар сифатида жамиятимиздаги ўрни ва таъсири беқиёсдир.

Энг муҳими, ёзувчиларимиз ўтиш даврининг қийинчиликларига қарамасдан, ўз ижодига, қалб амри билан танлаган касбига содиқ қолиб, миллий ўзлигимизни англаш, халқимиз онгу тафаккурини ўзгартириш, маънавий қадриятларимизни тиклаш ва юксалтириш йўлида хизмат қилиб келаётганини таъкидлаш ҳар томонлама тўғри бўлади.

Шахсан мен шоир ва адибларни доимо жамиятнинг олдинги сафларида юрадиган, ҳаётни кузатиб, одамларнинг юрагида, дунёқарашида бўлаётган ўзгаришларни ҳаммадан аввал сезиб, уларни таъсирчан образлар, ёрқин бадиий бўёқлар орқали маҳорат билан ёритиб бера оладиган, эл-юрт учун куйиниб яшайдиган фидойи инсонлар, деб биламан.

Мана, ҳадемай мустақиллигимизга ўн саккиз йил тўлади. Шу ўтган даврда биз юртимизда эркин, демократик жамият пойдеворини барпо этиш йўлида янгича руҳда ўсиб-улғаяётган навқирон авлодни вояга етказмоқдамиз. Савол туғилади: бу жараёнларга ёзувчилар қандай ҳисса қўшмоқда ва уларнинг олдида турган асосий вазифалар нималардан иборат?

Ўзбек тили, адабиёти бу борада қандай роль ўйнаши керак? Она тилимизни, бадиий тафаккуримизни ривожлантириш орқали халқ маънавиятини юксалтириш йўлида яна қандай ишларни қилишимиз зарур?

Ҳозирги шиддат билан тез ўзгараётган замоннинг ўзи ўртага қўяётган кескин ва долзарб муаммоларни англаш, таъбир жоиз бўлса, давримизнинг бадиий солномасини яратишга ёзувчиларимиз қодирми?

Мана шундай катта масалалар билан майдонга чиқиши керак бўлган Ёзувчилар уюшмасининг фаолияти бизни, аввало, шоир-адибларимизнинг ўзини қониқтирадими?

Жамиятнинг илғор ва онгли вакилларини бирлаштирган мазкур ижодий ташкилот бугун олдимизда турган янги ва юксак марраларга халқни даъват этиш, айниқса, таълим ва тарбия, маънавият, маданий ҳаётни ривожлантиришда нима иш қилиши керак, деган са-

волни кун тартибига қўйиш ўринлидир.

Албатта, адабиёт, ижод аҳли фаолиятига баҳо беришда, аввало, уларнинг меҳнати, маҳорати ва истеъдоди меваси бўлган асарларидан бахраманд бўладиган кенг китобхонлар оммаси, жамоатчилик фикрига суяниш энг ҳаққоний, демократик ёндашув эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Шуни айтиш жоизки, аксарият ёзувчиларимиз совет даврининг тарбиясини олган, узоқ йиллар ҳукмрон мафкура руҳида ўйод қилган. Лекин яна бир ҳақиқат ҳам борки, уларнинг кўпчилиги коммунистик тузум ғояларини сўзда маъқулласа ҳам, аслида ич-ичидан уларни қабул қилмаган. Негаки, коммунистик тузум инсоннинг, бинобарин, миллат ва халқнинг эркин ва озод яшашига, миллий тафаккур, диний қадриятларга қарши бўлганини ижод аҳли ҳаммадан кўра чуқурроқ англаган.

Табиийки, давр тақозосига кўра, ёзувчилар яшаш учун, ўз истеъдодини рўёбга чиқариш учун коммунистик тузум билан муроса қилишга мажбур бўлган. Шу маънода, мустабид тузум даврида виждон азобини ким кўпроқ тортган, деса, мен, доимо бу ҳаётнинг маъно-мазмуни, инсоннинг қадр-қиммати, элюрт тақдири ҳақида қайғуриб яшайдиган одамлар ва уларнинг олдинги қаторида бўлган ижод аҳли, деб айтган бўлардим.

Барчамизга аёнки, XXI аср интеллектуал салоҳият, тафаккур ва маънавият асри сифатида инсоният олдида янги-янги уфқлар очиш билан бирга, биз илгари кўрмаган, дуч келмаган кескин муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Бугунги мураккаб ва таҳликали замонда ёзувчининг башариятни эртанги кунини ўйлаб, одамларни эзгуликка, инсоф-диёнат, меҳр-оқибат ва бағрикенгликка даъват этишга қаратилган ҳароратли сўзи ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Яъни, ёзувчи "Эй одамзод, кўзингни оч, сен нима учун яшаяпсан, инсон деган юксак номга муносиб бўлиш учун нима қиляпсан" деган саволларни китобхон олдида, жамият олдида қатъий қилиб қўя олсагина, ўйлайманки, ўзининг инсоний ва ижодий бурчини бажарган бўлади.

Бундай маънавий ҳуқуққа эга бўлиш учун ижодкорларимиз, аввало катта билим ва ҳаётий тажрибага, кенг дунёқараш, юксак ижодий маҳоратга эга бўлиши, энг муҳими, бу ўта оғир, кучли иродани талаб этадиган жабҳада ҳақиқий фидоийлик кўрсатиши лозимлигини яхши тушунамиз.

Шу боис ҳам ҳаётнинг ўзи Ёзувчилар уюшмаси фаолиятининг самарасини ошириш масаласини олдимизга долзарб вазифа қилиб қўймоқда. Мухтасар айтганда, бизнинг бадиий ижод соҳасига, бу Уюшманинг бугунги тақдири, эртанги кунига бефарқ бўлишга ҳаққимиз йўқ.

Бизнинг бу борадаги барча саъй-ҳаракатларимиз аввало Ёзувчилар уюшмасидаги муҳитни яхшилаш, уни мавжуд оғир вазиятдан чиқаришдек муҳим масалани ҳал қилишга қаратилиши зарур. Бу борада Уюшма аъзолари, шоир ва адибларимизнинг ўзлари нима иш қилиши, айни пайтда давлат, ҳукумат, Президент томонидан қандай ёрдам бериш кераклигини аниқлаб олишимиз лозим.

Менинг фикрим бўйича, Ёзувчилар уюшмасининг биринчи раҳбаридан тортиб оддий аъзосигача – унинг фаолиятига дахлдор ҳар бир одам ёзувчилар оламининг фикру зикрини, муаммоларини, бу ижодий ташкилотнинг Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини ҳар томонлама тушунишга қодир бўлиши керак.

Халқимиз йиллар, асрлар давомида орзиқиб кутган озодликка эришиб, ўз тақдирини ўз қўлига олганидан кейин ҳар қандай таҳдид ва хатарларга қарамасдан, юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, мустақилликни мустаҳкамлаш, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш мақсадида амалга ошираётган ишларимизни, энг муҳими, бу борада қандай оғир йўллардан, қандай мураккаб босқичлардан ўтишга тўғри келаётганини чуқур англаб етишимиз керак.

Адибларимиз айнан мана шундай масалалар устида, бугунги кунда уларнинг сўзи халқ қалбида қандай акс-садо бераётгани ҳақида яна бир бор ўйлаб кўришларини истардим.

Сир эмаски, бугун илгаригидек фақат том-том асарлар чиқариш билан иш битмайди. Ноқулайроқ бўлса ҳам, ўзимизга бир саволни бериб кўрайлик: кенг китобхонлар, айниқса, ҳозирги ёшлар бу асарларни ўқияптими.

Тўғрисини айтадиган бўлсак, ёшлар бугун ахборот ва маълумотларни асосан Интернет орқали оляпти, дунёни телевидение, компьютер орқали танияпти. Ота-онаси, ўқитувчилари минг тарғиб-ташвиқ қилмасин, бугунги ёшлар "Ўткан кунлар", "Уруш ва тинчлик" каби мумтоз романларни ёппасига ўқияпти, деб айта оламизми?

Модомики, шундай экан, энди одамлар, ёшлар китоб ўқимай қўйди, деб фақат нолиб ўтирмасдан, ана шу таъсирчан замонавий ахборот воситалари орқали адабиётимизни кенг тарғиб этиш, хусусан, Интернет имкониятларидан фойдаланиб, етук бадиий асарларни ёшларга етказиш устида ҳам жиддий бош қотириш зарур, деб ўйлайман.

Бу ҳақда сўз борганда, ўзбек тилидаги Интернет адабиётини шакллантириш, шоир ва ёзувчиларимизнинг ўз веб-сайтларига эга бўлишига эришиш нафақат адабий жараёнга, керак бўлса, бутун маънавий-маърифий ҳаётимизга кучли таъсир ўтказишини сизлар албатта яхши тушунасиз.

Айни вақтда ана шундай замонавий воситалар ёрдамида мумтоз адабиётимизни, жумладан, Алишер Навоий асарларини халқимизга яқинлаштириш, бу ноёб меросни ҳақиқатан ҳам маънавиятимизнинг ҳаётбахш манбаига айлантириш барчамиз, аввало адабиёт аҳлининг вазифаси, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Шу борада яна бир муҳим масала устида ўйлаб кўришимиз керак. Яъни, ёзувчиларимиз ўз истеъдоди билан одамларнинг онги ва дунёқараши, маданий савиясини юксалтириш, халқ қалбининг куйчиси бўлишдек оғир ва мураккаб, улуғ бир вазифани зиммасига олган экан, аввало эл-юрт олдидаги фарзандлик бурчини, гражданлик позицияси ва масъулиятини чуқур сезиши, англаши ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Менинг фикримча, ёзувчилик – бу оддий касб эмас, худо берган истеъдоддир. Бу – қисмат, пешонага ёзилган тақдир. Бу касбга ҳеч қаерда ўқитиб, ўргатиб бўлмай-

ди. Ёзувчиликнинг мактаби ҳам, дорилфунуни ҳам битта. У ҳам бўлса, бир умр ҳаётнинг ичида бўлиш, ўз халқи билан ҳамдарду ҳамнафас бўлиб яшаш, ҳақиқат ва адолатга садоқат билан хизмат қилишдир.

Шу маънода, Ёзувчилар уюшмаси юртимиздаги бошқа жамоат ташкилотларидан мутлақо фарқ қилади. Бу Уюшма ҳар бири алоҳида бир олам бўлган ўнлаб, юзлаб шоир ва адибларни, уларнинг нафақат моддий, балки маънавий манфаатларини, муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг истеъдодини рўёбга чиқариш учун бевосита масъул эканини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Шу ўринда яна бир фикрга алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Чинакам ижод ва истеъдод маҳсули бўлган асарларни, ёзувчининг юрагидан, қалбидан чиққан ҳаққоний ва таъсирчан фикрларни кенг оммага етказиш учун барча мавжуд воситалардан унумли фойдаланиш зарур. Дейлик, эски даврда бўлганидек, ёзувчи нашриёт учун хизмат қилишига чек қўйиш лозим.

Керак бўлса, нашриётлар ҳам, театрлар, радио-телевидение, киностудиялар ҳам ёзувчи ва шоирларнинг ижодини жамоатчиликка, ўқувчи ва томошабинларга етказиш, улар билан ҳамкорлик қилишдан, уларга янада кенгроқ минбар беришдан манфаатдор бўлиши лозим. Чунки, бу ижод турларининг ҳам тагзаминида биринчи навбатда адабиёт, сўз санъати туриши ҳеч кимга сир эмас.

Ёзувчилар уюшмаси фаолиятининг самарасини оширишда энг муҳим биринчи масала ижодкор ўзининг ижтимоий бурчини қандай тушуниши билан бевосита боғлиқдир. Нега деганда, адибнинг сўзи, унинг ижодий меҳнатининг маҳсули жамият тараққиёти учун нақадар зарур эканини барчамиз, аввало шу соҳага кириб келаётган ва шу соҳада фаолият олиб бораётган адибларнинг ўзи яхши англаб олиши керак.

Таъбир жоиз бўлса, одам ёзувчилик касбини танламайди, аксинча, бу касб ёзувчини танлайди. Истеъдод, истеъдод ва яна бир бор истеъдод соҳибларини топиш, тарбиялаш ва уларнинг меҳнатини муносиб қадрлаш энг асосий вазифамизга айланиши зарур.

Шундан келиб чиқадиган иккинчи масала шуки, бугунги кунда ёзувчиларнинг машаққатли ижодий меҳнатини тўғри ва адолатли баҳолаш учун давлат ва жамият томонидан яна нима иш қилиш керак, деган савол устида ўйлашимиз даркор. Аслида бу ўта мураккаб масала бўлиб, очиғини айтганда, бир ёзувчига юқорироқ, бошқасига эса пастроқ баҳо беришда ҳакам бўладиган одам ҳам, аниқ мезон ҳам йўқ.

Бундай вазифани ўз зиммасига оладиган кишилар, менинг назаримда, жуда оғир ва мушкул ишни ўз зиммасига олган бўлади. Нега деганда, инсоннинг ҳиссиётлари, унинг чексиз руҳий оламини тасвирлаб берадиган, не-не буюк донишмандлар ҳам ожиз қолган бу ҳаётнинг азалий ва абадий савдоларини акс эттирадиган ижод соҳасида қандайдир мезон ва меъёрлар механизмини ишлаб чиқишнинг ўзи қийин нарса.

Айтайлик, заводда ишлаб чиқарилган буюм – соат ёки машинанинг сифатига баҳо бериш мумкин, лекин ижод маҳсулига шундай баҳо бериб бўладими? Агар бу масаланинг моҳиятига тўғри етиб борилмаса, ялт этган ёш истеъдодга муносиб баҳо берилмаса, уни ижодий ишдан совутиб, қобилиятини сўндириб қўйиш ҳеч гап эмас. Бу эса гавҳарнинг қадрига етмасдан, худдики уни тупроққа кўмиб қўйиш билан баробар, десак, муболаға бўлмайди.

Хулоса шуки, адабий жараёнга, шоир ва адиблар фаолиятига баҳо беришда ўта нозиклик ва эҳтиёткорлик билан ёндашиш керак.

Менга қолса, ўз истеъдоди, кўз нури ва юрак қўрини, бутун борлиғини бағишлаб, фақат ижод билан шуғулланадиган ҳақиқий ёзувчиларни моддий ва маънавий томондан қўллаб-қувватлаш учун уларга барча шароит ва имкониятларни яратиб берган бўлардим.

Маълумки, Уюшма таркибидаги айнан шу масалалар билан шуғулланиши лозим бўлган Адабиёт жамғармаси бугунги кунда молиявий жиҳатдан ночор аҳволга келиб қолган. Шу сабабли унинг ўрнида янги жамғарма – Ижод фондини тузиш ва унинг фаолиятини йўлга қўйиш бу муаммоларни ечишга имкон туғдиради, деб ўйлайман.

Бунинг учун тегишли идора ва вазирликлар билан биргаликда Ижод фондининг низомини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш керак. Бу Фонднинг низом жамғармасини шакллантиришга албатта давлат ўз маблағи билан ҳисса қўшади.

Шунингдек, мамлакатимиздаги йирик ишлаб чиқариш корхоналари, турли ташкилот ва муассасалар, халқаро ташкилотларнинг хайрия маблағларини ҳам бу жамғармага жалб этиш устида ишлашимиз керак.

Нега деганда, адабиёт масаласи – бу маънавият масаласидир. Бу Фонд ёзувчиларни қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда, юртимизда ижод соҳасининг, миллий маданиятимизнинг ривож топиши учун, келажагимиз учун хизмат қилишини ёддан чиқармаслигимиз лозим. Ижодий жараённинг, адабиётнинг асосий бунёдкори – бу ёзувчи ва шоирлардир. Лекин бу ишни фақат уларнинг елкасига ташлаб қўймасдан, жамоатчилик, бутун жамиятимиз унга ўз ҳиссасини қўшиши керак.

Айни пайтда бундай Фонд ёзувчиларнинг ижодий фаолиятини оширишга хизмат қиладими ёки боқимандаликка олиб келадими – бу ҳақда ҳам ҳар томонлама чуқур ўйлаш лозим. Бошлаётган ишларимиз амалий самара бериши, ғоявий-бадиий етук асарлар яратишга замин туғдириши учун пухта ўйланган механизмларни яратишимиз зарур.

Шундан келиб чиққан ҳолда, ижодий фаолият учун қалам ҳақи тўлаш тизимини қайта кўриб чиқиш керак. Бу – энг нозик масала. Бу тизим адолатли бўлиши, Ёзувчилар уюшмаси ишининг самарасини оширишда рағбатлантирувчи омил вазифасини бажариши, содда қилиб айтганда, ҳақиқий ижод намунасини қалбаки асарлардан, яъни шолини қурмакдан ажратишга хизмат қилиши керак.

Ижод аҳли учун шарт-шароитларни яхшилаш ҳақида гапирганда, яна бир масалага алоҳида эътибор қаратиш зарур. Ёзувчилар уюшмасининг поликлиникасини ва Дўрмондаги ижод уйини таъмирлаш бўйича қарор лойиҳасини тайёрлаш лозим.

Бунинг учун Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан маблағ ажратишни кўзда тутиш, таъмирлаш ишларини 2010 йилда амалга ошириш, жорий

йилда эса тегишли лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш керак. Шу билан бирга, Дўрмон ижод уйининг бугунги кун талаблари асосида самарали фаолият юритишини таъминлаш учун унинг ҳам низомини ўзгартириш зарур.

Барчамиз яхши англаймизки, адабиётда ҳам анъаналар давомийлиги, кекса авлод вакилларига ҳурмат-эътибор, уларнинг билим ва тажрибасини ёшларга ўргатиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу маънода, Уюшма фаолиятида кекса адибларга эътиборни янада кучайтириш керак, деб ўйлайман.

Ёши улуғ ёзувчиларга, асарлари ёшларимиз учун ибрат мактаби бўлиб хизмат қиладиган оқсоқолларга ёрдам тариқасида Ижод фондидан маълум миқдордаги маблағни Ёзувчилар уюшмасининг қарори билан уларга бериб бориш айни муддао бўлур эди.

Бундай савобли ишни маданият ва санъатнинг бошқа соҳаларида ҳам жорий этиш зарур, деб ҳисоблайман.

Учинчи масала. Бу чора-тадбирлардан кўзда тутилган асосий мақсад – Ёзувчилар уюшмасининг ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузини янада оширишдан иборат. Токи Уюшмага аъзо бўлган ҳар қайси инсон аввалambор бу ташкилот унинг ижодини ривожлантириш, асарларини жамоатчиликка етказиш, истеъдодини рўёбга чиқариш, муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалий ёрдам ва кўмак беришга қодир эканини яқиндан ҳис қилиши лозим.

Ўзимизга савол берайлик: хўп, бир қаламкаш уюшмага аъзо бўлди. Бунинг таъсирини бугунги кунда у ўз ижодида, ҳаётида сезадими. Афсуски, бу саволга ижобий жавоб бериш қийин. Яъни, ёзувчиларда Уюшма мени ўз багрига олди, энди хотиржам бўлиб, ижод билан шуғулланишим мумкин, деган тушунчани ҳис этиш, шундан қониқиш ҳосил қилиш йўқ.

Уюшма – бу бирлашма дегани. Шундай экан, ягона эзгу мақсад йўлида бирлашган одамлар бир-бирига елкадош бўлиб, бир-бирини қўллаб-қувватлаб яшаши керак эмасми.

Уюшма раҳбариятининг асосий бурчи, вазифаси, такрор айтаман, биринчи навбатда ижодкорлар учун зарур шарт-шароит яратишдан иборат бўлиши керак. Бу вазифаларни амалга ошириш учун эса аввало моддий асос, молиявий заминга эга бўлиш лозим.

Шу билан бирга, Ёзувчилар уюшмасининг сифат таркибини ҳам кўриб чиқиш зарур, деб ўйлайман. Бу муқаддас даргоҳ не-не улуғ ижодкорларнинг қутлуғ номлари, ижодий мероси билан боғлиқ. Шундай экан, Уюшма ўзининг обрў-эътибори ва юксак мақомига муносиб бўлиши, адабиётни ўз ҳаётининг маъно-мазмуни деб биладиган фидойи инсонларгина бу ташкилотга аъзо бўлиши керак.

Тўртинчи масала – ёш ижодкорлар билан ишлаш масаласи. Истеъдодли ёшларни излаб топиш ва уларнинг иқтидорини рўёбга чиқаришда чуқур ўйланган усуллар, яъни аниқ механизм зарурлигини бугун адабиётимиз манфаатлари талаб этмоқда. Ёш адиб ва шоирлар, адабий танқидчиларнинг ҳар бири ўз асарлари билан адабий жамоатчилик назаридан, ижодий танловлар, жиддий тақризлардан ўтиб, тегишли эътирофга сазовор бўлиб, шундан кейингина адабиёт майдонига ва Уюшма аъзолигига кириши лозим. Аввалambор, устоз адибларни, Ёзувчилар уюшмасининг тажрибали ва нуфузли аъзоларини ёшлар билан ишлашдек муҳим жараёнга кенг жалб қилишимиз даркор.

Уюшма низомида бу масалага алоҳида эътибор қаратиш, умуман, бу борада алоҳида ҳужжат ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарур. Айниқса, вилоятларда бу ишни алоҳида кўриб чиқиш ва назоратга олиш керак.

Уюшма аъзолигига даъвогарларнинг асарларини бақолашда истеъдод ва фақат истеъдод асосий мезон бўлиши зарур. Бунинг учун нафақат марказда, балки жойларда ҳам фаолият кўрсатаётган ижодий тўгарак ва семинарларнинг иш самарасини ошириш, баҳс-мунозаралар, мушоиралар, фикр алмашувлар, шу билан бирга, устоз ёзувчи ва шоирларнинг маҳорат мактабини ўрганиш бўйича машғулотлар олиб боришни кучайтириш даркор.

Ёш ижодкорлар ўртасида ўтказиладиган танловларда қатнашаётган қаламкашлар орасидан энг яхши истеъдод эгаларини танлаб олишда Ёзувчилар уюшмаси асосий ташаббускор бўлиши, бу ишларни "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан биргаликда амалга ошириши зарур.

Бу борада амалий натижа бермаётган баъзи бир юзаки тадбирлар ҳам борки, улар бугун ўзини қанчалик оқлаяпти – бу масалани ҳам алоҳида кўриб чиқиш керак. Умуман, ёш ёзувчиларнинг ижодий семинарларини санаторийларда, хушҳаво чаманларда ўтказиш шартми. Ахир, ёзувчи зоти доимо ҳаёт қўйнида бўлиши, унинг қайноқ нафасини сезиб туриши керак эмасми.

Ижод – бу ўзини қийнаш, машаққат чекиш, ҳузур-ҳаловатдан воз кечиш, том маънода фидоийлик демакдир. Чинакам ёзувчи одамларнинг дарду ғами билан яшаши, халқ ичига кириб бориши, ўзи учун илҳомни, янги мавзуларни шу ҳаётдан, унда бўлаётган ўзгаришлардан олиши кераклигини барчамиз яхши биламиз.

Шундай экан, нима учун бу анжуманлар турли вилоятларда эмас, ҳар йили бир жойда ўтади? Қолаверса, бу семинарларга номзодларни танлаб олиш бўйича аниқ тартиб-қоидаларни ишлаб чиқиш ҳақида ҳам бош қотириш фурсати етди, деб ўйлайман.

Бешинчи масала. Назаримда, биз бир вақтлар раҳматли Озод Шарафиддинов бошлаган муҳим бир ишни эътибордан четда қолдиргандекмиз. Яъни, у киши "Жаҳон адабиёти" журнали орқали бошлаб берган дунё адабиётининг энг яхши намуналарини таржима қилиш, чоп этиш, ўрганиш билан боғлиқ тажрибалар, чет эл ёзувчилари билан алоқаларни янада ривожлантириш масаласига бугун етарлича аҳамият бермаяпмиз. Ҳолбуки, биз маънавиятимизни юксалтириш, ёшларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришга интилаётган эканмиз, ҳеч қачон ўз қобиғимизга ўралашиб қолмаслигимиз керак.

Қисқача айтганда, бошқа соҳалар қатори адабиёт соҳасида ҳам халқаро алоқаларни кучайтириш зарур. Қайси мамлакатда бизнинг адабиётимиз, маданиятимиз, қадриятларимизга ҳурмат билан қарашади, хориждан биз нималарни ўрганишимиз мумкин ва, ўз навбатида, уларга нималарни тақдим этишимиз мумкин – бугун бу масалалар халқаро майдонда ўзлиги-

мизни намоён этишда катта аҳамиятга эга эканини доимо ёдда тутишимиз лозим.

Мен бу борада Ғарб билан бирга Шарқ мамлакатлари, жумладан, Япония, Хитой, Жанубий Корея билан, Миср, Бирлашган Араб Амирликлари, Қувайт каби араб давлатлари билан алоқаларни кучайтиришни тавсия этган бўлардим.

Бундай ижодий ҳамкорлик алоқаларини боғлашда албатта ўзаро тенглик, ҳурмат ва самимият ғоят зарур. Шуни унутмаслик керакки, ўзбек миллати, ўзбек халқи – худонинг назари тушган миллат. Ўзбекистон – Оллоҳ назар солган юрт. Бизнинг юртимиз, халқимиз ҳеч кимдан кам эмас ва ҳеч қачон кам бўлмайди.

Энг охирги масала – нашриётлар ва нашр масаласи. Бугунги кунда нашриётларга тўла эркинлик берилган, уларнинг фаолиятига ҳеч ким четдан туриб аралаша олмайди. Лекин ана шу эркинликни тўғри тушуниш, масалага масъулият билан ёндашиш даркор. Яъни, фақат иқтисодий манфаат ортидан қувиб бадиий жиҳатдан заиф, миллий маънавиятимиз, қадриятларимизга тўғри келмайдиган, адабиётнинг обрўсини туширадиган китоблар нашр этилишига йўл қўймаслик керак.

Айниқса, адабий жараён кўзгуси бўлган газета ва журналларда шеър ва ҳикояларни чоп этишда талабчанлик ва масъулиятни янада кучайтириш керак, десам, ўйлайманки, муҳтарам адибларимиз ҳам бу фикрга қўшиладилар.

Бунда, айниқса Уюшма муассислигида чоп этиладиган "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси, "Шарқ юлдузи", "Звезда Востока", "Ёшлик", "Амударё" журналлари фаолиятини ҳар томонлама кучайтириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, шаклу шамойили, мавзу-мундарижасини яхшилаш, муаллифлар, ижодий жамоатчилик билан кенг ҳамкорликда иш олиб боришни таъминлаш, сўзсиз, катта аҳамият касб этган бўлур эди.

Бундан ташқари, ҳар бир китоб, ҳар бир бадиий асарнинг талаб даражасида чоп этилишида Ёзувчилар уюшмаси ва нашриётлар ўртасида яқин ҳамкорлик ўрнатиш, ўз таркибида истеъдодли, холис ва адолатли адиб ва мунаққидларни бирлаштирган ижодий кенгашларнинг самарали фаолият кўрсатишига эришиш керак.

Ёш ижодкорларнинг асарларини чоп этишга ҳам айнан шу кўз билан қараб, бу масалага алоҳида эътибор бериш лозим. Бундай ёндашув марҳум Муҳаммад Юсуф каби ҳақиқий истеъдодларни кашф этиш ва уларнинг ижодини халққа етказишда энг тўғри ва адолатли йўл бўлади.

Менимча, бу масаланинг асосий калити – чинакам иқтидор эгаси бўлган ёш ижодкорларнинг биринчи китобини давлат ҳисобидан чоп этишдан иборат. Бу борада Ёзувчилар уюшмаси ва нашриётлар Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари билан шартнома тузиб, бу китобларни уларнинг кутубхоналарига, ахборот-ресурс марказларига етказиб бериш ва шу тариқа минг-минглаб фарзандларимизнинг бу асарлардан баҳраманд бўлишига эришиш мумкин.

Шу билан бирга, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида, олий ўқув юртларида таълим олаётган ёшларнинг ана шу китоблар ҳақидаги фикрларини ўрганиш ёшларимиз ўртасида китобхонлик маданиятини ошириш, ёзувчи ва ўқувчи ўртасидаги мулоқотни кучайтиришга хизмат қилиши табиийдир.

Айниқса, биз учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган болалар адабиётини ривожлантиришга алоҳида эътибор беришимиз, мустақил фикрлайдиган шахснинг шаклланиши, ҳар қандай китобхонлик, мутолаа маданияти болаликдан бошланишини доимо ёдда тутишимиз лозим.

Ёш истеъдодларни айнан ана шундай талаблар асосида камол топтириш, уларнинг адабиёт оламида ўз муносиб ўрнини эгаллашини таъминлаш учун Ёзувчилар уюшмаси қошидаги Ёш ижодкорлар билан ишлаш кенгашининг фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш ва янгича асосда қайта ташкил этиш лозим.

Мана шу фикрларни сизларга мурожаат тариқасида етказиб, бу масалалар хусусида сизлар билан, яъни, давлат ва ижодий ташкилотлар билан биргаликда бош қотириб, тегишли хулоса ва қарорлар чиқариш ўринли, деб биламан.

Шу билан бирга, илгари билдирган бир фикримни таъкидлаб айтмоқчиман: агар биз Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этмоқчи, унинг қадимий тарихи ва ёруғ келажагини улуғламоқчи, уни авлодлар хотирасида боқий сақламоқчи бўлсак, аввалambor буюк ёзувчиларни, буюк шоирларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак. Нега деганда, улуғ адиб Чўлпон айтганидек, адабиёт яшаса – миллат яшайди.

Мана шундай улкан ва масъулиятли вазифаларни амалга оширишда жонкуяр ва фидойи адибларимиз ўзбек адабиётининг муқаддас анъаналарига садоқатли бўлиб, уларни муносиб давом эттирган ҳолда ижод қиладилар ва янги-янги гўзал асарлар билан халқимизни хушнуд этадилар, деб ишонаман.


* * *

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган қизғин ва самимий фикр алмашув ҳамда муҳокамаларда уюшма раиси Бобур Алимов, Ўзбекистон Миллий университети профессори, адабиётшунос Умарали Норматов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, халқ шоири Иқбол Мирзо, адабиётшунос олим Шуҳрат Ризаев, Ёзувчилар уюшмасининг Фарғона вилояти бўлими масъул котиби, шоира Энахон Сиддиқова, "Жаҳон адабиёти" журнали бош муҳаррири, шоир Мирпўлат Мирзаев, ёзувчи Улуғбек Ҳамдамов, самарқандлик адиб ва публицист Нусрат Раҳмат ва бошқалар қатнашдилар.

Сўзга чиққанлар давлатимиз раҳбари томонидан ўзбек адабиётининг бугунги куни ва эртанги истиқболини ўйлаб кўрсатилаётган доимий эътибор ва ғамхўрлик учун миннатдорлик билдирдилар. Хусусан, Президентимизнинг ижод аҳлига қаратилган мазкур мурожаати нафақат Ёзувчилар уюшмасининг фаолияти, балки бутун маънавий ҳаётимиз учун умуммиллий аҳамиятга эга экани, бу фикр-мулоҳазалар бугунги кунда шоир ва адиблар олдида турган муҳим ва долзарб вазифаларни ҳал этишда дастуруламал бўлиб хизмат қилишини таъкидладилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎзА.



Тонгги туйғулар

Бадиа

Субҳи саҳар уйқудан уйғониб кетдим... Вужудимга аллақандай ботиний қувват инган, фикрларим уйғоқ, хаёлларим алланечук равшан эди. Ғира-шира қоронғиликда кимдир исмимни айтиб чақиргандек бўлди. Ўрнимдан аста туриб, ғижимланган қоғозлар бетартиб сочилиб ётган хонамга ҳадик-хавотир-ла кўз югуртирдим. Ёзув столимда қадимги дунё шоири — улуғ Вергилийнинг Буколикалар китоби очиқ ётарди...

Хонамнинг каттакон деразасига оҳиста яқинлашиб, бутун вужудим қулоққа айланганча, ташқарига қарадим... кута бошладим: "тиқ" этган товуш эшитилмасди.

Ҳали тонг ёришмаган, безовта диллар орзиқиб кутаётган нурафшон Қуёш, ҳали Тиёншон ортида, поён билмас осмон бўзариб кўринар, рутубатли куз туни оёқламоқда эди.

Ҳу-анави, рўпарада элас-элас кўзга чалинаётган муҳташам боғдан тун пардаси ҳали кўтарилмаган, дарахтлар шохидаги тилларанг япроқлар шитирламас, ғир этган шаббода эсмасди, ораста боғдаги ҳамма нарса қандайдир осойиш ва ором оғушида.

"Ё тангрим! — хаёлимдан шундай савқи табиий фикрлар кечди — Ахир, дунёнинг азал ва абад сеҳру жозибаси — унинг зоҳиран гўзал ва орасталигида эмасми?"...

Каттакон "кўз"ли деразадан ўзимни орқага олдим: хонамда ғира-шира кўзга ташланаётган жиҳозларга разм солдим. Ажабо, соҳир субҳидамда улар ҳам кўзга алланечук сирли, осуда ташланмоқдайди! Ташқари ҳамон жим-жит. Балки мени мана шу шоҳона, мана шу дилором сукунат чорлаётгандир ўзига!

Кутилмаганда ҳали айтганим, тонгги шабнамга чўмилган муҳташам боғда сархуш булбул минг оҳангда хониш қила бошлади. Сукунат чекилди...

Булбул сайроғи осойишта хонамга оҳиста қуйилиб, уни файзиёб этди. Самовий ҳаловатдан тўйиб баҳра олаётган вужудимга инган бу оҳанг мубҳам, аммо шукуҳли хаёлларимни тарқатиб юборди.

Булбул ва ҳали ўн саккизга тўлмаган кўнгил оҳангларида аллақандай роҳат-фароғат, афсонавий маъбудларга хос улуғвор бир хотиржамлик ва башарий умрбоқийлик тўла жамулжам бўлгани учун, улардан мангу барҳаётлик ва байрам нафаси уфурарди. Қалбимда ўзгача бир сурурда кечган бу наволарда мен келажакнинг, муқаррар эшик қоқиб турган тақдириломон кунларнинг ғоят тиниқ, ғайришуурий овозини эшитгандек бўлдим...

Бу овозлардаги ўктамлик ва осудалик замирида мисли гулдиракдан титраган даввор гумбазидек тантанали онлар яқинлиги сезилиб турарди, тобора сийраклашаётган ва тозараётган ҳавода байрамона сархуш ифорлар кезинарди...

Тонг отмоқда эди. Ҳадемай Шарқдан, Тиёншон ортидан жилмайиб кўтарилажак Қуёш юксакка ҳаволаниб, аввал Туронзаминни, сўнг эса курраи арз юзини мунаввар этгусидир.

Ҳа, қадимда аллома бобокалонларимиз ҳам табиат рафторида Тангри жамолининг тимсолини кўрганлар, унинг донолигидан шоён ҳайратга тушганлар. Юз-юзлаб асрлар кечмишки, билгисиз Олам меҳварида содир бўлаётган ҳодисалардан руҳий сир-синоатларгача буюк ақл эгаларини-да лолу ҳайрон қолдирган. Филҳақиқат, олам мулкидаги ҳамма нарса шу қадар мукаммал, шу қадар гўзал ва равшанки, инсон уни тўлиқ тушунмаса-да, беихтиёр

ундан завқ олади, ҳайратга тушади.

Ажабо? — бири-биридан чалкаш фикрлар хаёлимдан ўта бошлади, мен уларни жиловлашга уринардим. — Бу ҳайратнинг маъноси нимада?! Биз унинг қаршисида ўзимизнинг бор нуқсонларимизни, мубҳамлигимизни идрок этганимиздами, ё бўлмаса, табиатдаги бор мамнун нарса киши руҳий оламига бегоналигидами?

Хуллас, нима бўлганда ҳам, секин-аста тонг отмоқда эди. Мен яна дераза олдига юриб бориб, ойнадан ташқарига қарадим: ташқаридаги манзара ғоят гўзал эди, тўғрироғи, бутун гўзаллик менинг кўзларим тушган манзарада эди. Ҳа-я, — дедим ўзимга ўзим, — табиатнинг бундай гўзалликларидан чинакам завқ олмоқ учун инсон аввало уни ўз тафаккури ила забт этмоғи лозим.

Шу топда, ўзим ҳам тузукроқ англаб етмаган хулосадан илҳомланиб, тобора гуп-гуп кўтарилиб тушаётган кўксимга қўлларимни босганимча, хонада тез-тез у ёқдан бу ёққа юра бошладим...

Ва айни шу топда, айни шу лаҳзада юксак ақл соҳиби Платон гўзалликни қандай тушунгани ва ғоят гўзал ифода этгани ёдимга тушди:

"Ҳаётда инсоннинг гўзалликдан лаззат олиши унинг руҳда кечган ибтидоий маконидаги ягона, ҳаққоний, мукаммал тимсолини хотирлаш орқалигина бўлиши мумкин, холос. Мана шунинг учун ҳам ердаги ажиб манзара само гўзаллигининг хотираси сифатида руҳга само сари учишга қанот беради ва барча гўзалликларнинг илоҳий маъхазига қайтмоғи учун имкон яратади.

Биз, хушбахтлик билан жўр бўлиб, шодон ва ҳузурбахш истиғроқ ичида Дие ортидан эргашган, бошқалар яна бошқа бир маъбудларга ихлос қўйган онларда гўзаллик нурга чулғанган эди. Биз ажойиботлардан энг роҳатбахшини кўрдик ва кечирдик: унга бутунлай, сўнгроқ бизга илашган бахтсизликлардан тамом холи эканимизда қўшилдик. Комил содда, маҳобатсиз, лекин қувноқ бир ҳолда назарга чўмдик. Ўзимиз покиза бўлганлигимиз учун биз ҳозир бино қўйиб жасад атаганимизга ҳали доғ тушмаган ва биз унча чиғаноқ сингари ўралишиб қолмаганимиз учун уларни мусаффо бир ҳолда мушоҳада этдик.

Бу ерда биргина гўзаллик энг порлоқ ва муҳаббатга сазовор деб топилди. Маърифатдан йироқ фаҳш бандаси гўзал вужуд сари интилади-ю, аммо гўзалликни ҳис этмайди. У гўзалликка сажда қилмайди, ҳайвон сингари ундан биргина... лаззат излайди. Гўзалликни ўз жисмига қўшиб юбормоқчи бўлади. Аксинча, маърифатли киши гўзаллик тасвирида худо жамолига ўхшаш ҳолни кўриб, дастлаб ларзага тушади, вужудини ваҳима қамрайди. Сўнг гўзалликни худо сифатида мушоҳада этгач, уни ҳаддан ташқари севиб қолади. Агар уни телба деб аташларидан қўрқмаганда эди, ўзини севимли нарсасига қурбон этган бўларди..."

Ҳа, кўпинча биз беадад жузъий ҳодисалар силсиласида ўзимизни йўқотиб қўямиз ва улардаги яхлитликни кўрмаганимиз сабабли ҳеч нарсани тушунмаймиз. Бундай лаҳзаларда, ҳатто ўз ҳис-туйғуларимиз ҳам — биз уларнинг мутаассирлигидан ёки ҳаяжон титрогидан озод бўлганимиздагина ўзимиз учун лаззат ва фароғат манбаи бўлиши мумкин.

Ўтмишда яшаб ижод этган, башарият тамаддунига улкан ҳисса қўшган аллома-мутафаккирлар ҳам табиатни доимий ва абадий ҳаракатдаги жараён, деб англаш билан бирга, унда, яъни абадий ҳаракатдаги табиат жараёнларида умум ҳодисаларнинг жузъий хусусиятларини кўрганлар, кўрганларини мангуликка даҳлдор асарларида ўзгача завқ-шавқ ва теран тафаккур ила истифода этганлар.

Эсимда. Табиат ва инсон ҳаётининг узвийлиги, муштараклиги юксак эҳтирос билан тараннум этилган каттакон бир шеърий китобни ўқиганим, эсимда. Улуғ шоир ва аллома ўз асарида қирмизи Тонгнинг рамзий-фалсафий сувратини кўтаринки руҳ, ҳайрат ва ҳассослик ила поэтик жонлантиради...

Уйқудаги онг — инсон ақл-идрокининг куртак ёзиб уйғонишини отаётган тонгга муқояса қилади. Миллат ғурури, кечаги ва бугунги кунидаги тозариш, янгиланиш жараёнларини, башар равнақи ва истиқболида гулдурос-ла яна бир Янги кун бошланаётганини нурафшон Қуёшнинг дабдабали чиқишига қиёслайди. Тасвирнинг ғоят жонли ва жозибали ифодаси мудроқ юракларга ғулғула солади. Уйғоқ кўнгилларга муродбахш туйғу бахш этади, кишини сергакликка, Тонгни қаршилашга, уни олқишлашга чорлайди:

Мусиқий самовот қабатларида
Азалий йўлидан еларкан шитоб —
Гулдурос таратиб фалак қаърида
Овоз бермоқдадир жаҳонга офтоб!..

Алқисса, Тонг, бу дилнавоз сабо арфасининг сеҳридек бутун тириклик мулкини — кур-

раи заминни ўзига мафтун ва шайдо этади:

Ақл бовар этмас, суръат-ла замин
Меҳвар даврасида чарх ураётир.
Зулмат кечасининг қувлаб қадамин,
Жаннат нурин сочиб тонг тураётир!

Дарҳақиқат, ҳаёт ва тириклик билан боғлиқ барча ҳодисалар субҳисодиқдан бошланади. Инсон руҳи атиргул япроғининг тонгги титроғини, олис самода чарх ураётган қушлар парвозини, тонгги шаббодада майсаларнинг майин шитирлашини сўнгсиз бир завқ билан тинглайди, уларга ўзининг бутун вужуди ва руҳи билан яқинлигини идрок этади ва улар тимсолида ўзини кўради. Ахир, ҳаёт тўла кўксимизнинг нафас олиши ҳам табиатнинг жузъий кўриниши эмасми?

...Деразанинг иккала табақасини ланг очиб юбордим. Ичкарига қуйилган тоза ҳаводан сархуш атрофга разм солдим.

Тиёншон чўққилари чўғдек қизарган, мен масъуд хаёлларимга берилиб, жилла бўлмаса, соҳир тонг отишини, Қуёшни қарши олишни унутаёзибман. Назаримда, Қуёш бугун самога ҳар қачонгидан кўра муҳташам, дабдабали кўтарилиши лозимдек туюларди. "Ҳечқиси йўқ, ҳали бу тантанани қаршилашга яна бир неча сония бор", дея нигоҳимни ҳув наридаги сайҳонликка, ғира-шира кўзга ташланиб турган арғувон дарахтига қададим. Нигоҳимни ўғирлаган арғувон кўкка бўй чўзган шу атрофдаги энг баланд, азамат дарахт эди.

Учқур хаёлларимга эрк бериб, ўзимни арғувон олдида турибман, дея тасаввур эта бошладим...

Арғувон дарахтларининг атрофи ҳамиша салқин ва оромбахш бўлишини биламан — дедим хаёлан ўзимга ўзим. Шу топда унинг тарвақайлаган шохларига учиб-қўнаётган қушларнинг чуғур-чуғурини ҳузур қилиб тинглаётгандек эдим. Узоқ-узоқларда эса, сайҳонликнинг нариги томонида уфққа қадар чўзилган ҳудудлар қизғиш товланмоқда, отаётган тонг шафағида ёнмоқда. Қувваи ҳофизам панд бермаса, ҳозир у ерларда субҳи шаббода ғириллаб, нур уфқини парчалаётир, алвон нур сочиб турган ҳовур эса замин юзида аста тебранаётир...

Таассуфки, қушларнинг нағмаси-ю чигиртқаларнинг чириллаши бу ердан эшитилмайди, негаки масофа жуда узоқ, ким билсин, балки сайраётгандир, чириллаётгандир. Ҳар ҳолда, офтоб қизиган кезларда, арғувоннинг соя-салқинида, оромбахш сукунат бағрида ўтириб, ҳаётнинг бу жўшқин овозини эшитмоқ ва маҳлиё бўлмоқнинг кишига ўзгача завқ бағишлаши аён. Тасаввуримдаги манзара, гарчи у шунчаки рўё бўлса-да, уйқумни қочириб юборди, ниманидир кутаётган интизор қалбимда алланечук ёқимли орзулар уйғотди. Мен бугунги тонгни, байрам тонгини қаршилаётганимдан савқи табиий равишда мамнун эдим ва тез-тез, тўйиб-тўйиб нафас олардим...

"Ҳа! — хитоб қилдим мен. — Ҳа, ҳисларимни асир ётган табиат қучоғига кирмоқдан ва мангу бахтиёр бўлмоқдан ўзга истагим йўқ менинг! Яқин орада, ҳа, яқин орада, бир неча лаҳзалардан сўнг бу садоларни мен ҳам эшитаман, башарий туйғу ва интизорликнинг нималигини мен ҳам биламан! Аммо мен арғувону дарёлардан ҳам, ёмғирлару булутлардан ҳам, ҳу анаву адирларда майин тебранаётган майсалардан ҳам бахт кутаман, мен бахтиёрлик истайман! Ҳамма жойда бахт, эрк ва озодликнинг яқинлашаётганини сезяпман, унинг ўзига чорловчи нидосини эшитяпман!"

Бир сесканиб, "ҳой-наҳой, кутилмаганда шуримда юз бераётган ҳисларга ортиқча эрк бериб юбордим шекилли", дея у ёқ бу ёғимни тузатган бўлдим. Самовий эҳтиослар ила қалбимга сўзсиз-сўроқсиз ёпирилиб кираётган ғалаёнли туйғулардан ҳамда ногаҳоний бахтдан энтиккан кўйи, деразага янада яқинроқ бориб ташқарига қарадим-у, ҳайратдан суратдек қотиб қолдим:

Заррин нурларини заминга шиддат-ла сочаётган Қуёш тоғ чўққисидан чамаси бир қарич баландда, каттакон оловли шар мисоли ловуллаб турарди!

Титрар гулдиракдан гумбази даввор,
Шамширин кўтарур ер узра чақин.
Ва лекин, эй холиқ, бул мўъжизакор —
Сенинг қудратинга ўқиймиз таҳсин!

Ё қудратингдан! Мен гўё инқилобий бир кашфиёт арафасида тургандек сезардим ўзимни. Назаримда, мен шомдан субҳи содиққача кутган юлдузли онлар етиб келган эди. Гўё кўк юзини қоплагудек қушлар галаси тепамда чарх урар, чор тарафдан атиргуллар анвойи хушбўй таратар, субҳидам шабнамлари гуляпроқлардан эгатларга дув-дув тўкилар, алқисса, табиатда ва унга ошна вужудимда алланечук самовий тароват, бахт, қувонч ва яна нималардир тантана қилмоқда эди. Гўё мен мана шу соҳир тароват ва тантаналарнинг яратувчиси, ёлғиз ижодкоридек,

интизор бир мамнуният билан: "Эгатларга дувдув тўкилаётган шабнамлар — саодатманд Турон заминнинг, ҳамиша ҳурлик ва озодликка интилган ғурурли элимнинг бахтиёр севинч ёшларидир!" — дея ҳайқирдим.

Фикрларимни бир жойга жамлаш учун бир оз хона айланиб, сўнг юмшоқ ўриндиққа чўкдим. Уйқусизлик ва ҳолсизликдан қизарган кўзларимни юмганча бир пас тин олдим, осойишталик ва оромимни бузган ногаҳоний юрак ҳовури арши аълодан қуйироққа тушишини кутдим. Ҳаётнинг маҳзун лаҳзалари ато этган ҳузур-ҳаловат, бахт ва саодатга ташна кўксимнинг энтикиб нафас олишига қулоқ тутдим.

Хонамга гуллар хушбўйи ва қушлар сайроғи билан бирга, афсонавий Сиреналар ороли париларининг овозига монанд ғоят хушоҳанг, ипакдай майин товушлар ҳам учиб кирарди. Уларда маъбуда Фетиданинг донолиги-ю, Афродитанинг гўзаллиги, Эолия чилторларининг хушнавоз оҳанглари бордек туюларди менга.

Мана шу муҳташам ва кўм-кўк осмон, тобора фалакка ҳаволанаётган қадрдон Қуёш, ям-яшил боғ-роғлар, бодисабода аста тебранаётган майсазорлар, ҳозиргина қулоғимга эшитилган дилнавоз оҳанглар — барча-барчаси муҳаббатдан, севинчдан, бахтдан, буюк истиқлолдан сўзлаётгандек эди гўё.

Ҳар бир ёшу қари йилига орзиқиб кутадиган кун келди яна... Ҳademай юртим узра карнай ва сурнай садолари янграйди, бутун халқ, ўз маҳбубасига орзуманд юраклардек, унинг истиқлоли ва истиқболига пешвоз чиқажаклар. Мана у, шу ерда, хонамда, ёнгинамда кўзга кўринмай тургандек эди. Яна озгина фурсат ўтса, менга аста эгилиб табассум қиладиганга ўхшарди. Шунда у, табассум қилгач, қўлларимдан авайлаб ушлайди-да, мени абадий бахт ва баҳор яшнаб турган келажак диёрга бошлайди!

О, Саодат! Сал бўлмаса хотирамдан фаромуш бўлаёзибди: ёзув столимда Октавиан Август асрининг улуғ шоири Вергилийнинг Буколикалар асари ҳамон очиқ ётарди! Шоҳона байрам тантаналаригача ҳали фурсат бор. Китобни ютоқиб, ўзим ҳали белгилаб қўйган саҳифаларини ўзгача завқ билан ўқий бошладим...

Китобни талабалик йилларимда ҳам мутолаа қилган эдим. Лекин унинг кўп саҳифаларини эътибордан четда қолдирган эканман. Хусусан, асарнинг тўртинчи жузъида шоир ғаройиб бир каромат ҳақида мулоҳаза юритади.

Вергилийнинг ёзишича, қадимги Рим ҳудудида тез кунда маъбудваш бир ажойиб ўғлон дунёга келади ва шу муносабат билан Ер юзида тинчлик, осойишталик ва фаравон ҳаёт ўрнатилади. Гўдак шу қадар ноёб хислатлар билан туғиладики, келажакда унинг шарофати билан мамлакат ғоят қудратли давлатга айланади, одамлар ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик, диёнат ва адолат қарор топади. Ўзаро қонли урушлар тугатилиб, наинки одамлар ўртасида, ҳатто, шоирнинг ёзишича, ҳайвонлар галасида ҳам муайян тотувлик юзага келади...

Оқсоч тарих гувоҳ, улуғ шоир ўз Ватанининг шавкатли келажагини, миллатининг маданий ва маърифий равнақини доҳиёна башорат қилган эди. Бу — инсониятнинг болалик давридаги ғоят улуғвор башорат эди.

* * *

Алланечук ёқимли ҳислар яна вужудимда ғалаён кўтариб, ҳайрат тўла кўксимга мудом дилнавоз туйғулар оқиб кира бошлади. Энди эса, хаёлларим келажак сари дулдул мисол отланди...

Ҳа! — хитоб қилдим ишонч билан хушнуд оҳангда. — Ҳа, бугун хоки поклари табаррук заминда мангу қўним топган улуғ валийлар башорати барча эллар ва замонлар учун бирдек ижобат бўлгай! Мана, Туронзамин ҳудудида дунёга келган паҳлавон ҳам, шу тонг ўн саккиз ёшга тўлди. Улуғ аллома — Навоий Ҳазратлари орзу қилганларидек, бу табаррук замин Истиқлол туфайли ҳақиқат ва адолат масканига айланди. Муборак она замин тақдирида олтин давр бошланиб, бу давр суюкли элимни барча машаққатлардан озод қилади, дея ширин хаёл сура бошладим...


* * *

Очиқ деразамдан қанотларини оҳиста қоқиб, кабутарсимон ғалати бир қуш хонамга учиб кирди. — Ё, менга шундай туюлдимикин? — Унинг потирлатиб қанот қоқиши хаёлларимни тўзғитиб юборди. У қушга ҳам ўхшамасди, англаёлмадим, мен унга беихтиёр талпинган эдим, камалакдек ранго-ранг қанотларини силкитиб, деразадан аввал қандай пайдо бўлган бўлса, худди шундай шиддат билан учиб чиқди-ю, ҳаш-паш дегунча кўздан ғойиб бўлди. Мен кўлларимни ҳавога чўзганча, унинг ортидан узоқ тикилиб қолдим...

Кўп ўтмай, у кўздан ғойиб бўлган ёқда қирмизи осмон кетма-кет отилган мушаклардан ёришиб, мусиқа садолари янграй бошлади...

Мансур МИРЗО

ОҚСОҚОЛ



Аҳмад Яссавий маҳалласининг оқсоқоли ҳожи Абдуғафур ака Бадалов билан Ҳамза тумани ҳокимлигида танишган эдик. Янги ташкил этилган "Тараққиёт" маҳалласига раис сайласак-да, ишни нимадан бошлаш кераклигини билмасдик. Шунда қўшни маҳалла раиси, тажрибали оқсоқол Абдуғафур ака, маҳалла фаолларига, айниқса, янги сайланган раис Каримжон ака Зокировга муттасил иш ўргатиб турдилар. Маҳалла фаолияти изга тушди, ҳатто қатор ютуқларга эришди. "Тараққиёт" маҳалласи "Обод маҳалла" деган номни олишга сазовор бўлди. Шубҳасиз, бу ишда Абдуғафур аканинг ҳиссалари жуда катта.

Аҳмад Яссавий маҳалласига тез-тез йўлимиз тушади, кўпинча, оқсоқол "Фалончи хизматдан қайтибди" ёки "Фотиҳали жой бор" — деб бизларни таклиф қиладилар, бирга борамиз. Ўшанда маҳалла оқсоқолининг ҳар бир тадбирда мазмунли, ортиқча харажатлар ва гапларга ҳожат қолдирмай, агар қудаларга оид маслаҳатлар бўлса, ҳар икки тарафга маъқул келадиган ўринли тавсиялар бераётганининг гувоҳи бўлганмиз.

Айниқса, 2009 йилда оқсоқол маҳалла фаоллари ёрдамида қатор тадбирларни ўтказа бошлади. Суҳбатларимиздан бирида бу хайрли ишларни ўтказиш сабаблари ҳақида қуйидагиларни гапириб бердилар:

— Маҳалламиз бобокалонимиз, асл ҳикматлар соҳиби, аллома Аҳмад Яссавий номига қўйилган. Шу улуғ номга муносиб бўлиш мақсадида тарбиявий ишлар ва хайрли тадбирларни ўтказишга масъулият билан ёндашамиз. Ҳар йили бир гуруҳ маҳалла аҳли учун республикамизнинг Бухоро, Самарқанд, Қарши, Хоразм каби шаҳарларидаги зиёратгоҳларга саёҳатлар уюшти-

Ёшларнинг камол топишида устознинг ўрни

Маълумки, ҳар қандай давлатнинг асосини, жумладан, мустақил Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш тараққиётини ҳам ёшларнинг таълим-тарбияси белгилайди. Ёшларнинг етук, баркамол фазилатларга эга бўлиб етишишида таълим-тарбия тизимининг талаб даражасида йўлга қўйилиши ҳамда ўқитувчи-устоз шахсияти асосий омиллардан ҳисобланади. Шу боис, ўқитувчи талабаларга замонавий билим бериши учун, аввало, ўзи шундай билимга эга бўлиши лозим. Қолаверса, узлуксиз таълим-тарбия тизимида асосий ижрочилик, етакчилик вазифасини ўқитувчи — устозлар ўтайди.

Айниқса, ўқитувчи-педагогнинг касбий фаолиятининг самарали натижаларга эришишида устознинг хислат ва фазилатлари талабалар учун намунавий манба вазифасини бажаради. Ўқитувчининг жамиятдаги ўрнини белгилашда унинг ўзи ҳам, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг ҳам объекти, ҳам субъекти ҳисобланишига эътиборни қаратиш лозим. Чунки талабаларнинг ўзлари ижтимоий-иқтисодий тараққиёт талабларига кўра, мавжуд касбий ва ахлоқий хислат ва фазилатларини такомиллаштириб, янгилаб бориш билан бирга, улар ҳам келгусидаги ўз шогирдларининг зарурий билим, кўникма ва малакаларини, турли хислат, фазилатларини ривожлантиришга масъул ҳисобланадилар. Айниқса, мусиқий таълим-тарбияда бу масала алоҳида ўзига хос аҳамиятга эга.

Мусиқий таълимнинг уйқудаги махсус принципларини ажратиб кўрсатиш лозим:

1. Мусиқий таълим шакллари ва усулларининг ўқувчилар иқтидори ва мавжуд мусиқий қобилиятларига боғлиқлиги. Маълумки, илм-фан ва техника кундан кун ўзининг юқори тараққиёт чўққисига эришмоқда. Ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг мустақил фикрлаш қобилияти, қизиқишларини аниқлаши ва шуни инобатга олган ҳолда дарс ўтиш услубларини ва технологияларини замонавий руҳда такомиллаштириб бориши лозим.

2. Мусиқий идрокни, эшитиш қобилиятини, овоз ва ижрони ривожлантириш ва тарбиялаш бирлиги.

Бунинг учун ўқитувчи дарс жараёнига жиддий ёндашиши, ўқувчиларни синчковлик билан кузатиб бориши ва тарбиянинг хилма хил имкониятларини топиши лозим.

3. Ҳиссий ва онгли, бадиий ва техникавий хусусиятларнинг ўзаро боғлиқлиги ўқувчиларнинг дарс жараёнидаги ва мустақил ишлаш жараёнидаги фаолликларига имконият яратади.

рамиз. Маҳалламизда эса таниқли ижодкор, зиёлилар билан учрашувлар ўтказилиб турилади. Шу йил азим Тошкентимизнинг 2200 йиллиги олдидан маҳаллага кираверишдаги Ховос кўчаси бошида пештоғи аркли янги дарвоза қурилишини бошладик. Самарқанддан ишбилармон устаслар таклиф қилинди. Бу хайрли қурилишга маҳалламиздаги барча хонадонлар ўз ҳиссаларини қўшмоқда.

Маҳаллада йил давомида кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилади. Кўприкли кўчасидаги анҳорбўйи майдони бир неча йиллардан буён қаровсиз ётар, атрофи ахлатхонага айланиб қолган эди. Шу кўчадаги аҳоли ташаббуси билан бу ишга ҳомийлар жалб қилинди. Майдон чиқиндилардан тозаланди. Ер техникалар билан текисланиб, манзарали ва мевали дарахт кўчатлари ўтказилди. Келажакда бу ерни болалар майдончаси қилишни назарда тутяпмиз.

Ҳа, маҳаллада Абдуғафур ака раҳбарлигида бундай тадбирлар тез-тез ўтказилиб турилади. Маҳалла ҳудудидаги 421-боғча ва 155-мактаб жамоаси билан ҳамкорликда кўчалар четидаги очиқ жойларга, мактаб ва боғча атрофларига манзарали дарахтлар, хусусан, тераклар ва турфа хил гул кўчатлари экилган эди. Ҳозир дарахтлар кўкариб, гуллар очилиб, маҳаллага файз киритиб турибди.

Ҳар йили Янги йил, Ватан ҳимоячилари куни, Хотин-қизлар байрами, Наврўз ва Мустақиллик куни тантаналарида "Зиё — нур" тўйхонасида байрам дастурхони ёзилиб, алоҳида тадбир ўтказилади. Мазкур байрамларда боғча ва мактаб болалари ўзлари ўрганган санъатларини намойиш этадилар. Айни шу байрам кунлари муносабати билан кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилади, хаста ва қариялар хонадонларига борилиб, улардан кўнгил сўралади.

Абдуғафур акани туман аҳли яхши таниб, у кишини ҳурмат билан ҳожи бобо ёки оқсоқол деб мурожаат қилишади. Албатта, бунинг сабаблари бор. Биринчи сабаби, у кишининг тинимсиз меҳнат қилгани бўлса, иккинчидан, оқсоқол, албатта, маслаҳатчиларидан ёки нуронийлардан бирини ёнларига олиб, биргаликда ташаббус бошлайдилар ва кўпчилик билан бирга амалга оширадилар. Оқсоқолнинг бундай кенгашиб иш бошлагани кўпчиликка маъқул бўлмоқда. Бир сўз билан айтганда, Ҳамза туманидаги Аҳмад Яссавий маҳалласи оқсоқоли Абдуғафур ака Бадалов фақат ўзи раҳбарлик қилаётган маҳаллага эмас, балки қўшни маҳаллаларга, ҳатто, тумандаги бошқа маҳаллалар фаолларига ҳам ўз ёрдамини аямайдилар.

Абдурауф РАҲИМҚУЛОВ

---

4. Шакл ва мазмун бирлиги.

5. Умумий ва махсус мусиқий таълимнинг фарқи.

6. Шахснинг ўзига хос хусусиятларига эга бўлган мусиқий фаолият турларини ҳисобга олиш.

7. Жамоа тарзидаги ва якка тартибдаги мусиқий машғулотлар, мусиқий ва умумий таълим тоифасидаги фанларнинг ўзаро боғлиқлиги.

8. Мусиқий қобилиятларни: мусиқавий хотира, овознинг паст-баландлиги, ритм, усуллар, тембр, динамика, кўповозлилик, интонацияни ҳамда шакл ва мазмунни ҳис қилиш қобилиятларини ҳар томонлама ривожлантириш.

9. Мусиқа таълимида назария билан амалиёт бирлиги.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон бастакорлари томонидан турли жанрларда ранг-баранг куй, қўшиқ ва ашулалар яратилмоқда. Бу эса анъанавий ҳамда замонавий мусиқа ижодкорлигининг турларини, шакл ва услубларини ривожлантиришга хизмат қилиши табиий. Ўз навбатида республикамиз маданий ҳаётида миллий ва маҳаллий муштараклик негизида кечаётган жўшқин жараён сўнгги йилларда янада жадаллашаётганининг ёрқин далилидир.

Ҳар бир халқ ўзининг миллий мусиқий меросини севса, аждодлар анъанасини ардоқласа, уни муносиб тарзда ўзлаштирса ва қадрига етса, ўзга халқларнинг санъатини ҳам баҳолай олади. Зеро, бизгача етиб келган мусиқий анъаналар авлодлар занжирининг мустаҳкамлигидан далолатдир. Бу борада халқимизнинг маънавий бойлиги бўлган мақомлар, мақом йўлларига мансуб мусиқа асарлари ҳозиргача ўзининг бадиий ва эстетик имкониятларини юқори даражада сақлаб келаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Уларни ўрганиш, тадқиқ этиш ва келажак авлодларга етказиш замонамизнинг талаб ва эҳтиёжига айланган долзарб масалалардан биридир.

Маълумки, ўзбек халқининг мусиқий маданияти миллий чолғуларга бой бўлиб, танбур, дутор, ғижжак, най, қўшнай, сурнай, чанг, қонун, уд, рубоб, доира ва ноғора каби чолғулар ўзининг мукамаллиги билан моҳир ижрочилар амалиётида муносиб ўрин тутган. Чунки ҳар бир чолғу ўзининг шаклланиш тарихи, ижро имкониятлари, бетакрор, жозибали садосига эга. Уларни илмий-назарий ва илмий-услубий нуқтаи назардан тадқиқ этиш, ўрганиш, улар ҳақида янги-янги қўлланмалар яратиш ва барча сиру синоатларини ёш авлодга етказиш ҳар бир мураббийнинг муқаддас бурчидир.

Ҳар бир мусиқий асар бадиий яратиқ ҳисобланади. Уни бадиий жиҳатдан мукаммал ижро этиш созандадан юксак маҳорат, қолаверса, пухта билимни талаб этади.

Ҳа, қўшиқ санъатининг ўзига хос олами, завқи, машаққатлари, синовлари бор. Бу санъатга чинакам ошуфта бўлган одам унинг барча пасту баландларини енгиб ўтади, ўз йўлини яратишга, қўшиқ оламида ёрқин из қолдиришга интилиб яшайди. Шубҳасиз, бу жараёнда унга мадад бўладиган асосий омил — халқнинг ўлмас анъаналари, ота-онаси ва устозларининг доно ўгитларидир.

Биз устозлар ҳам ёшларга керакли билимларни тақдим этишимиз, мустаҳкам касб эгаси бўлиб етишишларига имконият яратишимиз ва ёрдам беришимиз керак, албатта. Зеро, уларнинг келажакда етук мутахассис, касбий соҳада керакли инсон бўлиб етишишида устознинг ўрни беқиёсдир.

Баҳодир МИРПАЯЗОВ

Ғ.Ҳшидан боғ қолади

Устозлар — илм аҳллари, фозилу донишлар инсонларни эзгулик сари бошловчи ҳаёт машъаллари саналади. Улар тимсолида одамийликнинг энг яхши ва юксак фазилатлари — меҳнатсеварлик, вазминлик, поклик, самимийлик, халққа, жамиятга содиқлик жамулжам бўлади.

Ана шундай истеъдод соҳибларидан бири академик Иброҳим Мўминов эди... Унинг ижтимоий ва шахсий ҳаётда тутган ўрни ҳамда унга бўлган катта ҳурмат унинг фаолиятида ўз тасдиғини топган эди. Устознинг буюклиги ва обрўси, жамиятдаги мавқеи, аввало унинг мустаҳкам иймон-эътиқодига, дили билан тилининг, сўзи билан ишининг бирлигига, сўнгра ўз билими, тажрибасига оғишмай амал қилишига, уни эл-юрт манфаатларига бағишлашига қараб белгиланади. Шунингдек, устоз умри ёши билан эмас, балки қилган хайрли ишлари ва савобли амаллари, ёзган асарлари ва етиштирган шогирдлари билан ўлчанади. Шогирдсиз устоз мевасиз дарахт, деб бежиз айтилмаган. Ҳақиқий устоз ўзига муносиб шогирдлар тайёрлайди.

Устоз шогирд учун отадек улуғ, онадек азиздир. Устозни сахий боғбонга қиёс қилувчилар ҳақлидирлар. Ҳазрат Баховуддин Нақшбандийнинг пири-муршиди — Мир Саид Амир Кулол: "Устоз ўз умрини ойнада эмас, шогирдларида кўрсин", — деб бежиз айтмаган. Бу ҳикмат академик Иброҳим Мўминов ижодий фаолиятининг мезони бўлди. У ўзининг иккинчи умрини тарбиялаган шогирдлари тимсолида намоён қилмоқда. Республика Фанлар академиясининг собиқ вице-президенти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва жамоат арбоби, Беруний мукофоти соҳиби, меҳри уммон устоз Иброҳим Мўминов фалсафа тарихи, айниқса, Марказий Осиё халқларининг ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихига доир 150 дан зиёд асар ёзганди. Шу билан бирга, 60 нафардан кўп фан номзоди ва фан докторига бевосита устозлик қилиб, ҳикмат илмининг бу соҳасида мактаб яратганди.

Устознинг шогирдлари орасида ижтимоий фан дарғалари — марҳум академиклар Э.Юсупов, М.Хайруллаев ҳамда айни пайтда фаолият кўрсатаётган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоблари, академиклар С.Шермуҳамедов, О.Файзуллаев, профессорлар Х.Шайхова, М.Абдуллаева, Ф.Воҳидов сингари кўпгина таниқли олимлар бор. Ҳатто ўз республикаларида ФАнинг академиклари — тожикистонлик О.Баҳовиддинов, қирғизистонлик А.Олтмишбоевлар ҳам Иброҳим Мўминов фалсафий мактабида таҳсил олган. Улар ўз илмий тадқиқотлари ва изланишларида Иброҳим Мўминовнинг теран фалсафий ғояларини такомилига етказиб, унинг-илмий-назарий меросини ижодий тарзда янада ривожлантирдилар.

И.Мўминов Низомий, Аттор, Саъдий, Жомий, Навоий сингари даҳоларнинг асарларини, ҳинд, араб, форс ва Марказий Осиё халқлари адабиёти, санъати ва фалсафасининг сиру асрорларини қунт билан ўрганган. Ана шу тадқиқотлар маҳсули сифатида устознинг "Мирзо Бедилнинг фалсафий қарашлари" номли салмоқли монографияси чоп этилди.

Китобда Бедил Шарқнинг буюк шоири, файласуфи ва мутафаккири эканлиги таҳлил қилинган ва асослаб берилган. Маълумки, Саъдийнинг таъсирида ўзига Бедил ("дилсиз") тахаллусини танлаган "Ҳақиқатда эса Мирзо Абдулқодирнинг "Бедил" тахаллуси ўз қалбини севган, кўнглини ўз ишига берган", деган маънони билдиради, деб ёзган эди И. Мўминов "Мирзо Бедилнинг фалсафий қарашлари" номли китобида.

Муаллиф бу асарида Мирзо Бедилнинг "Ифрон", "Ишорат ва ҳикоят", "Нуқот", айниқса, "Чор унсур" асарларидаги табиат ва жамиятнинг айрим муаммолари борасида фалсафий мушоҳадалар юритган. Бедил дунёқарашида инсон ва унинг жамиятдаги мавқеи масаласи марказий ўринни эгаллаши таъкидланган. Иброҳим Мўминов ёзганидек, Бедил "инсонни ҳаёт гули, унинг гултожиси" дея сифатлайди ва уни қуйидагича тараннум этади:

Тўрт даҳр аро сен нури офтоб,
Етти баҳр ичра гавҳари ноёб,
Ҳар нарсаким етибди ақлинг,
Бундан афзалдурсен шуни яхши бил.
Дунё мевасин миришкори сен,
Ҳаммасидан ҳам ҳосилдори сен.
Қай тарафгаким учди хаёлинг,
Парвоз этарга етар мажолинг.

Дил ҳимматингдан ҳаёт гулистон,
Қўлинг қудратидан ҳаммаёқ бўстон.

Иброҳим Мўминовнинг фикрича, Бедил инсон тарбияси ўта нозик, масъулиятли иш эканини таъкидлайди. Бу ишни инсон боласининг мурғаклигидан бошлаш даркор, шундагина унинг самарадорлиги ортади, пойдевори мустаҳкам бўлади, дейди у. Акс ҳолда унга жиддий путур етади.

Аввало ғиштни қийшиқ қўяркан меъмор,
Юлдузга етса ҳам қийшиқдир девор —

дея огоҳлантиради Бедил.

Академик Иброҳим Мўминовнинг фикрича, Бедил ҳазрати инсонни бенуқсон кўришни орзу қилади. Ундаги ақлу фаросат, одоб, ростгўйлик, сабр-қаноат, камтарлик ва меҳнатсеварлик каби фазилатларни мадҳ этади. Айни чоғда ақл-идроки чекланган жоҳил, хасис, ҳасадгўй, таъмагир нафс бандаларини, риёкорларни қоралайди. Устоз Бедил дунёқараши тимсолида илм-фаннинг роли ва аҳамиятига юксак баҳо берди ва илм инсон фаолиятининг ҳамма соҳаларида муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилишини уқтиради. Бедилга ҳамоҳанг муаллиф: "Фан оламни текширади, нарса ва ҳодисалар ҳақида билим беради" дея, Бедилнинг "Илм ҳар ерда тадбирнинг кафилидир, ғалаба таъсирининг далилидир", — деган ҳикматли сўзларини келтиради. Бу ҳикмат бизнинг кунларда ҳам ўз тасдиғини топмоқда. Илм-фан жамият, Ватан тараққиётининг мезони, халқимиз фаровонлиги ва тинч-осойишта яшашининг асосидир. Дарҳақиқат, бугун жамият ҳаётидаги бирор соҳани илмсиз тасаввур этиб бўлмайди.



И.Мўминов Бедил билан ҳамфикр бўлиб, ҳар нарсанинг ибтидоси ва интиҳоси борлигини асослаган, инсон ҳаёти, унинг тақдири ҳақида ғоят муҳим илмий фикрларни илгари сурган. Масалан, одам абадий яшаши мумкинми, яъни инсон умри боқийми, деган саволга жавоб бераркан, Бедил икки хил абадийлик борлигини айтади. Биринчиси: ҳамма жисм ва кучларга, ҳамма нарсаларнинг табиатига, шу жумладан, ҳайвонлар ва одамлар танасига хосдир. Бу, аслида табиат абадийлигини ифода этади. Демак, кишининг шахсий ўлими табиий бир ҳодиса, органик нарсаларнинг ноорганик табиатга айлана бошлашидир. Лекин бу қонуниятли жараён хусусий абадийликни асло инкор этмайди. Хусусий абадийликни — Ватан, халқ ва миллат манфаатлари йўлида ўзининг фидоийлигини кўрсатиш, солиҳ амаллари ва самарали изланишлари билан ҳаётда эзгу из қолдирган кишиларга хосдир.

Иброҳим Мўминов таваллудига юз йил тўлаётир. Устоз илгари сурган илмий, бадиий ва фалсафий ғоялар ўз кучи ва қимматини ҳамон сақлаб келмоқда. Халқимиз маънавий хазинаси не-не улуғ алломалар қолдирган бебаҳо меросдан баҳраманд бўлаётган экан, бу борада Иброҳим Мўминов қўшган улуш анча салмоқли эканини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Зайниддин ИСАМУҲАМЕДОВ

Ўн икки мақом хусусида

Жаҳондаги ҳар бир миллатнинг ўтмиши, ўз она тили, урф-одати, маданияти ва санъати бўлганидек, уйғур халқи ҳам бой тарих, маданият ва мусиқий меросга эгадир. Инсониятнинг ана шундай миллий қадриятлар руҳида камол топиши, жамиятнинг, миллатнинг умрбоқийлигига сабаб бўлади, десак муболаға бўлмайди.

Уйғур ўн икки мақоми, уйғур маданияти ғазнасидаги бебаҳо гавҳардир. У меҳнаткаш, ижодкор уйғур халқ ақл-заковатининг жавҳаридир. Мақом – уйғур ҳаётининг барча жабҳаларини мусиқа тили билан баён этадиган бадиий қомусдир. Бунда уйғур халқининг ҳаёти бой маънавияти, истак ва хоҳишлари, мусиқий тафаккури ва бадияти хилма-хил шакллар билан ифодаланган. Мақомдан иборат бу мусиқа ҳадиси XX асрнинг бошларида ғарб дунёсига таништирилиб, мусиқа мутахассисларининг диққат эътиборини ўзига тортди.

Уйғур мақомларининг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Мақомлар уйғур халқи бошидан кечирган тарих билан боғлиқдир. Мақомлар уйғур халқининг беназир бастакорлари, хонанда ва созандалари томонидан ижод этилган халқ мусиқасидир.

Уйғур ўн икки мақоми нахш усул, мусиқани ўзида мужассам этган мураккаб санъат шакли бўлиб, асосан Шинжонгнинг жанубидаги Қашқар, Хўтан, Оқсу каби катта, ўртача ва кичик шаҳар (бозор)ларда кенг тарқалган.

Уйғур ўн икки мақоми 1950 йилда илк маротаба магнит тасмасига ёзиб олинди.

Мукаммалаштирилган ўн икки мақом 365 оҳанг (намуна), 4492 мисрадан таркиб топган ҳамда у яна уйғур халқ классик шоирларининг ғазаллари, уйғур халқ достонларининг парчалари ва халқ байтларини ўз ичига олади. "Уйғур ўн икки мақоми"нинг номлари ва таркиби қуйидагичадир:

1. Рак мақоми, 2. Чаббаят мақоми, 3.Сегоҳ мақоми 4. Чоргоҳ мақоми, 5. Пинжагоҳ, 6. Узҳол, 7. Ажам, 8. Ушшоқ, 9. Баёт, 10. Наво, 11. Мушаврак, 12. Ироқ мақомидан иборат жами 12 юриш туркумидан таркиб топган бўлиб, ҳар бир мақом 20 дан 30 гача парча нағмани ўз ичига олади. Уларнинг ижроси 2 соат давом этади. "Уйғур ўн икки мақоми "ни тўлиқ ижро этишга 20 соатдан кўпроқ вақт кетади.

Уйғур ўн икки мақомининг ҳар бир туркуми ички уч таркибий қисмга бўлинади: 1. Чўнг нағма; 2. Достон; 3. Машраб.

Уйғур ўн икки мақомидаги ҳар бир туркумнинг биринчи қисми бўлган "Чўнг нағма" – баён нахшиси, марғул, нахши-усул куйларини ўз ичига олади. Унда уйғурларнинг фалсафий ғояси ва манъавий интилишлари алоҳида шарҳланган бўлиб, ислом дини этиқоди, яратганга бўлган ҳамду сано, тилак ва истаклар ўз ифодасини топган. Шунингдек, инсон қувончу қайғуларини ўз ичига олади.

Иккинчи қисми "Достон" деб номланиб, бир қатор достон ва марғулларни ўз таркибига олади. Достондаги назмларнинг кўплиги уйғурларнинг эл ичида тарқалиб юрган қисса-достонлари, яъни "Ғариб-санам", "Юсуф Зулайҳо", "Ҳурлиқо Ҳамрожон", "Санубар" ва бошқа достонлардан парчалар бўлиб, одатда уни достончилар, чойхона, жамоат анжуманларида, оилавий ўтиришларда, катта, ёш ва ўрта ёшларига мўлжалланган даврада ижро этадилар. (Ҳар бир ёшга мўлжаллаб айтиладиган мақомлар мавжуддир).

Учинчи қисм "Машраб"ни нағмачилар асосан турли оммавий тадбирларда ижро этадилар ва тадбир аҳли биргаликда иштирок этиб, рақсга тушиб, ўз кўнгилларини хуш этадилар. Ёки ошиқлар ўзларини "Худонинг ошиқлари" деб билиб, кўча-кўйларда якка ёки бирлашиб ижро этадилар.

3-чи қисм – ритм ва усуллар, оҳанг қурилмаси жуда мураккаб бўлган, вазни оғир ва ўзгарувчан. Ижроси учун баланд, янгроқ, овоз туси гўзал, идроки кучли овоз соҳибини талаб қилади.

Жанубий Шинжонгдаги уйғурлар орасида мақомнинг барча қисмларини идроклаган, айниқса, "Чўнг нағма" қисмини ижро этадиган санъаткор "мақомчи" деган номга сазовор бўла олади.

"Уйғур ўн икки мақоми"ни ижро этишда чалинадиган чолғулар.

Қашқарда – сетор, қонун, рубоб, танбур, най, дойра.

Хўтанда: – сетор, қонун, танбур, болиман, дойра.

Аксуда: сетор, танбур, дутор, дойра.

Илида: скрипка, танбур, дутор, дойра.

XX асрнинг 50-йилларидан буён Шинжонг уйғур автоном райони санъат ансамбллари ҳам "Уйғур ўн икки мақоми"ни ижро этганда ишлатадиган чолғулар борган сари кўпайиб борди. Булар орасидаги энг катта типдаги чолғулар гуруҳининг сафланиши қуйидагича:

Камонли чолғулар – сетор, ғижжак, хуштор.

Чертма чолғулар – танбур, дутор, рубоб, қашқар рубоб, тақамул рубоб, бас рубоб.

Пуфлама чолғулар- най, болиман, сурнай.

Урма (сокма) чолғулар- дойра, ноғора.

Ургулик чолғулар-сафоил, тош, қошиқ.

Мақом санъатининг ривожи учун ушбу юртда бир қатор арзигули ишлар амалга оширилганлиги қувонарлидир. Хусусан, Шинжонг уйғур автоном районининг Урумчи шаҳрида Мақом ансамбли ва Уйғур ўн икки мақом тадқиқот уюшмасининг ташкил топганлиги; 1996 йили Шинжонг санъат институтида бакалавриат таълим тизими бўйича анъанавий ижро кафедрасида мақом ижрочилик касби таъсис қилинганлиги; мақом ижрочилигидаги талант эгаларини етиштириш мусиқа маъорифига ўтганлиги; Шинжонг санъат институтида мақом синфи таъсис қилиниб, бу мақом синфи ўқувчилари ҳар йили Пекинда ўтказиладиган фестивалда 1-ўринни олиб зўр ютуқларга эга бўлганлиги ва ҳ.к. Мақом санъатининг янада гуллаши буюк ипак йўлида ўн икки мақом садосининг мангу янграшини таъминлаши муқаррардир.

Уйғур мақомининг авлоддан-авлодга етиб келишида 200 дан ортиқ машҳур ҳофиз ва санъаткорларнинг хизматлари буюкдир. Буларнинг ичида ўн икки мақомни бизга тўлиқ ҳолда етказиб берган машҳур мақомшунос – Турди Охун ака-укалар ва уларнинг ўғилларидир. Ўн икки мақомдан илҳомланиб ўлмас асарлар яратганлардан машҳур мақомшунос Зикири Алратто, "Рухсор" мақоми номли бир муқаддима, бир нағма, 6 достонлик мақом ижод қилган. Аблизхон Мамут, "Ғунчам" номли мусиқали драманинг қўшиқ ва мусиқасини ижод қилган. Абукураш Али, Ҳозор Или халқ нахшилари каби айтиладиган бир нечта нахшилар ижод қилган. Ғиёсиддин Барот, Ғариб Санам операсининг нахшиларини мақомдан фойдаланиб ижод қилган ва ўзи ҳам моҳир мақом ижрочиси бўлган. Холиқ Ҳожи, Турди Охуннинг энг садоқатли шогирди бўлган ва 1991– 2000 йиллари мақомларни тўлдириш мақсадида энг кўп меҳнат қилган устозлардан биридир. Ҳозирги кунда ҳам мақом ижрочилигини давом эттираётган Уйғур мақом ижрочилик услуб ва мактабини яратган, Уйғур мақомини меъёрига етказиб ижро этиб, мақом шайдоларини қойил қолдиришга муяссар бўлган мақом ижрочиларидан Абдулазиз Шокир, Турниса Салоҳиддин, Абдулла Мажнун, Осмон Аҳмад, Ахмаджон Ахтам, Дилшод Райидин, Чимангул Қодир, Муҳаммад Турсун кабилардир.

Уйғур халқининг ўн икки мақоми мақомот дунёсида ўз шакли, мазмуни, моҳияти ва ўрни жиҳатидан миллий мумтоз мусиқа мероси алоҳида аҳамиятга эгадир.

Ойшамгул МУҲАММАД,
ЎзДК аспиранти



ФИТРАТ ШАРҚ ВА ҒАРБ МАДАНИЯТИ ХУСУСИДА

(“Шарқ сиёсати” асари асосида)

Бугун Шарқ ва Ғарб маданиятини қиёслаш, фарқлаш, гоҳо эса улардан бирини иккинчисидан устун қўйишга интилиш анъанаси шаклланаётгани кузатилади. Бироқ у ёки бу қадриятларни улуғлашга берилиб, масаланинг бошқа томони эътиборга олинмайди: бугунги кунда илм-фан, тараққиёт, фалсафа умумийликни, муштаракликни, бирликни излашга ҳар қачонгидан муҳтож экани унутилади. Ғарб ва Шарқ фалсафасининг генезиси, тарихий-маънавий илдизлари ҳақида фикр юрита туриб А.И.Лукьянов: “Ғарб ва Шарқ фалсафаси ягона методологик асосга қурилаётган ҳозирги пайтда улардаги умумий қонуниятлар ва фарқларни аниқлаш муҳимдир”, деб ёзади. Ҳа, цивилизацияларни яқинлаштирадиган, улардаги умумийлик, муштаракликни чуқурлаштирадиган жиҳатларни излаш инсоният тараққиёти учун принципиал аҳамиятга эга. Биз, педагоглар, бугунги глобаллашув шароитида ёшларимизнинг бағрикенг, серфазилат, баркамол инсонлар бўлиб етишишларини истар эканмиз, бунинг учун аждодларимизнинг илмий меросига мурожаат қилишимизга тўғри келади.

XIX аср охири ва XX аср бошларида тарих саҳнасидан жой олган жадидчилик ҳаракати намояндаларидан бири бўлган маърифатпарвар Фитрат ҳам Шарқ ва Ғарб маданиятини қиёслаш, фарқлаш, улардаги бағрикенглик ва нотолерантлик масалаларини ўз асарларида очиб беришга ҳаракат қилган. У мустамлакачилик зулми остида эзилиб келаётган халқларни оғир иқтисодий ҳолатдан чиқариш йўлларини излаб, бунинг учун ижтимоий, иқтисодий ва маърифий соҳаларда ислоҳотлар ўтказиш зарур деган ғоя билан чиқди. Фитрат ўзининг “Шарқ сиёсати” асарида истило сиёсатининг сабаб ва оқибатларини чуқур назарий мушоҳада этиб, бу сиёсатнинг турли халқлар ва миллатлар ҳаётига таъсири, салбий оқибатларини равшан кўра олган, унга баҳо бера олган йирик арбоб сифатида фикр юритади.

Фитратнинг “Шарқ сиёсати” асари 1919 йилда, ҳали Оврупо босқинчилари томонидан “дунёни бўлиб олиш” давом этаётган бир даврда ёзилган. Асар шу йилнинг ўзида “Иштирокиюн” газетасида (23, 25, 26, октябр), сўнгра эса Тошкентда алоҳида рисола сифатида чоп этилган. Рисола 47 бетдан иборат бўлиб, ҳозирги кунда Бухоро шаҳридаги Ибн Сино номли кутубхонада сақланмоқда.

1992 йилда “Навқирон Бухоро” Гуманитар тадқиқотлар марказининг саъй-ҳаракати билан Баҳодир Эргашев ва Илҳом Ғаниев томонидан адибнинг бу рисоласи қайта тайёрланиб чоп этилди. Кейинчалик Фитратнинг уч жилдлик

Галикарнасдаги мавзолей



Азиз журналхон! Биз яшаб турган дунё қадимқадим тарихда беҳад кўп ажойиботу ғаройиботларга, кўз кўриб қулоқ эшитмаган сирли ҳодисаларга, ҳақиқий мўъжизаларга бой бўлган. Инсон зоти, шоир ёзганидек, “яралиш онидан то бу дам қадар” ҳамма-ҳамма нарсани билгиси, ўз тарихини онгли идрок этгиси келади. Ахир, инсон ақл-тафаккурининг сарҳисоби ғоят қудратли куч эмасми?

Дунёнинг етти мўъжизаси ҳақида билмаган ёки узун-қулоқ гаплар орқали эшитмаган киши топилмаса керак. Шундай бўлса-да, келинг, ўша аввал билган ва эшитганларимизни яна бир карра ёдга олайлик.

асарлари тўплами нашр қилиниб, бошқа публицистик мақолалар қаторида бу ҳам учинчи жилдга киритилди.

Фитратнинг "Шарқ сиёсати" рисоласи Оврупо мамлакатларининг Шарқни ўзаро бўлиб олишларига қарши миллий руҳда ёзилган. Рисолада Марказий Осиё, умуман, мусулмон маданиятининг Ғарб мамлакатларига таъсири ҳам тилга олинган.

Қадимий маданият макони бўлган Марказий Осиёнинг қулай географик жойлашув, табиати, иқлими минтақада ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг аввалроқ бошланишини таъминлади ва "Шарқ билан Ғарб, Месопотамия, Эрон, Миср, кейинроқ Юнонистон ва Римни Хитой ва Ҳиндистон билан боғловчи, турли халқлар маданиятининг чатишувини таъминловчи ҳалқа вазифасини ўтади. Марказий Осиёга хос бўлган бу хусусиятлар кўплаб халқлар диққатини ўзига жалб қилди ҳамда қайта-қайта забт этилишига сабаб бўлди".

Рисола билан яхши танишиб чиққан китобхон миллатпарвар адибнинг бу тарихий ҳақиқатни яхши билишига тан беради: "...Шарқнинг жаннатий иқлими, буюк маънавияти, маданияти, миллий ва диний ахлоқи, инсоф ва илми дунё тарихида нурли кечмишдир. Нега шундай улуғ фазилатли Шарқнинг пешонаси доимо "қонталаш", "шўр"; бу мисли-сиз маданият бешигига Оврупо жаҳонгирлари нега қайта-қайта тажовуз қиладилар? Ер усти, ер ости ғазналарини талайдилар? Урф-одатидан аюрдилар, иффатини топтадилар, тилин ва динин йўқотмоққа тиришдилар? Шарқ мамлакатлари нега ўз вақтида буюк бирлик кўра олмади? Бунинг сабаб ва оқибатлари қандоқ?.." — каби ўнлаб ҳасратли саволларга аниқ, лўнда, теран, ишонарли ва донишмандона жавоб излайди.

Фитрат Шарқ ва Ғарбнинг ўтмишдаги ва ўша пайтдаги сиёсатига назар ташлар экан, бунинг учун қиёслаш усулини танлайди: "Амриқога қўноқ бўлиб кирган Оврупа маданийлари Амриқо ерли халқини битираёздилар, буни билмаган йўқдир. Африқони босиб олган Оврупа жаҳонгирлари у ердаги қора халқни ўлат каби ўлдириб туралар. Ҳолбуки, мусулмонлар Африқонинг Жазоир, Тунис каби ўринларини олғач, у ерларни тараққий эттирдилар, халқини тинчлантирдилар, улардан буюк одамлар етиштирдулар. Шарқ ўзининг тарихи, сиёсати, ҳунари, инсофи, ахлоқи, хидмату (хизмат) эътибори билан унча юксалмиш, у қадар тараққий этмиш эдиким, тасаввури ҳам бизнинг мияларимизга сиғмайдур".

Кўриниб турибдики, Фитрат холис одам сифатида Шарқнинг ҳам, Ғарбнинг ҳам ўзга ўлкаларни эгаллаб олганлигини, бироқ, бундан биринг мақсади — истило қилинган ўлкани талаш, халқини ўлдириш бўлса, иккинчисининг мақсади — қолоқ ўлкаларга тараққиёт олиб кириш эканлигини тарихдан мисоллар келтириб фикрини асослайди. Дарҳақиқат, Шарқ мамлакатлари ҳукмдорлари ҳам дунёни забт этар эканлар, маданият ва ҳақ динни олиб кириш учун ҳаракат қилганлар: "Байтулмуқаддасни, Мисрни, Андалусни, Истанбулни олган мусулмон ҳукуматларининг у ерлардаги халққа берган ҳуқуқлари, қолган ривоятлари тарих бетларидан ўчурилмакдадир. Араб бошлиқлари бир ўлкани олғанда у ердағи улуснинг тинчлигини сақламоқ учун бироз қўшун қўяр ва шул қўшуннинг чиқимлари учун бироз солуғ олар эдилар. Бироқ ёвнинг юрушиға чидамасдан шул ўлкани ташлаб чиқмоқчи бўлғанда, улус оқсоқолларини чақуруб: "Биз бу солуғ оқчаларини тинчлигингизни сақламоқ учун сиздан олған эдик. Бундан кейин тинчлигингизни сақлай олмаймиз, шунинг учун

Қадим тарихда ўтган барча ҳукмдорлар ўзларининг куч-қудратлари, беҳисоб бойликлари ва буюклигини жаҳонга кўз-кўз қилиш маъносида турли-туман ғаройиб тадбирларни амалга оширишган. Шу маънода, ўз замонасининг бир қатор номдор ҳукмдорлари росмана буюк иншоотларни ўз мамлакатларида бунёд этиб, дунё аҳлига намойиш этганлар. Натижада, оламда бири-биридан зиёда, муаммал ва ҳайратли мўъжизалар пайдо бўлди.

Дунёнинг етти мўъжизасидан бирининг асосчиси ва бош меъмори ҳам ҳукмдор Мавсол эди. Мавсол Кариянинг подшоҳи бўлиб, унинг мамлакати ўша даврдаги Форс империяси (милоддан аввалги 377 йилдан 353 йилгача) таркибига кирган. Бу шаҳарнинг пойтахти Галикарнас эди. У кейинчалик Туркия ҳудудларида Бодрум номи билан аталган. Ҳукмдор Мавсол отаси вафотидан сўнг унинг ўрнига тахтга чиқади, шаҳар ва қишлоқларни бошқаради.

Ўша даврнинг одатларига кўра, Мавсол ўзининг синглиси гўзал Артемизияга уйланади. Ўз синглисини, яъни эндиликда ёрини жондан ортиқ севар эди, унинг учун ҳар қандай фидойиликларга тайёр эди. Жуда катта бойликка эга бўлган Мавсол вафотидан кейин ҳам ҳамманинг оғзидан тушмаслик учун ўзининг ва севикли ёри қабри антиқа кўринишда бўлишини хоҳлар эди. Мавсол оламдан ўтгандан кейин ҳам ўзининг буюк куч-қудрат ва бойликка эга бўлганини тарихда абадий муҳрлаб қолдириш учун "Буюк обида" тиклашни режалаштиради ва орзуси йўлида фармон бериб, қурилиш ишларини бошлайди.

Обида қурилиб битгунча Мавсол ҳаёт билан видолашади, аммо унинг рафиқаси эри бошлаган ишни давом эттириб, тахминан милоддан аввалги 350 йилларда ҳукмдор Мавсол истаган "Буюк обида" қурилишини ниҳоясига етказади. Улкан иншоотга ҳукмдор Мавсолнинг қабри қўчириб келиниб, ниҳоят Мавсолнинг тириклигидаги орзуси ушалади. Хилхона Мавсол хотирасига Мавзолей деб аталган. Ҳозирги кундаги "Мавзо-

бу оқчаларингиз бизга ҳаромдир", — деб олған солуғларини қайтариб бериб кетар эдилар".

Испанияда салкам саккиз аср давом этган араблар ҳукмронлиги, Шарқ маданияти, илм-фан, фалсафа, бадиий адабиётнинг ривожланиши, Оврупо халқлари, айниқса, Испания билан чегарадош мамлакатлар учун изсиз кечмади. Ғарб мамлакатлари халқлари маданиятининг шаклланиши ва ривожига туртки бўлди, — деб эътироф этади. Дарҳақиқат, "Бағдодда аббосийлар, Кордовада уммавийлар ва Ўрта Осиёда мусулмон математик ва мутафаккирлари билан боғлиқ бўлган ажойиб олимлар илм-фаннинг юксак ривожини таъминладилар. Шундай қилиб, Самарқанддан Толедогача яхлит бир маданий тараққиёт йўли чўзилди". Зеро, қадимги Римда кенг тарқалган: "Биз, эллинлар, варварлардан олган ҳамма нарсани ўзимизники қилиб оламиз ва яна уни камолот чўққисига кўтарамиз" афоризмида Шарқ халқларининг инсоният маданияти пойдеворини яратишдаги улкан ҳиссасининг Ғарб халқлари томонидан тан олингани ифодаланган.


"Шарқ маданий йиртғучи (йиртқич — М.Р.) эмас, у бошқаларнинг халқларини таламас эди... Шарқ башариятнинг юксалиши учун тиришар эди. Шарқ маданият ўчоғи, инсоф бешиги, билим мадрасаси эди... Шарқ ҳунар, билим йўлинда Оврупа жаҳонгирларидек ўртоқ қонин ичмак ва орқадош (дўст — М.Р.) уйин таламоқ учун эмас, инсонлик дунёсини юксалтирмоқ учун тиришар эди... Оврупа жаҳонгирлари Шарққа туткан сиёсат йўллари шунлардир: Шарқнинг ахлоқини бузмоқ. Кўнглини диний ва миллий муқаддасатин (қадриятлар)дан совутмоқ, шарқлилар орасинда айрилиқ ва ёқлиқ солиб бир-бирларига қилич чекдурмак, шарқлини ишсиз, ялқов, оч ва яланғоч қилиб ўзларига қул этиб олмоқ, ювош-ювош шарқлининг қўлидан ер ва қимматли нарсаларини юз турли ҳийлалари билан тортиб олмоқ, Шарқ халқини турли йўллар билан секин-секин йўқ қилмоқ...! Русиянинг Николай ҳукумати бизнинг Туркистонимизда ҳам шул тадбирларини кўрмадими?.. Русия императўрлик ҳукуматининг бизга қилған зулмлари англизнинг Ҳиндустонда қилған зулмларидан қолишмас эди".

Гарчи Фитрат "Русия императорлик ҳукуматининг бизга қилған зулмлари инглизларнинг Ҳиндистонга қилған зулмларидан қолишмас эди", деса-да, нима учундир, ўз асарининг сўнгроғида Туркистонининг Россия шўролар ҳукумати билан бирлашиб Оврупо жаҳонгирларига қарши турмоғи ғоясини илгари суради. Бунга важ қилиб "Русия шўролар ҳукумати ҳеч бир улуснинг ўлкасини олмоқ истамайдур. Кучсизларнинг мамлакатларини олмоқ истаган бошқа давлатларни ҳам ер юзидан кўтармакчи эрурлар", — дейди. Асар 1919 йилда ёзилгани учун, болшевикларнинг инсонпарварлик, миллатларнинг тенг ҳуқуқлигини таъминлашга берган ваъдаларига адиб ҳали бир қадар ишонар эди. Аммо шуни қатъий таъкидлаш мумкинки, шўроларнинг дастлабки сиёсатига озгина умид билан қараган Фитрат, 1920-1937 йиллар оралиғида унинг "найранг-ўйин", аслида социализм ниқоби остидаги босқинчилик эканини теран англади, унга бутун нафратини сочди. Ҳатто, умри ҳам истиқлол йўлида хазон бўлди.

Фитрат табиатан эркин, ҳурфикр инсон эди. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлиб қайтганлиги учун ҳам у сўз эркинлигининг қандай улуғ неъмат эканлигини чуқур англаб, асарида таассуф билан қайд этади: "Фарансиянинг энг ахмоқ бир боласига берилган сўз эрки — Жазойирнинг энг улуғ бир файласуфига ҳам берилмайлей" тушунчаси ҳукмдор Мавсол номи билан боғлиқ бўлиб, ушбу сўз-тушунча буюк ҳиссиётларга бой, буюк қабр деган маъноларни билдиради.

Агар дунёнинг етти мўъжизаларидан бири ҳисобланган Галикарнасдаги Мавзолей тўғрисидаги маълумотларга тўхталадиган бўлсак, Мавзолей жуда ҳам қимматбаҳо, ноёб зебу зийнатлар, камёб тошлар, мармарлар ҳамда мураккаб меъморий ишлов берилган ҳайкалларни ўз ичига олганлиги билан росмана мўъжизалар қаторига киришини англаш қийин эмас. Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳукмдор Мавсолнинг жасади Мавзолейга кўчириб келингач, унга атаб олтин тобут ясалган. Подшоҳнинг жасади олтин қопламали тобутда сақланиб, у Мавзолейнинг асосий биносига жойлаштирилган.

Ўша замонларнинг анъаналарига мувофиқ ҳукмдорни кўриқлаш учун шерлар тимсоли олинган. Ушбу бинони ҳам тошдан ясалган шерлар кўриқлаб турар эди. Турли-туман қимматбаҳо тошлардан ясалган қуроллар ва ҳайкаллар юнон ибодатхоналари услубини эслатиб турган. Мавзолейнинг юқори қисмида айланма шаклидаги зина бўлиб, у ушбу бинони юқори даражали, интеллектуал салоҳиятга эга усталар қурганини англатса, иккинчи томондан, у ўша даврнинг ўзига хос ва энг мураккаб услуби ҳам ҳисобланган. Ушбу "Буюк обида" ердан 43 метр баландликда ўрнатилиб, катта-



дир". Мана шу иқтибосдан ҳам адибнинг нафақат ўз юртини, балки, бутун мазлум инсониятни ўйлаши англашилади.

Фитрат ўз замонасининг фарзанди сифатида ислом дини аҳкомларини чин кўнгилдан тан олади ва бу диннинг миллий тафаккурни шакллантириш учун мафкуравий асос бўлишини табиий бир ҳол деб билади. Шунинг учун ҳам арабларнинг ўзга юртларни босиб олишини истило сифатида эмас, балки уларнинг жаҳонгирликларини "...маданий Оврўпанинг жаҳонғирлиғи каби олинган ўлкаларнинг улусларини таламоқ, эзмак, йиқитмоқ учун эмас, унларни янглиш йўлдан қайтармоқ, унларнинг орасинда кириб, "ҳақ" дея топилган ўз фикрларини унларга қабул этдирмак, бутун дунё улусини "Ҳақ" ва "ҳақиқат" теграсинда тўпламоқ учун эди", — дея эътироф этади.

Оврупо жаҳонгирларининг икки аср муқаддам бошланган "Шарқни қутқарув" найрангли шиори остидаги босқинчиликлари XX аср бошларида авж нуқтага кўтарилди. Инглизлар Ҳиндистонда зулмни кучайтириб, Миср ва Арабистонга тажовуз кўзларини тикдилар. Рус босқинчилари Кавказ орти, Туркистонни талаб, Хитой, Афғон, Эронга ҳирс назари ила боқдилар. Французлар Тунис ва Жазоирни хўрладилар. Бутун Африқо Оврупа "зўр"лари томонидан истило этилди. Фитрат айтмоқчи: "Бояқиш Шарқ, ўз жонини қутғарғали кўп тиришди, тебранди, қичқирди, додлади, югурди, ҳамла қилди, қочди, қўрқитди, ялинди, эсига келган ҳар йўлга кириб кўрди". Хуллас, Шарқ мамлакатларининг Оврупонинг ялангоч қиличидан тилинмаган бирор бир "эти" — гўшаси қолмади! Маҳаллий халқнинг эрки, миллий ғурури оёқлар остида эзилди. Мустамлакачиларнинг "бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил" ақидаси Шарқнинг бошига машъум кунларни солди.

Фитрат "Шарқ сиёсати" орқали бизларни неча асрлардан буён босқинчиларга "ўлжа" бўлганимиздан огоҳ этиб, Шарқнинг техникавий тараққиётига ғов бўлган сабаблар илдизини кўрсатади. Тарихий шароит имконият, вазият яратса ҳам, Шарқ мамлакатлари ирқий, маънавий-руҳий, жуғрофий жиҳатдан яқин бўлсалар ҳам, ҳеч бирлашма олмаганликларининг ўқ илдизи, сабаб ва оқибатлари ҳам ушбу асарда мухтасар ёритилган. Шунингдек, асарда Шарқни талаган, оёқости қилган, эрки-ю бойлигини ўғирлаган босқинчиларга нисбатан адибнинг чексиз нафрати сезилиб туради.

Миллий истиқлолимизнинг оташин курашчиси Абдурауф Фитрат бир шеърида "Ватан саждагоҳимдир" деган фикрни баён этган эди. Чиндан ҳам, Ватан туйғуси, Ватан тушунчаси биз учун саждагоҳдай муқаддас, саждагоҳдай улуғ бўлмоғи керак. Бугунги кунда биз Ватанимиз истиқлолини, шаънини қандай ҳимоя этишни ота-боболаримиздан мерос қилиб олишимиз ва ўзимиз ҳам унинг ҳимоясига тайёр турмоғимиз даркор.

Бинобарин, Абдурауф Фитрат, Беҳбудий, Мунавварқори, Авлоний, Қодирий, Чўлпон каби юзлаб маърифатпарвар, фидойи инсонларнинг ўз шахсий манфаати, ҳузур-ҳаловатидан кечиб, эл-улус манфаати, юртимизни тараққий топтириш мақсадида амалга оширган эзгу ишлари авлодлар хотирасидан асло ўчмайди. Биз, ижтимоий Фан ўқитувчилари ўтаётган дарсларимизда, ёзаётган мақолаларимизда буюк аждодларимиз асарларидан фойдаланиб, уларнинг маъно-мазмунини талаба-ёшларга етказсак, глобаллашув шароитида ҳам миллий ўзлигимизни сақлаб қолишга ёрдам берган бўламиз.

М.РАҲМОНОВА

кон қўнғироқ шаклида, ажойиб бир дурдона кўринишини олган. Баъзилар Мавзолейнинг юқори қисмидаги қурилмани яна бир алоҳида мўъжиза, деб ҳам аташган. Ҳатто айрим маълумотларга қараганда, унинг ичкарисида Мавсол ва рафиқасининг олтин ҳайкаллари бўлган бўлса ҳам ажаб эмас.

Дунёда ҳар бир нарсанинг ибтидоси бўлганидек, унинг интиҳоси ҳам муқаррар бўлади. Бошқа мўъжизалар қаторида Галикарнасдаги Мавзолей ҳам асрлар ўтган сайин ўз салобатини йўқотиб боради, инқирозга юз тутади, яъни орадан XVIII аср ўтиб, кучли зилзила Мавзолейни ер билан яксон қилган.

1489 (эрамизнинг) йилга келиб, насроний ҳукмдорлари Мавзолей қолдиқларидан ўзларининг қасрлари учун фойдаланганлар. Улар яшил тошлардан ясалган бўлакларни алоҳида ажратиб, Мавзолейга ўхшаш ҳолатда қаср қурмоқчи бўлганлар. Тошларни ажратиш пайтида улар Мавсол ва Артемизиянинг хилхонасини топиб оладилар. Аммо топилмани қўриқламаслик оқибатида олтин ва бойлик умидида юрган қароқчи-ўғрилар уни талон-тарож қилганлар.

Археологлар то Галикарнасдаги Мавзолей устида ўз ишларини олиб боргунларича яна 300 йил вақт ўтади. Археологлар Мавзолейнинг асосий биноларини кашф этишди ва ниҳоят, бир нечта ҳайкаллар ҳамда ўғирланмай омон қолган ёдгорликларни топишди. Уларнинг орасида олимларни энг қизиқтирадигани ҳукмдор ва малика ҳайкалларидир. 1857 йилда барча топилмалар Буюк Британия музейига олиб келинди.

Ҳозирги кунда ҳам ушбу музейда Галикарнас Мавзолейининг ёдгорликлари сақланмоқда.

Сўнгги йилларда ҳам Мавзолейда қазилма ишлари олиб борилди. Демак, ҳукмдор Мавсолнинг "Буюк обида"си ҳақидаги маълумотлар янада чуқур ўрганилмоқда. Ҳозир қачонлардир дунёнинг етти мўъжизаларидан бири жойлашган Бодрум шаҳрида "Буюк обида"дан фақат баҳайбат тошлар қолган, холос.

Лобар ҲАМДАМОВА,
шифокор

Актёр “Паблик рилейшнз” сарбони

Театрга келган томошабин елкасидаги ғам-андуҳ юкини ташлаб, санъаткор қувонч-изтиробларини юрагига тугиб, ўйга толиб, фикр ва ҳаяжон етовида уйга қайтади.

Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқали театри солист-вокалисти Турсунбой Пиржоновнинг ҳалидан кўпроқ театрга элтувчи йўллар ўтади. У Чимкент вилоятининг Туркистон шаҳрида туғилиб ўсган. Ўша пайтлар Ўзбекистоннинг пойтахтидаги ва турли вилоятларидаги театрлар Туркистонга тез-тез гастролга борарди. Ўша спектакларни кўрган Турсунбойда санъатга айрича муҳаббат уйғонди.

Ўтган асрнинг 60-70 йилларида Ўзбекистон телевидениесида ҳар ҳафтанинг душанба куни жонли равишда кўрсатиладиган телевизион театр дастури мавжуд эди. Деярли ҳар душанба оқшомини миллионлаб телетомошабинлар орзиқиб кутишарди. Мактаб ўқувчиси Турсунбой Пиржонов душанба кунлари ишларини барвақт саранжомлаб, тезроқ кун ботишини кутарди.

Санъатга бўлган ҳавас уни Тошкент театр ва рассомлик санъати институтига етаклаб келди. У машҳур актёр, мураббий Раззоқ Ҳамроев курсига қабул қилинди. Айни пайтда Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқали театрида бадиий раҳбар бўлиб ишлаётган улкан санъаткор Т.Пиржоновдаги саҳнага бўлган алоҳида эҳтиром ва меҳнатсеварликни кўриб, уни биринчи курсдалигидаёқ театрга ўриндошлик асосида ишга олади.

Буюк Шекспир ўз фаолиятини Англиядаги “Глобус” театрининг отбоқари сифатида бошлаган бўлса, кўплаб таниқли актёрлар ҳам саҳна ишчиси, маъмур ва шунга ўхшаш оддий ишлар билан бошлашиб, кейинчалик машҳур санъаткорга айланишгани сир эмас.

Т.Пиржонов театр репертуаридаги мавжуд спектаклларни қайта-қайта кўриб баъзи роллари унга ёд бўлиб кетган эди.

1974 йили Муқимий театри Наманган шаҳрига Ҳ.Ғулом, М.Левиевнинг “Тошболта ошиқ” спектаклини гастролга олиб боради. Етакчи роллардан бири Суннатни ижро этадиган артист Равшан Солиҳов тасодифан оғриб қолади. Наманган шаҳрининг қоқ марказидаги маданият ва истироҳат боғининг “Яшил театри”да оқшомда ўтказилиши режалаштирилган спектаклга барча билет сотилган. Спектакл бошланишига саноқли соатлар қолган. Мутасаддиларнинг боши қотган. Спектакл бекор қилинса, бу ҳол бир неча ой олдин театр чиптаси сотиб олган томошабинларнинг норозилигига сабаб бўлади.

Шу пайтда етакчи актёрларнинг халтасини кўтариб юборса, ўзини бахтиёр ҳис қилиб юрадиган қорачадан келган йигит, ҳали театрда бирорта рол ўйнамаган Турсунбой Пиржоновга устоз санъаткор Раззоқ Ҳамроев “Суннатни кўриб юрганмисан” деб сўраса, “Бу ролни мен ёддан биламан” — деб қолса бўладими?

Мутасаддиларнинг юзига қон югурди. Соиб Хўжаев каби етук санъаткор ёш актёрга далда бериб, “балли, ўғлим, ўзим ёрдамлашиб юбораман, мабодо, сўзи эсингдан чиқиб қолса, биргалашиб тўқиб юборамиз” — деди.

Одатда мавжуд спектаклга янги кирувчи актёр ўнлаб марта саҳнада репетиция қилиб ролини Бадиий кенгашга топшириши керак. Ундан сўнг маъқул топилсагина рухсат берилади. Бундай, ЧП (фавқулодда ҳолат) шароитида ҳатто режиссёр кўригисиз Т.Пиржоновга ишонч билдирилди.

Спектакл муваффақиятли чиқди. Актёрнинг биринчи қадамини томошабинлар гулдурос қарсаклар билан олқишлашди.

Бундан кейин Т.Пиржоновга катта-кичик роллар топширила бошланди. У театр кенгликларини ўрганиб, сир-синоатини эгаллаб, ҳаётда кўрган-билганларини ўйнаётган ролларига бадиий безак беришда қўллай бошлади.

Юз йилдан ошдики, Оврупа ва Америка қитъасидаги давлатларда паблик рилейшнз (жамоат билан алоқалар) фан сифатида университет ва олий ўқув юртларида кенг ўрганилмоқда. Бозор иқтисодиёти даврида катта фирмалар, ширкатлар, монополистик корхоналар зиммасида рақобатга бардош бериш ва айни пайтда ўз молига истеъмолчилар топиш учун “халқ ичига бориш”, яъни эҳтиёжни ўрганиб, шунга мос товар ишлашни йўлга қўйиш ҳамда жамоатчиликка молини кўз-кўз қилиш зарурати туғилди.

Санъат соҳасида ҳам паблик рилейшнз атамаси пайдо бўлганига унча кўп бўлгани йўқ. Аммо минг йилларки, ўз иш услубини бевосита халқ билан мулоқот, жамоатнинг кўнглига қўл солиш, унинг дардига ҳамдард бўлиш учун мулоқот кўприклари қурган театр ПР хизматини қойиллатиб келаётгани ҳеч кимга сир эмас.

“Тошкент оқшоми” газетасининг 2001 йил 2 апрел сонида чоп этилган Тўлқин Эшбек, Оқназар Сирлибойнинг “Ҳаёт ойнаси” мақоласидан бир иқтибос келтирайлик:

“Ўлдинг, азиз бўлдинг” даги бош қаҳрамонлардан бири, қўшни чол образини қойиллатган, севимли актёримиз Турсунбой Пиржонов билан театр ҳовлисида бир дафъа суҳбат қурдик.

Гапнинг очиғи, саҳнада кимнингдир образини ижро этаяпман-у, ундан ўзим таъсирланиб кетдим, — дейди у ҳаяжон билан, — оналарим ҳолидан хабар олмаганимга анча бўлди.

— Кечирасиз, асли қаерликсиз?

— Чимкентликман. — Суҳбатдошимиз хаёлга чўмиб сўзида давом этди. — Шу спектаклни томоша қилгач, кўплаб биродарларимиз ўз ота-

оналарига оқибат, мурувват кўрсатишгани ҳақида эшитдим.

— Демак, театр маънавий озиқ беришгина қолмай, томошабин дунёқарашига ҳам таъсир кўрсатаркан-да.

— Бу санъатнинг муҳим вазифаларидан-ку!"

Ҳақиқатан ҳам театр томошабин билан эмоционал мулоқотга киради. Ўз ифода усуллари билан унинг тўрт мучасига таъсир қилиб, инсондаги хайрли хислатларни уйғотиб, томиридаги қонни жадаллаштиради.

Турсун Пиржоновнинг йўналиши: театр-уй-театр, баъзан болачақа ташвишлари, ҳожатмандликдан чарчаса, спектакл ўйнаётганда гўёки "чўмилади", дунё ташвишларини унутиб кўзлари яшнаб кетади, у хоҳ кичик, хоҳ катта роль бўлсин, рост ўйнайди, яъни яшайди.

У Муқимий театридаги деярли барча спектаклда банд. Баъзан кунига 2-3 спектаклда рол ўйнайди. Бундан ташқари, ўн йилдан ошдики, у театрнинг труппа бошлиғи вазифасида ҳам ишлайди. Деярли барча режиссёрлар қўйилажак спектакларга таклиф қилишади. Чунки у ҳар қандай ролга жон бағишлайди. Устози Соиб Ҳўжаевдан анча-мунча импровизация санъатини ўрганган.

Салкам қирқ йил ичида Т.Пиржонов юздан ортиқ ролларни ижро этди.

У театрга тирикчилик манбаи эмас, нафас оладиган жой сифатида қарайди. У маслакдош билан ишлайди. Т.Пиржонов кўнглидан жой олган режиссёр Баҳодир Назаров таклифига биноан Жиззах вилояти мусиқали драма ва комедия театрига бориб 10 йил ишлаб келди.

У Жиззах театрида ишлар экан, ўнлаб етук ролларни ижро этди. У Ҳамзанинг "Бой ила хизматчи" драмасида Холмат ролини ижро этиб тилга тушди.

Бу спектакл 1984 йили Республикадаги энг яхши спектакл деб баҳоланган. Театрнинг 1984 йили Тошкент гастроли воқеага айланди. Пойтахтлик санъатшунослар Т.Пиржонов ижросини олқишлашди.

Санъатшунослик номзоди Сирожиддин Аҳмедов "Санъат" журналининг 1984 йил 11-сонида бундай ёзади. "Спектаклда муваффақиятли яратилган образлардан бири Турсунбой Пиржонов яратган Холмат образидир. Холмат Т.Пиржонов бошқа актёрлар яратган Холматларга сира ўхшамайди. Бу аввало унинг характерини динамик очиб бериш жараёнида кўзга ташланади. Унинг Холмати кўз олдида бўлаётган тўстўполонга ишонмайди. Хонзодахоннинг ишқи-фироқи унинг эс-ҳушини олган, бир умр бўйдоқлик балосидан қутилиш чорасини ахтариш билан банд. Шунинг учун Солиҳбойга учар қуш, Хонзодага узун қулоқ ва мижоз бўлишга интилади. Аммо бой ва шароит пешвозларининг ҳақиқий афт-ангори унинг шира босган кўзини мошдек очади".

Айни шу рол ҳақида санъатшунослик номзоди Сотимхон Иномхўжаев "Жиззах ҳақиқати" газетасининг 1983 йил 17 декабр сонидаги "Чўлқуварлар театри" мақоласида ёзади:

"Истеъдодли ёш санъаткор Турсунбой Пиржонов Холмат образини ўзбек театри тарихида ёркин саҳифа бўлиб қолишига арзигулик намунасини яратди."

Бундан ташқари, Т.Пиржонов Жиззах театри саҳнасида З.Фатхуллин, Ш.Саъдулланинг "Ватан ишқи"даги Қўлдош, Ў.Умарбековнинг "Ўз аризасига кўра" асаридаги Обиджон, Алп Жамолнинг "Меҳрибонларим"даги — Аждар, Уйғуннинг "Парвоз"идаги — Рихсивой, Н.Сафаровнинг "Уйғониш"ида — Сарафанов, Р.Н.Гунтекиннинг "Бу телба хонадон"да — Имом, Э.Роблеснинг "Монсерро"сида — Кулол, М.Митровичнинг "Ярим тундаги ўғрилик" детектив асарида — Доило, С.Аҳмаднинг "Уфқ"ида — Иноят ролларини муваффақият билан ижро этди, бу матбуотда ҳам эътироф этилди.

Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтмоқчиман. Каминанинг "Саратондаги изғирин" номли трагифарсим Тошкент, Бухоро, Самарқанд ва Жиззах театрларида саҳналаштирилган эди. Спектаклдаги бош қаҳрамон Мурод ролини таниқли актёрлар ижро этишган ва ҳар бир спектакл кўп бор томошабинга кўрсатилган.

Аммо Жиззахда спектаклда бош ролни Т.Пиржонов шундай ўзига хос яратганки, бу спектакль 100 мартадан ортиқ томошабинга кўрсатилган.

Орада Б.Назаров Қашқадарё театрига бош режиссёрликка тайинланди ва Т.Пиржоновни Қаршига таклиф қилди. 3-4 йилдан кейин Б.Назаров Андижон вилоят театрига бош режиссёрликка тайинланди.

Яхшиямки, Муқимий театрида ишлаётганида театр томонидан берилган Юнусободдаги уйи бор эди. Т.Пиржонов яна Тошкентга қайтиб келиб, қадрдон театрида ишини давом эттирди.

У Муқимий театри саҳнасида элликдан ортиқ роллар ижро этди. Турли режиссёрлар билан ишлади. Буни қарангки. Андижонда бош режиссёр бўлиб ишлаётган Б.Назаров тағин Муқимий театрига бош режиссёрликка тайинланади.

У Б.Назаров саҳналаштирган деярли барча спектаклларда асосий ролларни ижро этиб келади.


Бугун театр репертуарида мавжуд бўлган С.Имомов, Ф.Олимовнинг "Суперқайнона", "Суперқайнона-2". Н.Аббосхон, О.Абдуллаеванинг "Кўнглимнинг кўчаси", Х.Хурсандов, Ф.Олимовнинг "Ўлдинг, азиз бўлдинг", "Муҳаббатим-қисматим", "Хотинимнинг уч шайдоси", У.Азим, А.Мансуровнинг "Куёвликка номзод", А.Қаҳҳор, Ф.Олимовнинг "Айрим нусхалар", Р.Н.Гунтекин, Ф.Олимовнинг "Бу телба хонадони спектаклларида етакчи роллар ўйнамоқда.

Турсунбой Пиржоновни саҳнада кўрсангиз, Наримон Муҳамедов, Сойиб Ҳўжаев, Раҳим Пирмуҳамедовларнинг издоши борлигидан кўнглингиз таскин топади.

Юракка элтадиган йўл балки тошлоқдир, балки ботқоқдир. Аммо йўлчини ўзига чорлайверади. Бировнинг дардини ўзиники қилиб олиш уста актёрнинг қўлидан келади.

Бетакрор овоз соҳибаси, Ўзбекистон халқ артисти Зулайҳо Бойхонова бундай дейди: — "Турсунбой аканинг юзи ҳаётда жуда ҳам кўримли эмас. Аммо саҳнага чиққан заҳоти чеҳрасидан нур ёғила бошлайди. Равшан кўзлари партнёрга қувват беради, томошабин эътиборини ўзига михлайди".

Тўра МИРЗО,
Ўзбекистон Миллий Университети журналистика факултети катта ўқитувчиси


UMID NIHOLLARI
PREZIDENT SOVG'ASI
Ўзбегим спорти

ЭСТЕТИК МАДАНИЯТ ВА ИЖТИМОИЙ ТАРАҚҚИЁТ

Инсоннинг эстетик маданияти маънавиятнинг алоҳида ижодий йўналиш берувчи муҳим унсуридир. 1997 йил 29 августда Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ўз нутқида таъкидлаганидек: «Сир эмаски, ҳар бир давлат, ҳар бир миллат нафақат ўзининг ерости ва ерусти табиий бойликлари, ҳарбий қудрати ва ишлаб-чиқариш қуввати билан, балки биринчи навбатда ўзининг юксак маданияти ва маънавияти билан кучлидир».

Республикамизда юксак маданият ва маънавиятнинг шаклланишига бўлган қизиқиш йилдан-йилга ортиб бормоқда, чунки жамиятнинг билимга, анъаналарга, дунёқарашга, ижодий қудратга бўлган талаби ошмоқда. Мамлакатимизда маданиятни ривожлантиришнинг муайян йўналишлари ва "Ўзбекистон Республикасининг таълим ҳақида"ги Қонуни шунга имкон яратади. Бунда таълим Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий тараққиёт соҳасидаги устувор йўналиши деб эълон қилинади. Умумтаълим, касб-ҳунар, олий таълим ислоҳоти, олий таълимни мустаҳкамлаш ва гуманитарлаштириш, республика фуқаролари ижодий фаоллигини кўтариш ҳам шулар сирасига киради.

Аввало, инсон эстетик маданияти қандай йўналишларда шаклланаётганини кўрсатиш учун "эстетик маданият" тушунчаси нимани англатишини аниқламоқ зарур.

Эстетик маданият бу — нафақат гўзаллик қонун ва меъёрлари бўйича қилинган ижод, балки инсоннинг атроф-оламга бўлган шундай фаолият ва шундай муносабатидирки, у инсонпарварлик нуқтаи назаридан умуминсоний ғоя ва олий мақсадларни ўзлаштиришни кўзда тутади. Яъни инсоннинг эстетик маданияти ўз халқининг энг яхши маънавий анъаналарини аста-секин ва изчил ўрганишни, табиатга нисбатан оқилона муносабатни, бошқа халқларнинг маънавий қадриятларига нисбатан ҳурматни кўзда тутади. Шу боис, эстетик маданият ижодий фаолиятда олий даражадаги ботиний ғайрат-шижоатни уйғотувчи асосга ҳамда маънавий эҳтиёжга айланади, ижоднинг мақсад ва йўналишини ҳам кўрсатиб беради.

Чунончи, эстетик маданият жамиятда кўплаб вазифаларни бажаради. Эстетик маданиятнинг энг муҳим вазифаларига қуйидагилар киради: ахборот узатиш, маърифий, аксиологик (қадриятларни мўлжаллаштириш), коммуникатив, регулятив (бошқарув), тарбиявий ва прогностик (тахминлаш) ишлардир.

Аммо жамият эстетик маданиятини шахс эстетик маданиятидан фарқлаш зарур. Ҳозирги замон илмий тасаввурларга кўра, жамият эстетик маданияти эстетик манбалари ва ҳодисаларини, эстетик қадриятларнинг барча хилма-хилликларини, эстетик қадриятлар табиати ва фаолияти тўғрисидаги эстетик билимларни ўз ичига олади. Уларни амалга оширувчи одамларнинг эстетик онги, эстетик фаолияти ва эстетик муносабатлари, эстетик қадриятлар асосида одамларнинг эстетик хулқ-атвори ва ўзаро муносабати, ўсиб келаётган янги авлодга эстетик маданий асослар, воқеъликни эстетик нуқтаи назардан ўзлаштириш усулларини ўргатувчи махсус канал сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Шахснинг эстетик маданиятига келсак, ўз ичига жамият эстетик маданияти билимини, нафақат ўз халқининг, балки бутун жамиятнинг эстетик ва бадиий қадриятлари тўғрисидаги билимни, санъат ҳақида мушоҳада қилиш ва унга баҳо бериш салоҳиятини ишга ижодий ёндашувни, эстетик маданиятни ҳурмат қилиш ва баҳолаш уқувини олади. Шахснинг эстетик маданияти фаолиятнинг барча кўринишлари ва шаклларида намоён бўлиб, инсон маънавий маданиятининг умумий даражаси билан бирга амалларда, хулқ-атворда, фикр юритиш ва нутқда, ҳаёт ва меҳнатни ташкил этишда, шахслараро бир-бири билан иноқлашувида шахс эстетик тасаввурлари, муносабатлари, эстетик онгнинг муайян равишда ўзгача тушунилишини ҳам акс эттиради.

Эстетик маданият авлоддан-авлодга санъат (меъморчилик, шеърият, мусиқа, рақс ва ҳ.к.) шаклларида ўтади. Санъат инсоннинг ҳақиқатни англашнинг кўп асрлик жараёнига дахл қилиши, асрлар оша одамларнинг олдинги ҳаётларидаги ғам ёки қувончга, драматизм ёки фожиага тўла нидоларини эшитишига имкон беради. Шу билан бирга инсониятнинг тарихий тажрибасини, ижтимоий хотирасини ўзида намоён этади, ин-

соният тараққиётининг мезонлари, мақсади, олий орзуси ҳам унда ўз ифодасини топади. Эстетик маданият инсониятни бирлаштирувчи куч ҳамдир. Шу нуқтаи назардан Бухоро ва Самарқанднинг "Шоҳи Зинда", "Бибихоним", "Гўри Амир", "Исмоил Сомоний" мақбараси ва бошқа меъморий ёдгорликларини тавсифлайдиган бўлсак, ушбу меъморий обидалар ҳам ташқи хатолар ва одамлар якдиллиги зарурияти олдида бирлашишга даъват этувчи ўзига хос огоҳлантиришдек туюлади. Меъморий ёдгорликлар ўтмишдаги аждодларнинг наинки ижтимоий-тарихий ҳаётини акс эттиради, балки бизга ва келажак авлодларга руҳий мадад бўлиш учун мурожаат қилаётгандек туюлади, қалбимизга ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик туйғуларини сингдиради. Мисол учун Абулқосим Фирдавсийнинг "Шоҳнома" асарини олайлик. Бу жаҳон адабиётининг юксак бадиий-эстетик асарларидан биридир. Бу XI асрнинг бизга йўллаган номаси, унда юксак маънавият, инсонпарварлик ва ватанпарварликнинг асосий тамойиллари баён этилган. Шу боис, республикамизда таълим ва тарбия ислоҳотлари ўтказиш шароитида ўтмишнинг эстетик маданиятини чуқур ўзлаштириш лозим бўлади.

Умуман, эстетик маданиятнинг шаклланиши мураккаб, ички зиддиятларга тўла жараён. Инсон қандайдир муайян ҳолатлар ёки маънавий юксакликка интилиш, ўз билимини ошириш, ўзини ўзи такомиллаштириш жараёни таъсири остида унинг дунёқарашида содир бўлувчи ўзгаришларни ҳар доим ҳам аниқ ва дарҳол ифода этавермайди. Аввалига қайсидир сабаблар туфайли шахс учун мўлжал ва воқеликнинг аниқ қуроли вазифасини бажаришдан тўхтаб қолган мавжуд тасаввурлар, олий мақсадлардан қониқмаслик ҳолатини юзага келтиради.

Эстетик маданиятнинг шаклланиши ижтимоий ҳолатлар, тарихий жараёнлар, шахснинг муайян ҳаётий тажрибаси, ўзлаштирилган ижтимоий ва маънавий қадриятлар таъсирида содир бўлади. Шахс таржимаи ҳоли ва шахсий фазилатларининг ўзига хослиги, албатта, эстетик маданиятнинг характерида эътибордан четда қолмайди.

Ҳозирги вақтда экологик маданиятни олдинга суриш ғоят зарур бўлиб бормоқда, чунки гап табиатдан фойдаланишнинг янги йўлини шакллантириш устида кетмоқда. Шу боис, эстетик маданият мазмунида табиатга нисбатан эстетик муносабатда бўлиш муҳим ўрин тутади. Эстетик маданият орқали "экологик масъулият"ни, одамларнинг экологик хулқ-атворини кўтариш осонроқ кечади. Табиатни муҳофаза қилиш борасидаги ғамхўрликни эса ёрқин ҳис этилган туйғуга, одатга, барча одамлар хулқ-атворининг рад этиб бўлмайдиган тамойилига айлантириш мумкин.

Табиат ҳар доим инсонга зўр эстетик таъсир кўрсатиб келган. Ҳозир ҳам, илгари ҳам ўзбекларнинг маънавий маданияти буни яққол тасдиқлайди. Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий инсон табиат билан бирга, унга мос равишда яшаши керак, дея даъват этишдан чарчамаганлар. Инсон билан табиатнинг бирлигида Жомий инсоннинг бутун моҳият-маъноси ва вазифасини кўрган эди.

Бизнинг давримизда табиатни тушуниш ва унга нисбатан муносабатни қайта тиклаш зарур. Шу боис, эстетик маданиятнинг мақсади, бизнингча, одам ва табиат бирлигини аввало одамларнинг ўзлари теран англашлари, табиат мусаффолиги учун масъулиятни чуқур ҳис этишлари лозим. Эстетик маданиятда табиатга муносабатни ажратиб кўрсатиш мутлақо ҳаққоний ва долзарб масаладир.

Эстетик маданият шахснинг туғма хусусияти эмас, у тарбияланади ва турфа одамларда турлича ривожланади. Шахснинг эстетик маданияти унинг бутун ҳаётий фаолияти, умри давомида шаклланиб боради.

Эркин УМАРОВ,
Фалсафа фанлари доктори,
профессор

Мақсад бахтга эришишдан иборат бўлмоғи лозим, акс ҳолда, гулхан етарли даражада гуриллаб ёнмайди, ҳаракатлантирувчи куч етарли даражада қудратли бўлмайди — бинобарин, муваффақиятга ҳам тўла эришилмайди.

ДРАЙЗЕР

Айтиш мумкинки, ҳар бир айрим кишида ва умуман ҳаммада ҳам маълум мақсад бўлади, шу мақсадга интила туриб, улар бир йўлларни эътироф этадилар, баъзиларини эса рад қиладилар.


АРАСТУ


Ҳаёт мудом ҳаракатда бўлмоғи учун хоҳиш ўлмаслиги керак.

ЖОНСОН

Шон-шавкат юксак мақсад сари интилганнинг мулкидир.

ФИРДАВСИЙ





Халқимиз орасида бетакрор овози ва хонишни билан авлодлар томонидан ардоқлаб келинган хонандалар кўп бўлган. Уларнинг дардли ва жўшқин овози ҳар қандай ҳаста дилни шод этишга, қайғули дардларга малҳам бўлишга қодир эканлигини эътироф этмай илож йўқ. Зеро, хофизлик мусиқа маданиятимиз тарихида фахр билан тилга олиб келинаётган санъатлардан биридир. Кўпинда ана шундай тарафли касб эгаси бўлмиш севимли санъаткоримиз — Ўзбекистон халқ хофизи Маҳмуджон Йўлдошев ҳақида сўз юритамиз:

Санъат саодати

Маҳмуджон Йўлдошев 1953 йилнинг 11 августида Андижон вилояти, Избоскан туманининг Чуама қишлоғида оддий деҳқон оиласида таваллуд топди. Отаси Усубжон Йўлдошев дала қоровуллигидан тортиб сувчилик ҳамда бригадага бошчилик қилган. Онаси Кимёхон ая ўзига тўқ оиланинг қизи бўлиб, болалар тарбияси билан шуғулланган. Бугун болаларининг камолини кўриб, кексалик гаштини сураётган 85 ёшли Усуб ота ва 80 ёшли Кимёхон аяларнинг тарбия ва дуолари билан фарзандлари халқимиз ардоғига эришдилар.

Маҳмуджоннинг болалик чоғлари далада, кенг яйловларда кечди. Беғубор ёшлик уни мусиқа санъати томон етаклади. Ёшлигидан мумтоз мусиқага кўнгил қўйди. Кекса устоз санъаткорларга ҳавас қилиб, уларнинг қўшиқ ва ашулаларини айтиб, хиргойи қилиб юрди. Айниқса, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов ва Тавакқал Қодировлар айтган ашулаларни куйлаш унинг энг севимли машғулоти эди. Мактаб ўқитувчиси Ҳайдар ака Раҳимов Маҳмуджоннинг қўлига соз берган ва уни санъат йўлига бошлаган биринчи устозидир. Маҳмуджон мактабнинг барча тадбирларида, ҳатто турли кўрикларда мактаб номидан туман ва вилоят босқичларида иштирок этди. 1967 йили ўрта мактабни битириб, Андижондаги Т.Жалилов номидаги мусиқа билим юртига ўқишга кирди.

Мусиқа билим юртида у мусиқа ижрочилигидан сабоқ олди. Билим юртида ўқиш давомида у бир неча маротаба "Марҳабо талантлар" телетанловида иштирок этиб, яккахон ижрочи сифатида ғолиб бўлди. 1973 йили билим юртини тугатиб, ўз қишлоғига қайтди ва ўзи ўқиган мактабда мусиқадан ўқувчилар-

га дарс берди. Маданият саройига ишга таклиф этилиб, замондош санъаткорлар билан бирга фаолият олиб борди. Сафдошлари билан замонавий қўшиқ ижрочилиги ҳамда устозлардан мумтоз мусиқа меросини ўрганиб, ижро этиб малакасини оширди. Хуллас, Маҳмуджон санъаткор сифатида ҳофизларнинг қозонида қайнади, яхшигина хонанда бўлиб етишди.

Ниҳоят, 1979 йили Маҳмуджон Йўлдошев Андижон вилоят филармониясига қўшиқчи сифатида ишга таклиф этилди. Бу даргоҳда у устозлар Фаттоҳхон Мамадалиев, Ғуломжон Ҳожиқуловлар билан бирга фаолият олиб борди. Устозлар кўмагида мумтоз мусиқа ижрочилигининг сиру асрорларидан баҳраманд бўлди. Уларнинг раҳнамолигида "Қаландар", "Муҳаббатдан", "Жонон бўламан деб", "Суръатинг" каби кўплаб мусиқий намуналарни ўзлаштирди ва маромига етказиб ижро этди.

1987 йили Андижонга ташриф буюрган атоқли санъаткор ва бастакор Ғанижон Тошматов Маҳмуджоннинг хонишларини эшитиб ниҳоятда қувонади. Овозида ва ижросида устоз санъаткорларнинг талқинини кўриб, "Бу йигитнинг жойи Тошкент, яъни мақом ансамблида" деб Тошкентга таклиф этади. Устознинг таклифи сабаб Маҳмуджон 1988 йили Ўзбекистон телерадиокомпанияси қошидаги «Мақомчилар ансамбли»га ишга киради.

«Мақомчилар ансамбли»даги фаолиятини Маҳмуджон Йўлдошев жуда катта эҳтиром билан эслайди. Бу даргоҳда у замонанинг энг етук ҳофизлари, созандалари ва устозлари билан елкама-елка туриб хониш қилди. Бебаҳо мусиқа меъросимизни устозлар сабоғига кўра ўрганди, ўзлаштирди. Орифхон Ҳотамов, Берта Давидова, Очилхон Отахонов, Эсон Лутфуллаев, Саодат Қобулова, Абдуҳошим Исмоилов каби мусиқа санъати дарғалари сабоғини олди, биргаликда фаолият олиб борди. Маҳмуджон Йўлдошев мақом мусиқа дурдоналаридан бир қатор намуналарни, бастакорларимизнинг бетакрор асарларини меъёрига етказиб ижро этди. Унинг ижросида "Насруллоий", "Насри Уззол", "Чапандози Ироқ", "Қашқарчаи савти сарвиноз", бастакорлар асарларида "Қаландар", Дони Зокировнинг "Эй сабо", Орифхон Ҳотамовнинг "Қаландар ишқи", "Қоши ёсинму дейин", "Сенсан севарим", "Виждон сақлагай"; Фаттоҳхон Мамадалиевнинг Фурқат ғазали билан "Қадимий Ушоқ", Муқимий сўзи билан "Қаландар", Ҳайратий ғазалига ёзган "Топмадим", Абдуҳошим Исмоиловнинг "Қайдасан", "Ёримга айтинг", "Нозик-нозик", "Эски қўшиқ", "Дилимга ғамзадан"; А.Дадаевнинг "Она", "Ошиқларданман" каби етук ашулалар ижро этилиб радио фондига ёздирилди.

Маҳмуджон Йўлдошев 2005 йилгача, яъни 17 йил давомида мақомчилар ансамблида самарали фаолият олиб борди. Бу жамоа билан у Шашмақом таркибида 40 дан ортиқ намуналарни ижро этиб, олтин фондга мерос қилиб қолдирди. Шу билан бирга бу даргоҳ Маҳмуджон Йўлдошевнинг устоз сифатида шаклланишида катта мактаб вазифасини ўтади. Устозлари Фаттоҳхон Мамадалиев, Ғуломжон Ҳожиқулов, Орифхон Ҳотамов, Абдуҳошим Исмоиловлардан катта санъат сирларини ўргангани зое кетмади. Унинг ижросидаги асосий икки омилга тўхталмай илож йўқ. Биринчидан, Маҳмуджон Йўлдошев асарни мукаммал ўзлаштирмасдан ижро этишга журъат этмайди, иккинчидан эса, ўз ижросидан кўнгли тўлгандагина бу асарни магнит тасмасига ёздиради.

Халқимизга сермазмун оҳанглар, мукаммал ижролар, беназир мусиқий намуналар ижросини тақдим этган бетакрор овоз соҳиби Маҳмуджон Йўлдошевга 2002 йили Президентимиз фармони билан Ўзбекистон халқ ҳофизи фахрий унвони берилди. Албатта, бу ишонч ҳофимизнинг олдига яна катта режалар, улкан масъулият юклади.

2005 йилдан Маҳмуджон Йўлдошев иш фаолиятини М.Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси қошидаги "Мумтоз" ансамблида давом эттира бошлади. Фаттоҳхон Мамадалиев фаолият олиб борган ушбу ансамблда у устози ишини давом эттиришга бел боғлади.

Устоз ҳофиз Маҳмуджон Йўлдошев ҳозирги кунда айни ижод палласида. Шогирдларининг ижрочилик ютуқларидан чексиз қувонч туйган устоз уларга "ижоддан тўхталмаслик керак" деган ўгитни тез-тез такрорлаб туради.

Маҳмуджон Йўлдошев уста санъаткорлар Ўлмас Саиджонов, Маҳмуд Тожибоев, Исроилжон ва Исмоилжон Ваҳобовлар, Бекназар Дўстмуродов, Абдуҳошим Исмоилов, Аҳмаджон Дадаев, Матлуба Дадабоева, Комила Бўриева, Малика Зиёевалар билан бирга ўзбек мумтоз мусиқа санъатининг очилмаган қирраларини очиш, ўрганиш, куйлаш, ижро этиш йўлларини мукаммал эгаллаш ва шу тариқа уларни ёш авлодга ўргатиш йўлида тинмай хизмат қилиб келмоқда.

Маҳфуза КАРИМОВА,
Ўзбекистон Давлат консерваторияси катта ўқитувчиси

Ўрта маълумотни классик гимназияда олган Гегел уни тамомлаш даврида ёзган иншо-маърузаси учун "Туркларда санъат ва фаннинг қайғули ҳолати" деган мавзуни танлагани ҳам ҳайратланарлидир. Гап шундаки, шу пайтгача Шарқ тарихи билан қизиқмаган ёш Вилгелм Усмонли турк империясида "санъат ва фаннинг қайғули ҳолати"ни жонли ва эркин тилда баён этар экан, бу билан у она ватани Вюртембургни назарда тутган эди.

Гегелнинг ёшлик ва ўсмирлик йиллари немис адабиётининг энг гуллаган даврига тўғри келади. Лекин у ҳозирча бирин-кетин дунёга келаётган шоҳ асарлар — "Эмилия Глотти", "Гец фон Берлихинген", "Ёш Вертернинг изтироблари", "Қароқчилар"дан хабардор эмас эди. Аксинча, ўша даврда энг зерикарли ва энг кўп танқидга учраган Иоган Гермеснинг ёстиқдайёстиқдай келадиган 6 жилдлик "Софиянинг Мемелдан Саксонияга саёҳатлари" романидан бош кўтармасди. Бу киборлар ҳаётининг кундалик зерикарли тафсилотлари ҳақидаги саёз асар эди.

"Ўшанда, — деб ёзади Гегелнинг биографи Куно Фишер, — ушбу зерикарли тафсилотлар тасвирига муккасидан кетган болакай пешонасига келажакда асрнинг энг пешқадам файласуфи, деган шарафли ном битилиши ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келган эмас".

К.Фишернинг бу фикрларига қўшилмаслик ҳам мумкин. Чунки ёш Гегел гимназияда ўқиш йилларидаёқ нафақат замонавий, балки антик адабиёт вакилларининг асарлари билан ҳам таниш эди. У Софокл ва Еврипид трагедияларини мутолаа қиларди. Эпиктет ва Лонгин асарларини лотинчадан она тилига ўгирарди. "Қадимги дунё шоирлари асарларининг баъзи характерли жиҳатлари", "Юнон ва римликлар дини ҳақида" каби ёзган иншоларидаги теран фикрлар файласуфнинг болалигиданоқ доҳиёна мулоҳазаларига жуда яқин эди.

Гимназиядан кейин у Тюбинген теология институтига ўқишга киради. 1790 йилнинг 27 сентябрида икки йиллик философия курсини битирган Гегелга философия магистри унвони берилади. Талабалик йилларида битта хонада ижарада турган Ф.В.Шеллинг, Ф.Гельдерлин ва Гегел ҳали олдинда ўзларини нималар кутаётганидан бехабар эдилар, албатта.

Фалсафа уфқида Шеллингнинг юлдузи барвақт порлади. 1798 йили, 23 ёш Шеллинг Иена университетининг экстраординатор профессори лавозимига кўтарилади. Ўзидан беш ёш кичик дўсти эришган бу муваффақиятдан шодланган Гегел, уни табриклаб мактуб йўллайди.

Гегел 1801 йил январда Иенага кўчиб келади. "Планеталарнинг айланиши тўғрисида" деган мавзуда диссертация ёқлайди. 1801 йилнинг 27 августида, яъни Гегел 30 ёшга тўлган кунда унга университетда лекция ўқиш ҳуқуқи берилади. Орадан ўн бир йил ўтгач "Логика фани" — унинг шоҳ асарининг биринчи жилди эълон қилинади. Нюрнберг даври файласуф ҳаётининг энг маҳсулдор босқичи бўлиб, "Логика фани" асарининг яна икки жилди ёзиб тугатилади.

Гегел фаолиятида Гейдельберг даврининг асосий асари — «Фалсафа фанлари энциклопедияси» дир. Бу асарда шаклланиб, маромига етган система Гегел фалсафасининг сўнгги ва якуний шакли бўлиб, уни умри давомида фақат айрим ғоялар билангина тўлдириб борган. Бу системанинг ялпи тизимида кейинчалик ҳеч қандай ўзгариш юз бермаган.

Пруссия ҳукуматининг министрларидан бири барон фон Альтенштейн Гегел фалсафасини ҳурмат қилар, унинг ижтимоий-сиёсий аҳамиятининг давлат учун фойдали жиҳатларини яхши тушунарди. Шу боис, Альтенштейн Гегелга мактуб йўллаб, уни Берлин университетига ишга ўтишга таклиф этади. Ҳатто Гейдельбергдагига нисбатан икки баробардан ҳам кўпроқ маош берилишини ҳам ваъда қилади. Бундан ташқари, Альтенштейн Гегелнинг Пруссия фанлар Академиясига сайланишида ёрдам беришини ҳам мактубда қистириб ўтади. 1818 йилнинг 24 январида Гегел розилик мактубини жўнатади. Энди у 1816 йилда вафот этган Иоган Готлиб Фихтенинг ўрнини эгаллаши лозим эди. Гегел бу ҳодисани ўзи учун шараф деб билар эди...

1829-1830 ўқув йилида Гегелнинг Берлин университети ректори лавозимига сайланиши ҳам унинг каттакон шуҳрат соҳибига эга эканлигидан далолат беради. Барон фон Альтенштейн сўзининг устидан чиқди. У 12 йил давомида Гегелни Пруссия фанлар Академияси аъзолигига ўтказиш учун курашди. Аммо математик ва физиклар Гегелга Пруссия Академияси эшигини очишни хоҳламас эдилар...

Шу ўринда жуда муҳим бир жиҳатни таъкидлаш шарт: инсоният фалсафий тафаккури тарихида Гегел биринчи бўлиб фалсафа тарихи фанига асос солди ва у бу туфайли шундай юксакликка кўтарилдики, демак, унинг ўрнига унгача ҳам, ундан кейин ҳам ҳеч бир олим даъво қилиши мумкин эмас.

Гегел ўзи асос солган бу концепциясида Шарқ фалсафаси ҳақиқий, юксак маънодаги философиянинг қарор топиш даври, деб баҳо берилади. Ўрта аср Шарқининг буюк файласуфлари — ал-Киндий, ал-Форобий, ибн-Рушд ва бошқалар ижодини эътироф этади. Файласуфнинг фикрича, Жалолиддин Румий, Фаззолий "ўткир фикрли, Шарққа хос буюк ақл соҳиби" бўлган.

* * *

Розенкрац ва Гегелни севадиган дўстлари у ҳақда "кузги натура", деб ҳазил қилишарди. Бунинг ўзига хос сабаби бор эди. Гегел фақатгина олим сифатида эмас, балки оилавий киши сифатида ҳам кеч етилди.

1811 йилнинг 16 сентябрида 41 ёшли Гегел ўзидан қарийб икки баробар кичик — 20 ёшли Мария фон Тухтерга уйланади. Дастлаб бу никоҳга келиннинг ота-онаси тиш-тирноғи билан қаршилик кўрсатади. Аммо Тюбенген университетида бирга таҳсил олган дўсти ва ҳамшаҳари, теология профессори Иммануил Нитхаммернинг ёрдами ҳамда Бовария қироллигининг Нюрнберг шаҳри комиссари Кракернинг махсус рухсатномаси билан никоҳ қайд этилади.

Мария ўз даврининг ўқимишли, оилада меҳрибон она ва зеҳнли аёлларидан эди. У оилада тўнғич фарзанд бўлгани сабабли кичик ука-сингилларига ибрат кўрсатиши лозим эди. Ота-онаси ҳам шуни жуда-жуда хоҳлашарди. Ўткир зеҳни боис у Гегелнинг ким ва қандай инсон эканини, муҳими, инсоният учун "ишлаётганини" яхши идрок этарди. Файласуф ҳам ўзини дунёда энг бахтли инсон деб ҳисоблашга тамомила ҳақли эди, чунки у Марияни севарди.

Оиланинг тўнғич фарзанди қиз бўлиб, туғилгандан сўнг узоқ яшамайди. Кейинчалик Карл ва дўсти И.Нитхаммер шарафига Иммануил (1814) деб исм қўйилган ўғиллари бирин-кетин туғилади. Катта ўғли Карл отаси вафотидан кейин тарих профессори, кичиги Иммануил эса, чуқур диний маълумот олиб, Бранденбург ҳудудлари бўйича консистория президенти бўлиб етишади.

Дарҳақиқат, машҳур кишилар ҳаёт тарзи содда кечади ва шу соддалик туфайли улар ҳақидаги турли-туман хотираларни эслаш ҳам мароқлидир.

Георг Вилгелм Фридрих Гегел 1770 йил 27 августда Германияда — Вюртемберг қироллигининг пойтахти Штутгарт шаҳрида, йирик амалдор оиласида дунёга келди. Унинг отаси, шаҳар молия бошқармасининг котиби Георг Людвиг Гегел 1799 йилда оламдан ўтади. Гегелнинг онаси Мария Магдалина жуда хушфеъл ва меҳрибон аёл бўлиб, у бўлажак файласуф 13 ёшга тўлганда вафот этган.



Даҳонинг ҳаёти

Куно Фишернинг ёзишича, кейинги йилларда (1829) Гегелнинг соғлиги ёмонлашади ва "футур кетган" саломатлигини тиклаш учун моддий ёрдам сўраб қиролга мактуб йўллайди. Яна ўша Альтенштейннинг аралашуви туфайли файласуфнинг Вена сафарига ҳукумат ҳисобидан "профессор Гегелга 600 талер" ажратилади. Ўзига кўрсатилган бундай "юксак" эътибордан боши осмонга етган Гегел (аслида, бу арзимас маблағ эди) эртаси куниёқ Австрия қайдасан, деб йўлга отланади.

Дрезден орқали Австрия чегараларига яқинлашар экан, бу мамлакатда хусусий мактублар билан қизиқувчилар кўплаб топилиши, шунинг учун ёзган хатингда сиёсий мавзуларга тил тегизма кўрма, дея Марияни огоҳлантиради. Ўзи эса ҳар куни каретада кетаётиб, Марияга мактублар йўллар эди. Гегел мактубларида йўл-йўлакай кўрганларини батафсил тасвирларди. Шалдираб оқаётган дарёлару дов-дарахтларгача эринмай ҳикоя қилар эди.

Венада, айниқса, Италия операси Гегелда катта таассурот қолдиради. "Токи ёнимда операга тушишга ва ортга қайтишга етадиган пулим бор экан — деб ёзади у Марияга, — мен Венадан кетмайман. Кеча ва ўтган куни Фодор хонимнинг концертига тушдим. Буни ҳақиқий опера мактаби деса бўлади! Унинг ижросидаги ҳайратомуз кўтаринкилик ва жўшқинлик, нафислик ва ифодавийликни айтмайсанми!.. Ақлдан озиш мумкин".

Венада ботаника боғи, император кутубхонаси билан танишади. Австрия пойтахтидан Туркия чегараларигача майдонни эгаллаган Эстергази суратлар галереясига уч маротаба ташриф буюради. Рафаэл, Леонардо да Винчи, Рембрант асарларини ҳайрат билан томоша қилаётган буюк файласуфни галерея залларида шахсан директорнинг ўзи кузатиб боради. Венада Гегелни ҳайратга солган яна бир нарса — барча санъат асарлари кўргазмаларига кириш бепуллиги эди.

Бу ерда Гегел Россинининг "Севильялик сартарош" спектаклини икки марта томоша қилади. Фодор хоним файласуф қалбини ўз санъати билангина эмас, балки гўзал аёлларга хос латофати билан ҳам забт этган эди. Аммо Гегел Марияни севарди. У ўзи куйиб-ёниб тасвирлаган Фодор хоним ҳақидаги мактубини Марияга йўллар экан, хотинига садоқат тимсоли сифатида, конверт ичига энди гуллаб келаётган нок гуляпроғидан биттасини солиб қўяди...

Умуман, Гегел, одатда кун давомида кўрган-билганларини кечқурун қоғозга туширар, Марияга чексиз садоқатини эринмай такрорлар ва ёзганларини эрталаб почта қутисига ташлар эди. Вена таассуротлари шу қадар кучли эдики, баъзан хотирасига унча ишонқирамай, мактуб сўнггида: "Мария, мен Венада қандай яшаганимни, нималарни кўрганимни ва вақтимни нималарга сарфлаганимни уйга борганимда сен, албатта, менга ҳикоя қилиб берасан", деб қўшиб қўярди...

Гегел 1931 йил қишки симестрга ҳуқуқ философиясидан маъруза дастурини эълон қилади. Эълон санаси: "Берлин. 1831 йил 7 ноябр".

Афсуски, орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас, аниқроғи, 13 ноябр куни эрталаб файласуф ўзини нохуш сеза бошлайди. Врач чақирилади. Гегел қорнида қаттиқ оғриқ сезиб, қайд қилаётган эди. Тушликка таклиф қилинган меҳмонлар қайтариб юборилади. Врач ҳеч нимани аниқлай олмайди. "Соғайишига умид қилса бўлади", деб қўяди, холос.

"Мен тун бўйи унинг тўшаги олдида мижжа қоқмадим, — деб ёзади Мария Гегелнинг вафотидан сўнг унинг синглиси Христианага. — Қорин оғриғи унча ўткир бўлмаса-да, тиш оғриғи сингари туни билан уйқу бермади. Ўзини ҳоли қолдиришимни сўради. Эрталаб ўрнидан туришга ҳаракат қилди. Биз уни аста суяб, меҳмонхонага ўтказдик. У жуда ҳолдан тойган, оёғида туролмасди. "Атиги бир соат бўлса-да ором олсам", дея зўрға шивирларди. Мен унинг бошига пар ёстиқ қўйдим. Бошқа врач, доктор Хорн келди. Елка ва кўкрагига аллақандай суюқлик дори суркади. Боёқиш қора терга тушиб кетган эди. Эрталаб соат 3 да аъзои баданига титроқ кирди, сўнг уйқуга кетгандек бўлди. Кутилмаганда чап юзи совий бошлади, қўллари кўкарган эди. Биз тиззалаб ўтириб олиб, узоқ вақт унинг нафас олишини кузатиб турдик..."

1831 йил, 14 ноябр, эрталаб соат 5 дан 25 минут ўтганда Гегелнинг юраги уришдан тўхтади. Ўша санадан роппа-роса 115 йил олдин, яъни 1716 йил 14 ноябрда улуғ файласуф Лейбниц вафот этган эди.

* * *

Тантанали дафн маросими 16 ноябрда бўлиб ўтади. Берлин университети ректори Мархайнеке ва машҳур Фёрстер қабр тепасида нутқ ирод қилади. Гегелнинг жасади ҳозирги Берлиннинг ўртасига, Ораниенбург дарвозаси яқинидаги қабристонга, Иоганн Готлиб Фихте ва Бертольд Брехт қабри ёнига дафн этилади.

Мансур ТЕНГЛАШЕВ,
филология фанлари номзоди

Бурҳон ШАРАФ

БУХОРО мактублари


(Охири. Боши ўтган сонларда).

VI

Жума ва никоҳ хутбалари

Бир жума куни тушга яқин Бухоронинг Жаҳрия масжидига бордим. Мингларча саллалилар халқа бўлиб ўтирган эдилар. Бири арабча ва форсча муножотга ўхшаган нарсалар ўқиркан, бошқалари унга қўшилиб, бир овоздан такрорлаб, тасбеҳ ва салавот ўқийдилар. Қайбирлари жазава ҳолига келиб, тўда ўртасида айланиб юрадилар. Қайбирлари оҳ уриб ҳушсиз бўладилар.

Жума намозини ўқиш учун Калон масжидига бордик. Усти очиқ катта бир майдон. Турли ўт-ўланлар ўсган, қовжираб ётган жойлар ҳам бор. Тепа томонда майдонга очиқ қилиб бинолар қурилган. Қибла томонда ердан тўғри юксалган айлана минора бор. Меҳроб ва минбар бўлган қибла томондаги қуббаси Эрон усулида қурилган. Минорада ой рамзи йўқ. Умуман, Эрон ва Туркистон масжидларида ой рамзи йўқ. Бутун Туркистоннинг энг кичик масжидларининг баъзиларидагина кўринади. Шунда ҳам фақат ярим ой. Аммо бизда муқаддас ҳисобланувчи тўлин ой ва унинг устига қўйилган ўроқ ойни бу ерда кўрмадим. Хутбани эшитиш учун минбарга яқин ўтирдим. Кенг кўкракли, йўғон товушли бир хатиб машҳур хутбалардан бирини ўқиди. Овозининг ёқимли чиқишидан кўра тўлиқ айтишга эътибор берди. Хутбанинг маъносини тушуниб ўқиганлиги англашилмайди. Қунт қилган киши жиддий хатоларини ҳам топади. Иккинчи хутба ўртасига етгач, хатиб турган жойидан бир қадам пастга тушди. Амирни дуо қилди: "Ас султон ибни ас султон ас-султон саид Абдулаҳад хон Баҳодир" исмига шу қадар мақтов сифатларини ёғдирдики, Умар бинни Хаттоб ёки Умар бинни Абдулазиз ўзлари тўғрисида шунчалар эзгулик сифатларини эшитсалар уялар эдилар. Амирга адолат, марҳамат, илмга ёрдам, ...Аллоҳга ижтиҳод, динда тақоид, тақводорлик, исломни ҳимоя қилиш ва бошқа иборалар билан шу қадар мақтадики, Мегарри Абал Талоий (973 –



1057 йилларда яшаган ғарб мутафаккир шоири) айтганидек, минбар титради. Амирга дуо тугагач, яна юқорига, аввалги жойига чиқди ва хутбасини билгани тарзда давом эттирди.

Бу катта масжид ривоятларга қараганда амир Қутайба томонидан қурдирилган эмиш. Бу ерда ҳозир ҳам бир қудуқ бор, амир Қутайба қаздирган, деб айтадилар.

Бухородаги танишларимдан бириникига никоҳ маросимига бордим. Сарт имоми муқаддас хутбани арабча бошлаб, форсча тугатди. Маъносини шундай изоҳлади: "Агар эр хотинини нафақасиз олти ой ташлаб кетса, ёки шариатдан ташқари урса, сўкса, хотиннинг бу эрдан ажралиш ихтиёри ўзида бўлади". Сўраб билдимки, Бухорода никоҳда шундай шартни билдириш маъруф экан. Бухоронинг жуда кўп русумлари бизга ўтганидек, бундай яхши бир одатнинг ўтмаганига ажабландим.

VII
Самарқанд

Дунёни титратган ва қўлида тутган Амир Темур давлатининг пойтахти бўлган Самарқанд шаҳрини кўриш ва унинг ҳақиқатан ҳам "сайқали рўйи замин" бўлган даври қолдиқлари ҳамда буюк асарларини томоша қилиш бир татар учун катта таассурот қолдиради. Бунда эски маданият асарларини кўриб, туркий наслнинг табиий қудратини ва боболарига кўрсатган ҳурматларини ҳамда бу асарларнинг ҳозирги харобаларини кўриб, ҳозиргиларнинг заифликларига ачиниш кўнгилни бир қизиқ ҳолга солади. Кўзинг тикилган ерда, оёғинг босган жойда қолиб, қоронғулик бутун кўнгилни қоплайди. Самарқандда Амир Темур қабри, Шоҳизинда масжиди, Биби хоним масжиди, Шердор, Тиллакори, Улуғбек мадрасалари – ҳар бири ўрта асрларда Ўрта Осиё маданияти ҳақида сўз юритишга етарлидир.

Шоҳизинда масжидидаги мақбараларнинг ички ва ташқи ёзувлари неча юз йиллар олдин ёзилганига қарамай, худди бугун ёзилгандек тасаввур уйғотади.

Абадий янги кўриниб турган бу тошларга ишлов берган қўллар чиндан ҳам маҳоратли дейилса, ўринли бўлади. Самарқанд асарларини тафсилаб ёзиш учун юзларча саҳифа керак. Булар тўғрисида тарихий романлар ёзилиб, миллатимиз болаларининг кўнглига жо этиш муҳаррирларимизнинг режалари ҳисобланади.

Темирйўл бекати эски шаҳардан 4-5 чақирим узоқликда қурилган, янги шаҳар эса бекатгача узайган. Бор-йўғи бир неча ўн йил олдин қурилган янги шаҳар неча юз йиллик эски шаҳарни жуда тез "енган". Янги шаҳар эскисига қараганда жуда обод. Банклар, магазинлар, шаҳар боғлари, ҳукумат бинолари барчаси янги Самарқанддадир.

Мусулмонларнинг шаҳар барпо этишдаги қобилиятсизликлари, деярли, ҳар ерда кўзга ташланади.

Шоирнинг:

Диёри кофир кездим, шаҳарлар, кошоналар кўрдим,
Айландим Мулки Исломни бутун вайроналар кўрдим

- дегани аччиқ, аммо ҳақиқатдир.

VIII
Тошкент

Янги шаҳар. Эски шаҳар. Эски шаҳарнинг ёруғ жойлари. Остроумов билан суҳбат.

Поездимиз Туркистоннинг пойтахти Тошкент шаҳрига эрталаб соат ўнда келиб тўхтади. Мен нарсаларни юклар сақланадиган жойга топширдим ва фойтунга ўтириб шаҳарга бордим. Бирисининг қўш оти жуда эгрибугри ерлардан лой кечиб, мени танишларимдан Афандининг хонадонига келтириб туширди. Ҳол-аҳвол сўрашгач, шаҳарни томоша қилишга чиқдик. Янги шаҳарнинг томоша қилинадиган жойлари кўп эмас. Шаҳарнинг қоқ ўртасида черков, генерал-губернаторнинг сариқ-қора байроғи, буюк князнинг қип-қизил маржондай уйлари, ҳарбий губернаторнинг қопқа шаклидаги қоровулхонаси, қалъа ва жуда кўп казармалари, шунингдек, бир неча гўзал уйлар ва магазинлар, пичан бозори ...вассалом. Мана бу шаҳар. Шаҳарнинг яхши жойларида ҳам мусулмонларнинг уйлари кўп. Тошкент шу жиҳатдан Бокуни ёдга солади. Маълумки, Боку билан Тошкентдан бошқа зўрроқ шаҳарларда мусулмонлар яхши жойлардан қочадилар. Шаҳар марказидан йироқ қишлоқ жойларда ерлашадилар.

Муаллим Исмоил афанди Галлиев идорасидаги нўғай-татар мактабига бордим. Туркистон шаҳарлари учун намунали усули жадид мактаби бўлишга арзир экан. Сўнгра отли вагонга чиқиб, эски шаҳарга бордик. У ернинг тор ва тошсиз кўчалари икки-уч кун олдин ёғиб ўтган қор туфайли бутунлай қўлмакка айланган. Бу йилги кўргазма муносабати билан тартиб берилган ярим аршин кенглигидаги йўлаклар нотекис бўлиб, кўп жойларда икки киши дуч келганда қарама-қарши томонга бемалол ўта олмайди. Бошқа мусулмон шаҳарларидаги каби деразасиз ва лойдан қурилган уйлар, кичик масжидлар, олди бутунлай очиқ кўрксиз дўконлар, нотекис кўчалар томошабинда ёмон таассурот қолдиради. Эски шаҳарнинг ёруғ бир чеккаси Мунаввар қори идорасидаги усули жадид мактабидир. Бунда тўрт ўқитувчи юздан ортиқ сарт болаларини Россия мусулмонларидаги каби энг сўнгги комил усул билан ўқитадилар. Мактабнинг биноси ёруғ ҳамда ўриндиқлари катта ва қулай.

Сўнгра Олим Ҳасан афандининг литография (тош босмахона)сига кирдик. Бу ерда "Далоил – ул ҳайрат" ва "Мусҳафи шариф" китоблари босилар экан. Икки йил олдин очилган бу матбаа Туркистон мусулмонлари учун жуда катта олға қадамдир.

Эски шаҳарнинг энг кўркам биноси Тўхтабой томонидан қурдирилган масжиддир. Унинг безаклари жуда нозик ишланган, нақшлари сартлардаги ҳунарнинг энг юксагидан дарак беради. Ўрнак бўлишга арзийди. Шаҳарнинг мадраса ва эски мактабларини ҳам томоша қилдик. Мадрасаси Бухоро усули хоналаридан иборат. Эски мактаб бизнинг усулсиз мактабларни эслатадиган даражада.

Тошкент хотираларининг газета учун энг муҳими – жаноб Остроумов билан суҳбатдир. Остроумов жаноблари қирқ йилдан бери Туркистонда яшаб, маҳаллий мусулмонларнинг тили, одати, ахлоқларини жуда яхши ўрганган. Ўзи оддийгина бир семинария инспектори вазифасини ўтаса-да, бу ўлкани бошқарувчилар унинг Туркистонни жуда яхши билишидан фойдаланадилар. Унинг сўзини ҳаммавақт ҳисобга оладилар. Мусулмонларнинг шариат ва мактаб ишлари бўйича Тошкентда бўлган барча кенгаш мажлисларида, Петербургда бўлган мажлисларнинг эрг муҳимларида Остроумов жаноблари қатнашади. Бир неча ўн йиллардан бери сартча "Туркистон вилояти газетаси"да муҳаррирлик қилгани сабабли, мусулмонларнинг фикр-ҳаракатига

таъсири катта ҳисобланади. У билан учрашиб фикр алмашиш Тошкентда бўлган ҳар бир мусулмон газетачиси учун хоҳишдир.

Кеч соат еттилар эди. Остроумов жанобларининг семинария кабинети эшигини тақиллатдим. Эшикка ўзи чиқиб, очиқ юз билан кутиб олди. Кўринишидан ишбилармон, зийрак ва уйғоқ эканлиги билиниб турарди. Ўтирганимиздан сўнг сўз бошлади. Ярим соат давом этган суҳбатимизда сўз ҳеч кесилмади. Фурсат бўлса яна бир неча соат гаплашилса ҳам зериктирмаган бўлур эди. Остроумов ҳукумат учун мунофиқона иш юритувчи энг мустаҳиқ ва қийин вазифани энг гўзал бажарадиган кишидир. У билан бўлган суҳбатимизнинг тўла тафсилоти газетанинг саҳифаларига сиғмайди. Шундай бўлса ҳам баъзиларини қайд қилиб ўтаман:

Жаноб Остроумов: Нўғай газетачилар билан менинг орамда англашилмовчиликлар бор. Улар менга ноҳақ гапларни гапирадилар. У ёғини олганда, мен улар айтган даражадаги одам эмасман.

Мен: Сиз газетангизда янги усул мактаблари ва тотарча театр ҳамда мусулмонларнинг ҳижобларига қарши кўп ёзасиз. Ўзингизга ҳам маълумки, бундай фикрлар мусулмонларнинг тараққиётига тўсқинлик қилади. Оврупача зиёли бўлган бир муҳаррирнинг шундай фикрлар тарқатишини ёмон ниятда тушунувчилар бўлса, ажаб эмас. Нўғай муҳаррирлари сизни қасддан оқларга хилоф ҳаракат қилади, деб гапирсалар ўринсиз бўладими?

Остроумов: Янги усул мактабларига биз қарши бормаймиз. (Бу кўпроқ ўз газетасида босилган фельетондаги гапнинг тақрорланишини эслатади). Фақат мактабни йўл-йўриқсиз, рухсатсиз очиб, ноқулайлик яратадилар. Мана, Самарқандда шундай бир мактаб очилган. Бу борада ҳукумат томонидан ҳеч кимдан сўрамаганлар. Шунинг учун ҳарбий губернаторга эътироз билдирилган. Тўғри, мен биламан, у ерда зарарли нарса ўқитмайдилар. Аммо ҳокимлар буни қаердан билсин? Ўз идораларига тегишли жойларда нима ўқитилганини, кимлар ўқитганини улар, албатта билишга ҳаракат қиладилар.

Ҳижоб масаласига келсак, мен сизга энг бошданоқ сўйлайин: Генерал-губернатор Духовский даврида мадам Лебедева (Гулнор хоним) уларга ўзининг "Мусулмонлар ҳуррияти" номли рисоласини юборган. Духовскийнинг буйруғига асосан, мен бу китобни газетага кўчирдим. Сарт муллалари бунга жуда ёмон қарадилар. Газетамиз ҳақида шариатга тил тегизмоқда, деб гапира бошладилар. Шундан сўнг улар томонидан бунга қарши ёзилган фикрларга газетамиздан жой беришга мажбур бўлдик. Сиз биласиз, газета сартларники, улар ўз фикрларини ёзадилар. Мен бор йўғи ҳукуматга қарши фикр бўлмаслигигагина эътибор бераман. Ҳар бир газета ўз ўқувчиларининг фикри билан ҳисоблашади. Янги усул, ҳижоб, театр турида сиз қарши деб тушунган нарсалар – ўқувчиларимиз фикридир. Сиз уларни нўғай ўқувчилар билан тенглаштирманг. Улар шу қадар очиқ далилларга ажабланмасликлари мумкин эмас. Духовский бир вақт айтган эди: "Мусулмонларнинг хотинлари менинг хотиним ёнига келиб ўтирсинлар, танишсинлар". Буни мусулмонлар тўғри тушунмадилар. Улар хотини хотинларимизни эрига кўрсатиш учун чақиртиради, деб ўйладилар.

Остроумов жаноблари юқорида айтилган масалаларга далиллар келтириб, баён этганидан сўнг, нўғай газетачиларидан гина қилди: "Улар мени миссионер деб айтадилар. Мен қанақа миссионерман? Мен неча йиллардан бери мусулмонларга қўшилиб юраман. Неча йиллардан бери менинг ёнимда мусулмон хизмат қилувчилар бор. Уларни ҳеч қачон христианликка ўтишга ундаган эмасман. Петербургдаги мусулмон мактаблари хусусидаги кенгаш мажлисини миссионерлар иши деб атадилар. (Комиссия аъзолари билан бирга тушган расмларини кўрсатди). Мана министр, мана профессорлар, Будилович, ўзингиз билган Катанов, Машанов, Байровинков, мана Воскресенский, Горячкин, Яковлев (чуваш), Мирупиев, Балгамибаев (қирғизлар). Буларнинг қайси бири миссионер? Бу ерда бир поп бўлса-да, у комиссия аъзоси эмас. Барчаси қўшилишиб расмга тушган. (Сўзида давом этди). Тағин нўғайлар бизнинг бу ердаги ишларимизга аралашадилар. Масалан, Гаспринский Туркистон мактаблари мавзусида лавҳа тузиб, генерал-губернаторга юборган. Туркистонга янги генерал-губернатор тайинланганда нўғайлар Петербургда унинг қўлига ёзма аҳборот бериб, менинг устимдан шикоят қилганлар. Бизнинг мактаб ишида, Туркистоннинг бошқарувида нўғайларнинг нима иши бор? Гаспринский билан мен неча йилдан бери танишман. Хат ёзишиб, учрашиб ҳам турдик, бироқ ҳамон бир-биримизни тушуна олмаймиз". Остроумов жанобларининг бу тарздаги тафсилотига қарши мен жавоб беришга ҳаракат қилдим. Ҳамда нўғайлар ва сартлар орасини айиришга тиришиш сиёсатининг хато эканлигини айтдим.

Остроумов жаноблари бунга қарши: Мен жазони ўтаётган кишиман, ҳукумат манфаатларини кўзлайман, ўзим рус, содда русман. Ўзимнинг қарашларимни очиқ сўзлай. Менда ҳийла, макр йўқ. Менинг қарашларим хусусида бировнинг гапириши шарт эмас. Аммо Апанаевнинг, Иброҳимовнинг мен ҳақимда ёзганлари одам кўтара оладиган даражада эмас. Мен кўпларига жавоб бермай шундай қолдираман, жавоб бериш лозим деб ҳам билмайман. Мен нўғайларнинг зарарига ҳаракат қилмайман. Олий семинарияга икки нўғай боласини қабул қилдим. Сартларга қанчалик хайрихоҳ эканлигимни ҳам бу китобда ўқирсиз. (Остроумов жаноблари ўзининг "Сартлар" номидаги зўр асарини қисмга бўлади). Мана сиз эски шаҳардаги тузем мактабини бориб кўрдингиз. Янги усул қандай йўлга қўйилганини биласиз".

Шундан сўнг Остроумов жаноблари Туркистон мусулмонларининг аҳволи ва халқларидан кўп нарса сўзлади. Бир миллатни идора қилиш учун уларнинг аҳволларини, руҳий ҳаётларини ва динларини билиш нақадар зарур эканлигига далиллар келтирди. Нўғай газеталари билан англашилмовчиликдан ҳар икки томонга (нўғай ва сарт) фақат зарар бўлишини, бу борада икки тарафнинг газеталари томонидан вақт сарф этиш кераклигини айтгандан сўнг, мен рухсат ҳамда вақтини олганим учун узр сўраб, ўз йўлимда давом этдим.

Кечки пайт зиёлилар мажлисида бўлиб, намойишга ҳозирланаётган "Хўжа ва приказчик" саҳна асарининг репетиция – машғулотини томоша қилдим ва шунда Туркистоннинг ёш ўсмирлари билан танишдим. Бу ҳақдаги ёзувни бошқа бир фурсатга қолдириб, Бухоро мактубларини хотималадим.

Татар тилидан **Шермурод СУБҲОН**
таржимаси

Мусиқа ва замонавийлик

Мумтоз қўшиқчилик билан ёнма-ён эстрада қўшиқчилигининг ўсиб бориши ҳаёт тақозосидир. Негаки, санъат доимо янгиланиши баробарида мўъжизавийлик касб этади. Айни замонда эстрада қўшиқчилиги ёшларга манзур бўлмоқда. Севара Назархонни Европа мамлакатларида ҳам яхши билишади. Райҳон, Шаҳзода, Феруза Жуманиёзова, Улуғбек Отажонов, Лола, Самандар, Сардор Раҳимхон сингари ўнлаб ижрочилар бетакрор санъатлари билан эстрада қўшиқчилик шаклланишига муносиб ҳисса қўшдилар.

Моҳият эътибори билан эстрада қўшиқчилиги мусиқада модерн йўналиши элементларини ўзида акс эттиради. Бунда ижрочининг нафақат овози, балки актёрлик қобилияти ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, қўшиқларга ишланган клиплар томошабиннинг ҳис-туйғуларига янада кучлироқ таъсир ўтказиш учун хизмат қилади. Шуниси таҳсинга лойиққи, эстрада қўшиқчилари усулларини миллий-этник хусусиятлар билан уйғунлаштириб юборганлар. Масалан, Маҳмуд Номозов, Ҳосила Раҳимова каби ижрочилар қўшиқларида, либосларида сурхондарёликларга хос руҳ устиворлик касб этса, Азиза Ниёзметова, Феруза Жуманиёзова қўшиқларида хоразмча эркалик, эҳтирос юз очади. Худди шу тариқа ўзбек эстрада санъатининг этник жиҳатдан ранг-баранглиги намоён бўлади.

Эстрада кўп янги номларни кашф этди. Хонандалар сони йил сайин ошиб бормоқда. Бу ҳол эса мусиқага бўлган эҳтиёжнинг ниҳоятда кучайиб бораётганлигини билдиради. Зотан, ҳар бир ижрочи қўшиқ репертуари миқдори билан қизиқади, албатта. Оқибатда бир-бирига ўхшаш, ўзаро фарқ қилмайдиган мусиқалар кўпайиб қолиши ҳам мумкин.

Агарда хонанда диди нозик бўлмаса, исталган матнни шеър сифатида қабул қилаверади. Қаламкаш шеър техникасига амал қилдими-қилмадими, шеърда ташбеҳлар борми, йўқми — унга барибир. Гоҳида қофиялари пайдарпай, маза-матрасиз тизмалар қўшиқ қилиб айтилаётганига гувоҳ бўласиз. Айрим хонандалар эса мусиқа ўғирлайдилар. Ҳинд ёки турк: бошқа халқлар мусиқаси ҳам учрамоқда: қўшиқлари мусиқасига ўзларича шеър ёздириб, қўшиқ қилиб айтадилар. Бу кўчирмакашликдир. Республика радиосида шундай кўчирмакашларни танқид қилишнинг "беозор" усулини топишибди: аввал аслиятдаги қўшиқ берилади, сўнг эса ўзбекча "нусхаси". Тингловчи шу тариқа мусиқа ўғриларини билиб олади.

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасининг 2009 йил 26-сонида "Қўшиқнинг туғилиши" сарлавҳали суҳбатни ўқидим. Бастакор Анор Назаров айни кўнглимиздаги гапларни айтибди. "Баъзи ижрочилар ҳатто матн муаллифи кимлигини билишмайди. Бир хиллари овоз бўлса бўлди, деб ўйлайди. Хонандада куйлаш иштиёқидан ташқари, ўзига хос овоз, эшитиш қобилияти, мусиқа ва шеъриятни бутун вужуди билан тушуниш ва ҳис этиш лаёқати ҳам бўлиши керак. Ана шундайлар билан яйраб ишлаш мумкин", дейди у, нуфузли танловнинг илк босқичида қатнашган ижрочилар ҳақида гапириб.

Дарҳақиқат, шундай. Хонанда саҳнага чиқишдан аввал халқ олдидаги масъулиятни чуқур ҳис этмоғи керак. У халққа нима бера олади? Бу борада ҳар бир хонанда обдон ўйлаб кўрмоғи лозим.

Муаммонинг яна бир жиҳати реп йўналишига бориб тақалади. Рэп Ғарб мамлакатлари санъатида шаклланган. Рэппер одатдаги ашулалардан бошқачароқ матнларни куйлайди. Матн наср элементлари билан бойитилган бўлиши ҳам мумкин. Лекин матнда муайян бир маъно-мазмун бўлмоғи керак. Рус рэпперлари ижрочилигини яхши биламиз. Уларнинг баъзилари тарихий мавзуларда бетакрор қўшиқ куйлашмоқда. Қўшиқчилигимизда шундай тур куртак ёзмоқда. Лекин гоҳида мазмунсиз матнлар ижро қилинаётганига ҳам гувоҳ бўласиз. Гаплар бир-бирига боғланмайди, пайдар-пай. Рэппер қандайдир ҳаракатлар воситасида томошабинни қизиқтирмоқчи бўлади. Ҳаракат бирламчи эмас, энг асосийси, матн ва мусиқа. Рэпперлар шуни билишлари жоиз.

Алалхусус, миллий мусиқамиздаги, қўшиқчилигимиздаги ўзгаришлар санъатшунослар зиммасига катта масъулият юклади. Ҳар бир хонанданинг индивидуал маҳоратига, ижро усулига, шеър матни ва мусиқасига холисона баҳо бериш, ўрнак бўладиган жиҳатларини эътироф этиш, нуқсон-камчиликларини кўрсатиш йўлида барчамиз бурчлимиз. Зотан, қўшиқчилик соҳасидаги янгиланишлар ўзгача ўлчовларни, ўзгача мезонларни тақозо этади. Ана шундагина биз замон талабларига жавоб ҳозирлаган бўламиз.

Насиба БАҲРИДДИНОВА,
Ўзбекистон Давлат консерваторияси профессори

МАҲАЛЛА ВА ТАДБИРКОРЛИК

«Дарё сувини баҳор тоширар, одам қадрини меҳнат оширар» деганларидек, Абдухолиқ Ваҳобов ҳам маҳаллага бош-қош бўлдию «Аҳил» маҳалласининг биноси тубдан ўзгарди. Ҳавас қилса арзигулик замонавий қилиб таъмирланиб, компьютерлар келтирилди. У ерда яшаётган барчанинг қўллари дуода.

Одатда халқнинг олқишию дуосини олиш, уларнинг назарига тушиш қийин. Бунинг барчасига Абдухолиқ ака ўзининг беминнат ёрдами, мурувватти, ғамхўрлиги ва меҳнаткашлиги туфайли эришди. Ҳозирги кунда Абдухолиқ ака етакчилик қилаётган Собир Раҳимов туманидаги энг кўзга кўринган, 7100 аҳолисига эга бўлган «Аҳил» маҳалласида аҳиллик, тотувлик, шижоаткорлик ҳукм сурмоқда.

Абдухолиқ Ваҳобовнинг умр йўлига назар ташлайдиган бўлсак, улар каттагина ибрат мактабини яратиб қўйганлар. У ўқитувчилик касбини танлаб хато қилмади. Чорак аср шаҳримиздаги 29-араб тилига ихтисослаштирилган мактабда болажонларга мураббийлик қилди. Уларнинг соғлом бўлиб вояга етишига кўмаклашди. Қанчадан-қанча ўқувчилари турли мусобақаларга қатнашиб фахрли ўринларни эгаллашга муваффақ бўлишди. Ўзи жисмоний тарбиядан ўқувчиларга сабоқ бериш билан бирга ҳанузгача спорт билан шуғулланишни канда қилмади. Оила аъзолари ҳам доимо спорт билан шуғулланиб келишди. Шунинг учун бўлса керак улар ҳеч қачон касалллик нима эканлигини билишмайди.

Абдухолиқ ака раҳбарлик қилаётган маҳаллага йўлимиз тушиб уларнинг хоналарига ташриф буюрганимизда ўриндиқда ўтирган саксон ёшларни қарши олган Абдужалил ота раисни «Умрингдан барака топ, ўғлим. Илоё олганинг олқиш бўлсин. Тупроқ олсанг олтин бўлсин», дея дуо қилаётганининг гувоҳи бўлдик.

Ҳа, дуо олган омондир, қарғиш олган ёмондир дейдилар. Кексалар дуосида гап кўп. Уларнинг маслаҳатларига амал қилаётган Абдухолиқ ака асло кам бўлётгани йўқ. У елиб-югуриб маҳалла аҳолиси учун ҳомийлар топди. Ўзи ҳам тадбиркорлик қилаётган «BAYTEKS» қўшма корхонасига хотин-қизларни, айниқса, ёшларни жалб этди. Ишсизларни иш билан таъминлашга кўмаклашди. Дастлаб тикувчилик цехи билан иш бошлаган Абдухолиқ ака кейинроқ қандолат цехини ҳам очиб, кўпгина ёшларни иш билан банд этишга ёрдамлашди. Маҳаллада биронта бекор юрган ёшларга кўзингиз ҳам тушмайди. Буни ҳатто шу ерда кексалар ҳам гапириб ўтиришади.

Ўзи ишбилармон бўлганлиги учун атрофига тезда тадбиркорлар Адбухолиқ Ваҳобов, Аъзамхожи Ашуров, Ботир Қосимов, Алишер Фозилхонов, Асомиддин Фозилов, Шерзод Абдужалилхонов, Илҳом Фозилов, Моҳира Холмуҳамедова, Ёқутхон Набиевнани йиғиб маҳалла учун ҳомийлик ишларини бошлаб юборди. Шу кунгача ҳудуддаги боғча ва мактаблардан ўз саховатларни аямади. Кам таъминланган оилаларга етти хил озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатишиб уларнинг дуоларини олишди. Байрамларда дастурхонлар ёзишиб, совға-саломлар улашишди. Кўпчиликнинг кўнглини олишга эришишди.

Бугунги кунда ҳеч кимга сир эмаски, маҳаллалар ўзини ўзи бошқаришга ўтган. Шунинг учун қайсидир маҳалла обод, гуркираб яшнаяти, қайси бири эса ўзининг аравасини ўзи торта олмай ботқоқлик сари юз бурган. Аммо қаловини топсанг қор ҳам ёнади деганларидек Абдухолиқ Ваҳобов раислик қилаётган маҳаллага барчанинг ҳаваси келади. Ҳаттоки иш услубини ўрганиш мақсадида узоқ-яқиндан маҳалла оқсоқоллари ҳам келиб маслаҳатлашиб туришади. Бу бежизга эмас, албатта. Маҳалла ўзини ўзи бошқариши учун яхшигина сармоя ҳамда аҳолининг аҳиллиги, ҳамжиҳатлиги ҳам керак бўлади. Абдухолиқ ака эса буларнинг барчасини мужассам қила олган инсондир.

Бу маҳалладан кўнглимиз тоғдек кўтарилиб қайтдик.



ОҚ ХАЛАТЛИ МАЛИКА

Кемтик қалбларга қувонч улашиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Айниқса шифохонада нажот истаб турган беморлар дардига малҳам бўлаётган шифокорлар ўзингизнинг туғишганларингиздан ҳам кўра яқинроқ бўлиб кетади. Собир Раҳимов туманидаги 21-оилавий поликлиниканинг бош шифокори Лолахон Носировна ҳузурига ташриф буюрдик. Илк маротаба кўрганимиздаёқ улар бизда илиқ таассурот уйғотди.

Уларнинг шу кунгача бўлган ҳаёти, иши билан қизиқдик. Лола опа қизалоқлик пайтидаёқ шифокор бўлишни орзу қилган. Ҳаттоки аммаси билан гоҳида бемор кўришга ҳам боради. У уйидан тез-тез йўқолиб қоларди. Онажониси уни дарҳол бемори бор ҳовлидан топиб келарди.

Унга мактабда Ўлмас Зоирова ва Ғафур Азимовлар устозлик қилган. Мактабни олтин медал билан тугатгач, дарҳол ҳужжатларини Тошкент Давлат Тиббиёт институтининг даволаш факултетига топшириб, уни муваффақиятли тугаллади.

Тўртинчи курсдалигида турмушга чиқди. Ҳам келинлик ҳам талабалик нозиккина бу аёлга, албатта, оғирлик қиларди. Аммо унга кўмакдош бўлган ойиси ва қайнонаси ўқишини давом эттиришда суянч бўлишди, фарзандларини оёққа турғизишда ёрдамлашишди.

Аслида уларнинг оиласини шифокорлар сулоласи дейишади.

Дастлабки иш фаолиятини 33-поликлиникада терапевт шифокор, сўнгра бўлим бошлиғи бўлиб бошлаган. Шу поликлиниканинг бош шифокори ва устози Шоҳида

Аъзамовадан талабчанликни, ишига бўлган масъулиятни, тажрибани ўрганди. 1996 йилдан буён шу кунгача 21-оилавий поликлиникага бош шифокордир.

Ушбу поликлиника тўққизта маҳаллага, тўққизта боғча ва учта мактаб ҳамда битта банк коллежига хизмат кўрсатади.

Ҳозирги кунда поликлиникада ташхис ишлари яхши йўлга қўйилган. Беморлар учун барча шарт-шароитлар муҳайё.

– Лола опа жудаям талабчан раҳбар, – дейди шу ерда ўн йилдан буён фаолият юритаёган ҳамшира Саодат Ирискулова. – Улар бир ишни бошласалар меъёрига еткизмасдан қўймайдилар. Доимо қаттиққўл, аммо кези келганида кўнгилчан ҳамдир. Менга улардаги барча фазилатлар ёқади. Уларга ўхшашни жудаям хоҳлайман ва ҳавас қиламан.

– Мен ҳам шу ўринда улар ҳақида икки оғиз гапирсам майлими?!, – дейди шу ерда ўтирган истараси иссиққина аёл.

– Майли, – дедим мен

– Мен 432-боғча мудираси бўламан. Исмим Саломат. Лола раҳбар сифатида жуда кучли аёл ва катта тажрибага эга бўлган шифокордир. Бу шифокор ҳақида қанча ширин сўз айтсак кам. Ишонмасангиз, ҳузурига келаётган беморлардан ҳам билиб олишингиз мумкин.

Мен атайлабдан ўша ердаги беморларнинг кўнглига ҳам қўл солиб кўрдим. Улар ҳам бу аёлдан миннатдор эканликларини айтиб ўтишди.

У бунга осонликча эришгани йўқ. Ойиси ва қайнонасининг ўгитлари, маслаҳатлари орқалигина шу даражага эришди.

Онажониси доим унга «Қизим, гапларим ёдингда бўлсин. Доимо оппоқ халатингга доғ туширмагин. Сенинг олдингга маъюс бўлиб келган бемор хурсанд бўлиб чиқиб кетсин. Ҳамиша одамларнинг қалбига йўл топгин» дея таъкидлаб келган.

Қайнонаси Мастура ая покиза, озода ва режали аёлдир. Шунинг учун келини Лолахонга «Ҳам раҳбарликни, ҳам оилани эпласангиз, ишлайверинг» дея рухсат берган.

Лолахон опа қайнонасининг ишончини оқлаш учун ҳам тиним билмасдан ишлади ва жамиятда ўз ўрнини топди ҳам.

Ўзининг ойижониси бўлса «Агар яхши аёл бўлмоқчи бўлсанг, эрингнинг ошқозонига йўл топ. Доимо ширин овқатлар қилиб беришга урин. Ошхонангни сариштa тутгин» – дея маслаҳат берган.

Ёшлигида Лола опа шифокорлик қилиш билан бирга уйда чеварлик ҳам қилган. Бундан ташқари витаминли, калорияли овқатлар тайёрлашни хуш кўрган.

– Менинг ҳаётдаги ва тиббиётдаги ютуғимга турмуш ўртоғим, бугунги кунда республика болалар ортопедия марказининг бўлим бошлиғи Маҳмуджон сабабчи бўлган – дейди мамнуният билан биз билан бўлган суҳбатда Лола опа. – Фарзандларим Яшнар Жаҳон тиллари университетини тугатиб иш бошлаган. Нодиржон Ўзбекистон миллий университетининг психология факультетини тугатиб, Лондондаги университетда ҳам ўқиб қайтди. Лобар қизим эса менинг касбимни танлаган. Иккита неварам бор. Келиним Гулчеҳра ҳам шифокор. Куёвим ҳам зиёли. Ҳуллас бахтли оиланинг маликасиман.

Лола опани оппоқ халатли маликага ўхшатдик. Ҳа, шу поликлиниканинг маликаси. Беморлар қалбига йўл топиб, уларнинг дуосини олиб юринг, Лола опа дегимиз келди.



Дилфуза МИРЗАКАРИМОВА

ЗИРОАТЧИНИНГ ЗАЛВОРЛИ ОДИМЛАРИ



Мустақилликнинг асрларга татигулик шонли, шарафли йилларида қалби ғурур ва сурурга тўлиб-тошган домла қадрдон институтида таълим-тарбия олаётган талабалар ҳамда ҳамкасблари ҳузурига шошади. Кафедрага келиб профессор-ўқитувчилар ва ўқув хонасидаги йигит-қизларни Мустақиллик байрами, Билимлар куни билан самимий қутлайди. Кейин эса бироз тин олиб, қўнғироқ бўлгач, аудиторияга кириб, мароқ билан Ўзбекистон ва жаҳон пахтачилиги тарихи, бугуни, эртаси ҳақида бой умумий-назарий маъруза ўқийди.

Ўқувхонада жонланиш ва ҳаяжон. Йигит-қизлар бутун вужуди қулоқ бўлиб, маъруза тинглайди. Талабалар домлани бир оз тин олишга мажбур қилишади. Шўхроқ бир йигит:

— Домла! Сиз Абдулла Ориповнинг кими бўласиз? — дея савол беради. Бу қизиқувчанлик ва ҳақли савол мана, қирқ йилдан ошдики, такрор-такрор айтилади. Бу сафар ҳам шундай бўлди.

— Қаҳрамон шоирми... Оиламизнинг кенжаси, Абдуллани шеър ёзишга очиғи ўзим илҳомлантирганман. Ўқувчилик, талабалик ва ёшлик йиллари ким шеър ёзмаган, — дея саволга жавоб берди-ю, файласуф шоирнинг Ватан ҳақидаги шеърларидан ёддан ўқиди ва учқур хаёлларига эрк берди. Аниқроғи, қалбига сўнмас ёғду инди шекилли, шўх-шодон болалигини эслади шу топда. Хаёлидан ота-онаси, Қўнғиртов этакларидаги серўт яйловлар, минг кўзли булоқлардан ҳовучлаб ичган зилол сув, қўшни қишлоққа қатнаб ўрта мактабда олган таълим-тарбия жараёнлари ва меҳрибон устозлари хотираси кино тасмасидай ўтди...

Раззоқ Орипов 1938 йил 20 августда Ориф Убайдулла ўғли хонадонида учинчи ўғил фарзанд бўлиб дунёга келди. Акалари Халил, Мелибойларга эргашиб тез улғайди ва вояга етди. Зийраклиги, хотирасининг кучлилиги сабабли ҳаёт ғўзалликларини қалбига жо қилди. Ўрта мактабни олтин нишон билан битириб, 1955 йил Ўзбекистон қишлоқ хўжалик (ҳозирги СамҚХИ) институтининг агрономия факултетига ўқишга кирди. Қишлоқ йигити битта имтиҳон топшириб талаба деган шарафли номга эга бўлди. Бундан ўзи каби отаси — Ориф бобо, онаси Турди Карвон қизи, оғайинқариндош, ёру дўстлари бехад хурсанд бўлди. У институтда қунт билан ўқиди ва изланди. Агрономияга оид деярли барча фанлардан олиб бориладиган мўл ҳосил олиш ва ўғит сифатида фойдаланиш йўлида бир неча йил тажриба ўтказди. Тажриба натижаларини лабораторияларда таҳлил қилди. Устозлари кўрсатмалари ва панд-насиҳатларига қулоқ тутди. Ўрганди ва изланди. Натижада, “Зарафшон водийсининг ўтлоқ ва бўз тупроқ шароитида ғўза қатор ораларига қишки оралиқ экинларни экиб ўстириш ва ундан яшил ўғит сифатида фойдаланиш йўли билан тупроқ унумдорлигини ва ғўза ҳосилдорлигини ошириш йўллари” мавзуидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Аспирантурадан кафедрага ишга ўтди. Бундан қирқ йил муқаддам илк бор дарсга кирганида:

— Домламиз Абдулла Ориповнинг акаси экан, қандай зўр, — дейишди талабалар. Бу ғурурли гап ҳамон, йил сайин такрорланмоқда. Қалбларни ҳаяжонга солмоқда. Аввал ассистент, катта ўқитувчи, кейинчалик доцент, профессор лавозимларида ёшларга, аниқроғи, бўлажак олим-агрономларга Ўзбекистон пахтачилиги тарихи, селекцияси, уруғчилиги сир-асрорларидан мароқли ва мазмунли маъруза ўқиб келмоқда. Шу билан бир қаторда Зарафшон воҳаси, Қашқадарё, Жиззах чўлларида фидокорона меҳнат қилаётган пахтакор фермерларга илмий, назарий, ҳаётий билим ва тажрибаси билан бевосита ёрдам кўрсатмоқда. Раззоқ Орипов илмий кузатишларини кенг миқёсда давом эттириб, 1982 йил "Ўзбекистон деҳқончилигида оралиқ экинлар, уларнинг тупроқ унумдорлигини, ғўза ва бошқа экинлар хосилдорлигини оширишдаги роли" мавзуидаги докторлик диссертациясини Россиянинг Омск шаҳрида муваффақиятли ҳимоя қилди ва қишлоқ хўжалик фанлари доктори илмий даражасига эга бўлди.

Раззоқ Орипов мустақиллик йилларида куч-қувватга тўлган ҳолда пахта ва ғаллани қисқа алмашлаб экишнинг, ўзига хос хусусиятлари ҳақида кўплаб илмий-назарий, ҳаётий хулосалар, илмий тавсиялар баён этмоқда. Айниқса, пахта ғалла уруғчилиги ва уларни ҳудудлаштириш, албатта, биринчи навбатда шогирдлари билан янги навлар технологиясини яратиш борасида илмий изланишлар олиб бормоқда. Такрорий экин сифатида кўплаб дуккакли экинлар (мош, нўхот, ловия, соя, вика ва бошқа)ни экиш мақсадга мувофиқлиги ҳақида бой илмий, амалий фикр-мулоҳазаларини ўртага ташламоқда. Зироатшунос олимнинг бой назарий, илмий тавсияларига кўра, перко, жавдар ва бошқа экинлар экиб, улардан яшил ўғит ёки озиқ-овқат, ем-хашак сифатида фойдаланиш мумкин. Бунинг яна бир фойдали томони шундаки, шу усул билан экин майдонларидан фойдаланиш коэфицентини ошириш мақсадга мувофиқ. Бу йўл билан тупроқда озиқ элементлар миқдори кўпаяди ва натижада ер соғломлашади. Бу билан экологик тоза маҳсулотлар етиштиришга катта имконият яратилади.

Олимнинг кўп йиллик илмий хулосаларига кўра пахтачилик ва унинг ҳосилдорлигини оширишдаги асосий унсур, усуллари ва технологияси тупроқ ҳамда иқлим шароитлари биринчи навбатда ҳисобга олиниши керак, деган хулосаси бугун катта-кичик раҳбарларга маъқул бўлди. Бу ҳақда у киши вилоятимизнинг деярли барча фермер хўжаликларида бўлиб илмий тавсиялар бериш ва маслаҳат ишларини олиб бормоқда. 1994 йил АҚШнинг Миссисипи штатидаги университетда бўлиб, америкаликлар билан ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан тажриба алмашди. Университет профессор, талабаларига ўзбек пахтачилиги ютуқлари ҳақида назарий, услубий сермазмун ва сермулоҳаза маърузалар ўқиди. Беназир олим илмий-педагогик фаолиятини жамоатчилик ишлари билан бевосита боғлиқ ҳолда олиб бормоқда. Ўқиш, ўқитиш, етук қишлоқ хўжалик мутахассислари тайёрлашдек эзгу ишлар ва адолат ҳақиқатининг бўй кўрсатишига муносиб ҳисса қўшди. Кўп марта халқ депутатлари Қарши тумани, Самарқанд шаҳри кенгашларига депутат бўлди. 1977 йилдан буён институт пахтачилик, ўсимликшунослик ва деҳқончилик кафедрасига мудирлик қилмоқда. У киши раҳбарлигида 10 нафардан зиёд фан номзодлари диссертацияларини ҳимоя қилган бўлса, 20 нафардан ортиқ йигит-қизлар магистр дипломини олди. Кафедрада 4 нафар олим-педагог докторлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилди. "Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш", "Ўсимликшунослик", "Пахтачилик" каби дарслик ва ўқув қўлланмалари бўлажак агрономларнинг севимли китоблари. 200 дан зиёд деҳқончилик ва пахтачиликка оид илмий мақолалар ҳам у кишининг қаламига мансуб. Фидоий меҳнати учун "Ҳурмат белгиси" ордени ҳамда "Қишлоқ хўжалик аълочиси" кўкрак нишонлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг кўплаб фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган.

Энг асосийси, фан кишиси бўлгани, Ватанни дилдан севиши, хоксор халқига жон дилдан хизмат қилиши туфайли обрў-иззат қозонди ва юртга танилди. Дов-дарахт ва гулларга бурканган ихчамгина ҳовлисида Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад, Матёқуб Қўшжонов, Одил Ёқубов, Примқул Қодиров, Озод Шарафиддинов, Эркин Воҳидов, Бегали Қосимов ва бошқа маънавиятимиз дарғалари, Шукур Ибрагимов, Қирғизали Мирзажонов, Обиджон Маҳмудов, Ҳалима Отабоева каби зироатшунос олимлар билан гурунгни кўр олдирган пайтлари кўп бўлди.

Раззоқ Орипов Анвара ая билан 2 нафар ўғил — Абдувоҳоб, Абдуҳаким ва 2 нафар қизлари — Зулхумор ва Раъноларни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказди. Улар олий маълумотли ва ҳозир турли касб эгаларидир.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ

Тўртликлар

Саховатда ўзингдан яхши ном қолдир,
Ҳиммату мурувватга доим бўл қодир.
Тўн тиктирмоқ истасанг агар ўзингга,
Бичимини бир энга кенг олдир.
* * *
Эзгу амалларни таратиб бисёр,
Чин инсон бўлмоқни айла ихтиёр.
Оламга тароват бағишлаш билан,
Ўзлигин намоён этади баҳор.
* * *
Ҳўб ниятдан эзгу амаллар унар,
Бад ниятдан ёвуз қилмишлар дўнар.
Ўрмонлар безаги бўлган ёғочдан
Ким қиличга даста, кимдир соз йўнар.
* * *
Ўз кўйлаги ичра ожиз бир ғунча,
Гул бўлишдан огоҳ то очилгунча.
Ўзлигин билмаган Инсон бўлолмас,
Фақат "кимдир" бўлиб ўтар ўлгунча.
* * *
Чин инсон ожизларни назарга илар,
Давлатига йўқсилни ҳақдор деб билар.
Эҳсон, иймон кўзгуси — беминнат билим
Бериб, ўзидан элни шодумон қилар.
* * *
Зар ишқи кишининг шуҳрат давоси,
Табъи мижозининг кибр ҳавоси.
Бу савдо таркини қила олмассан,
То дилдан аримай нафсинг васвоси.
* * *
Мол-дунё давлат эмас, ҳушинг қилса банд,
Домилан қутулмассан, уруниб ҳарчанд.
Чин давлат ақлинг, лекин у ақл эмас,
Нафсу ҳирс афсунидан турмаса баланд.
* * *
Обрў деб, бойликка талпинма, зинҳор,
Ғурур деб, кибрга интилма, зинҳор.
Ҳар хўрак тагида қопқон яширин,
Нафс-қопқон, алданиб, илинма, зинҳор.
* * *
Ким бўлса виждонли, содда паришон,
Нокаслар учун у алдовга нишон.
Пок кўнгилларга ҳам ҳушёрлик даркор,
Деворсиз боғларни қилишар пайҳон.

Саломжон Менгнор ТЕРМИЗИЙ

ТАРИХНИНГ ҚОРА ҚУЮНИ

Бугунги мустақиллик шароитида сохталаштирилган, бузилган, камситилган минг йиллик тарихимиз узининг асл қиёфасида акс этмоқда. Илмий тарихда адолат, холислик, миллийлик, ўзбек менталитетига хос тамойиллар қарор топмоқда.

Тарихимизнинг аянчли, азобли кунлари, айниқса, XX асрнинг 20-30 йилларидаги коллективлаштириш, қулоқлаштириш, сургун ва сиёсий қатагоннинг зўравонлик билан амалга оширилиши ва уларнинг фожеалари советлар даврида акс ҳолда кўрсатилган. Бу соҳада сохтакорлик, ёлғонлик ўрнатилган эди. Истиқлол туфайли бу борада ҳам ҳақиқат қарор топди. Ана шундай тарихимизнинг кемтик саҳифаларини янгитдан битишда талайгина ибратли ишлар қилинмоқда. Бироқ айрим минтақалар буйича бу масала у қадар очиб берилганича йўқ. Ушбу кичик бир мақолада Зарафшон воҳасидаги юртдошларнинг қатағон домига тортилгани хақида янги далил ва фикрлар келтиришни лозим топдик.

Бу даврда Қуйи Зарафшон воҳасидан ҳам кўплаб деҳқонларни колхозларга кирмаганлиги учун ёппасига қулоқлаштириш, сургун қилиш, уларни тоифалаштириб Сибир, Шимолий Қозоғистон, Шимолий Кавказга бадарға қилиш сиёсати амалга оширилган. Уларнинг маълум кисми «ГУЛАГ»

Маъноси англанмаган туш муҳри ечилмаган мактубга ўхшайди.

Рабби Хисда

Инсоният пайдо бўлибдики, одамнинг сир-асрорларини ўрганишдан, борлиқдаги толишмоқларга жавоб ахтаришдан тўхтамайди. Шундай бўлишига қарамасдан, дунёнинг биз билмаган, ҳатто хаёлимизга ҳам келтира олмаган мўъжизалари талайгина. Коиноту денгизлар қаърини қўйиб турайлик, Одамзот ҳали ўзини ҳам тўлиқ англаб етгани йўқ. Оддийгина тушларни олайлик. Қизиқ эмасми, нима учун биз ухлаганда туш кўрамиз? Қандай қилиб тушни уйғоқ ҳолатимиздаги ҳаётимиздан ажратиб оламиз? Ухлаган пайтимизда биз гувоҳ бўлган воқеалар нимани англатади? Саволлар қаторини чексиз давом эттириш мумкин.

Биз ҳаётимизнинг учдан бир қисмини уйқуда ўтказамиз. Шунча вақтнинг беҳудага сарф бўлишига ишонмайдиган олим ва руҳшунослар туш ҳодисасининг янги қирраларини кашф этишга ҳаракат қилади.

Масалан, Сиз тушингизда бошқа бир инсонни кўраётган пайтда уйғониб, ёстиқни тескари томонга ўгириб ётсангиз, энди Сиз ўша одамнинг тушига кирасиз (руҳий таъсирларнинг қарама-қарши томонга ўзгариши натижасида). Бошқа бир фикрга кўра, ухлаётган одамнинг руҳи танани тарк этади ва шу сабабли у туш кўради. Бежиз, уйқуни "ўлимнинг укаси"га қиёслашмайди. Уйқуда биз бутунлай бошқа оламга – сеҳр ва мўъжизалар оламига тушиб қолгандек бўламиз. Фақат тушда биз ўтмишга қайтишимиз, аллақачон бу дунёни тарк этган, ёки умуман бизга нотаниш бўлган инсонлар билан сўзлашишимиз, келажакни кўришимиз ва ҳатто қанот ёзиб парвоз қилишимиз мумкин. Туш ўнгимиздаги ҳаётдан фарқли равишда макон ва замон чегараларини ҳам, табиат ва жамият қонун-қоидаларини ҳам тан олмайди. Қизиғи

қамоқхоналарида азоб чекишга маҳкум этилди. Қишлоқларда «ўзбек бойлари» руйхатга киритилиб, машъум кампания қурбонларига айлантирилди. Бунга акс-садо сифатида турли исён, кучли норозилик ҳаракатлари, ҳатто қўзғолонлар майдонга келди.

Совет ҳокимиятининг 1929 йил 20-февралдаги «Қулоқ хўжаликларида меҳнат тўғрисидаги кодексни қўллаш тўғрисида» ва «Меҳнат қонуни кодексини қўллаш лозим бўлган қулоқ хўжаликлари белгилари ҳақида»ги қарорлари асосида Зарафшон воҳасида ҳам қулоқлаштириш амалга оширилди. Деҳқонларнинг қуйидаги шакллдаги хўжаликлари қулоққа тортилган:

1. Сурункали ёлланма меҳнатдан фойдаланганлар.

2.Тегирмони, от жувози, ёғ-мой жувози ва шунга ўхшаш ишлаб чиқариш воситасига эга бўлганлар.

3. Сурункали равишда қишлоқ хўжалик воситаларини ижарага бераётганлар.

4.Сурункали ва мавсумий равишда меҳнат қуроллари, иш ҳайвонлари ва биноларни ижарага бераётганлар.

5.Судхўрлик, савдогарлик, воситачилик билан шуғулланиб, меҳнатсиз даромад топаётганлар.

Ана шундай хўжаликларга катта-катта солиқлар солинган. Ўзбекистонда 15500 хўжаликка қишлоқ хўжалиги ягона солиқлари солиниб, солиқни тўлай олмаганлар судга тортилган. 1930 йил ВКП (б) МК сиёсий бюросининг «Жамоалаштириш ва иқтисодий қолоқ миллий районларда қулоқларга қарши кураш тўғрисида»ги қарорида қулоқлар 3 та тоифага бўлинган ва уларга қатъий жазо чоралари кўриш белгиланган. Шўроларга қарши ташкилот тузганлар, «босмачи», ёт унсурлар, йирик бойлар биринчи тоифага, қолган 2-ва 3-тоифаларга эса уйида от-улови, қорамол ва қишлоқ хўжалик асбоб-анжомларига эга бўлиб уларни ижарага берганлар ОГПУ ва «Учлик» комиссиялари томонидан рўйхатга олинган.

Марказдан Ўрта Осиёда иш олиб бориш учун 1929-1930 йилларда юборилган «ОГПУ нинг Ўрта Осиёдаги доимий вакили Л.Н.Бельский (раис), ОГПУ доимий вакиллиги раиси ўринбосари В.А.Каруцкий, ОГПУ ҳарбий округ қўшинлари бошлиғи Бабкевич аъзолигида «Учлик» комиссияси ва алоҳида назоратчи прокурор Саричев раҳбарлигида минглаб бегуноҳ ватандошларимиз устидан ноқонуний ҳукмлар чиқарилган. Ушбу ҳаракатларга қарши маҳаллий аҳоли тинч йўл билан эмас, балки ўзининг қаттол совет мафкурасига қарши намойишлари билан ёки ўз хўжаликларидаги барча йирикмайда молларини сотиб юбориш, сўйиб йўқ қилиш, ёинки чет элларга ҳайдаб олиб кетиш билан жавоб бера бошлаганлар. Бу эса "ўзини-ўзи қулоқ қилиш" ва қатъий азоб гирдобига солиш билан баробар ҳолатлар эди. Фаол гуруҳлар томонидан колхозга киришдан очиқдан-очиқ бош тортиб унинг қурилишига қарши ташвиқот ишлари олиб борилган.

Коллективлаштиришни тез суратларда ўтказиш «Марказ»нинг қистови билан амалга оширилди. Ўзбекистоннинг жами 18 районида якка хўжаликларни тугатиш, шундан Қуйи Зарафшон ҳудудида Янги Бухоро, Конимех, Оқдарё, Хатирчи,

ТУШ АСЛИДА ҲАҚИҚАТМИ?

шундаки, тушларимизни кимдир назорат қилади. Биз истаган вақтимизда истаган тушни кўра олмаймиз. Шунингдек, маълум бир тушда хоҳлаган ишимизни қилиш имкониятига ҳам эга эмасмиз. Бироқ, туш кўраётган вақтда, одамнинг мияси бедорлик ҳолатига қараганда анча яхшироқ ишлайди ва инсон ўнгида ҳал қила олмаган муаммоларга тушида осонликча ечим топади, деган қарашлар ҳам кўплаб руҳшунослар томонидан тасдиқланган. Рус олими Менделеев кимёвий элементларнинг даврий жадвалини яратишдан олдин, уни тушида кўрганлигини ҳаммамиз мактаб дарсликларидан биламиз.

Тасаввур қилинг, катта шаҳарда кунчиқар маҳалда бир ўзингиз юрибсиз. Атрофда темирйўл изларн, бефарқ ўтиб кетаётган автомобиллар ва кимсасиз уйлардан бошқа ҳеч нима йўқ. Сизга бу жойлар умуман бегона ва Сиз қандай қилиб уйингизга қайтишни ҳам билмайсиз... Бу шунчаки туш. Лекин, шундай манзара Сизнинг тушингизга кирса, билингки, бу ёлғизлик, қоронғулик, тушкунлик ҳолатининг белгисидир. Бундан чиқдики, тушлар, маълум бир белгилар орқали бизнинг руҳий ҳолатимизни ифодаловчи ҳодиса экан. Хулоса чиқаришга шошилмайлик.

Баъзи олимлар тушларни ирим-сирим деб ҳисоблайди. Одамлар уйқуда кўрган воқеаларни изоҳлаш, тушунтириш учунгина турли хулосаларга келади. Яъни туш – инсонда ташқи таъсирлар ёки жисмоний сезгилар натижасида вужудга келувчи тассавурларнинг намоён бўлиши холос. XX асрда машҳур руҳшунос Зигмунд Фрейд, аксинча, тушлар ўзига хос маъно ва мазмунга эга эканлигини ҳамда бизнинг ички оламимизни акс эттиришини исботлади. "Ҳар қандай тушнинг ечимини топиш мумкин, аммо бунинг учун рамзларнинг қандай маъно англатишини ўрганиш керак, – дейди Фрейд, – Уйқу ва бедорлик инсон борлигининг икки қисмидир. Бедорлик ҳаракат билан боғлиқ, туш эса ундан ҳоли. Уйқу ўз-ўзи билан мулоқот қилиш ҳодисасига алоқадор". Яъни, тушимизда бизга ҳеч ким таъсир ўтказа олмайди. Одамлар ўзи ўйлаган ва ўзига алоқадор бўлган тасаввурлар гирдобига шўнғийди. Яна бир руҳшунос Эрих Фроммнинг фикрига кўра, уйғонгач биз ҳаракатлар дунёсига қайтамиз. Тушдаги одам эса йўқолади. Уйқуда бўлиб ўтган барча воқеалар унутилади, улардан айримларигина ёдимизда қолади.

Тушлар инсонларнинг жисмоний ҳолатидан хабар бериши мумкин. Бедор вақтимизда турли юмушларга чалғиб, танамиздаги айрим ўзгаришларга ёки сезгиларга эътибор бермаслигимиз мумкин. Ухлаётганда эса, одамнинг барча аъзолари дам олади, хаёлимизни эгаллаб олган турфа хил ўй-фикрлар чекинади. Мана шундай пайтда инсон вужудида ўз-ўзини англашга имконият туғилади. Арзимас ҳодисалар катта аҳамият касб этади. Дейлик, тушингизда чақмоқ чақди, аслида эса, бу бирор буюм тушиб кетиши оқибатида вужудга келган шовқиннинг таъсири бўлиши мумкин.

Кармана, Нурота, Вобкент, Пастдарғом каби районларни ёппасига коллективлаштириш районлари деб эълон қилинди. Колхозларга кирмаган ёки киришдан бош тортган ҳар қандай деҳқон хўжаликлари «совет тузумига ёт унсур», "халқ душмани", "босмачи" деб қаралди ва улар қатағон, сургунга маҳкум этилдилар. Бунга мисоллар келтиришни жоиз деб топдик:

Навоий вилояти, Нурота туман Давлат архивида сақланаётган 1928-1932-йилларга оид архив ҳужжатларида савдогарлик учун олинган патентлар ва қишлоқ хўжалиги ягона солиғидан қарздорлик рўйхатида кўрсатилган деҳқон хўжаликларининг "аксарияти, кейинги 1931-1932 йилларда "кулоқ" қилинганлар таркибига киритилган". Бу репрессив чораларни қўллаш мақсадида жойларда партия, прокуратура ва ГПУ органлари вакилларидан иборат «учлик»лар тузилган. Бундай учликлар райком котиби Азизов Самарқанд районига, Авербух Қораларё ва Каттақўрғон районларига, Мирисҳоқов Вобкент районига, Гончаров Эски Бухоро районига, Антонов Нарпай районига, Обидова Бауман (ҳозирги Шофиркон тумани) районига, Ритман (Халқ маорифи комиссарлигидан) Пойариқ районига, Монеев (МИКдан) Ромитан районига юборилди. Ана шу вакиллар иштирокида ҳар бир районларда "учлик"лар ташкил этилган. Натижада, 1931 йилнинг август-сентябрларида Зарафшон воҳасидаги ҳозирги Навоий вилоятидан 700 оила (3680 жон), Бухоро округидан 691 оила (3820 жон) нинг тарихи ўрганиб чиқилган.

1930 йил 30 январда СССР ОГПУ коллегияси томонидан кенгаш чақирилиб, унда қулоқларни кўчириш масаласи алоҳида кўриб чиқилади. Жумладан, 2-тоифали қулоқларни СССРнинг шимолий районларига кўчириш ва уларнинг мулкларини мусодара қилиш кўзда тутилган. Ана шу амалиёт Самарқанд, Зарафшон, Бухоро округларида ҳам вахшиёна амалга оширилган. Ушбу ҳудуддаги қишлоқ аҳолиси асосан, Шимолий Кавказ, Шимолий Қозоғистон, Украинанинг ўзлаштирилмаган ерларига кўчирилган.

Бугунги кунда, XX асрнинг 20-йилларида ватанимиз халқлари тарихида содир бўлган азобли, мудҳиш, зўравонликка асосланган коллективлаштириш, қулоқлаштириш, сургун воқеаларнинг асл моҳияти, унинг ташкилотчилари, зўравонлик айбдорлари масалалари каби тарихимизнинг "оқ" доғлари, қирралари ҳали тўлалигича очиб берилгани йўқ. Бу борада қилинган ишлар, ёзилган китоблар, монографиялар, илмий тадқиқотлар, рисолалар, диссертациялар шу давр моҳиятининг бир қисмини ёритишда хизмат қилади, холос. Бу воқеаларнинг Ўзбекистон регионлари бўйича қай ҳолда амалга оширилиши ўз ечимини кутаётган муаммолардан ҳисобланади.

Амалга оширилаётган илмий изланишлардан асосий мақсад, тарих қаърида ётган, илмий изланишга молик ҳужжатларни тадқиқ қилиш асосида халқимиз, миллатимиз тарихи ҳақида бор ҳақиқатни рўёбга чиқариш, тарихимизнинг ана шу дардли саҳифаларини битиш ва улар билан ҳозирги авлодни таништиришдан иборат. Бу эса бугунги озод ва обод юрт фуқароларининг инсоний бурчидир.

Хуршид ҚУРБОНОВ,
Андижон Давлат университети аспиранти



Милоддан аввалги 1-2 асрларда яшаб ўтган буюк таъбирчи Артемидор тушларни белгиларига қараб бешта турга ажратади:

"Биринчиси-Туш; иккинчиси-Олдиндан ҳис қилиш, учинчиси-Башорат, тўртинчиси-Тасаввур ёки хомхаёл; бешинчиси-Шарпа."

Туш бу бирор рамз ёки тимсол орқали ҳақиқатнинг намоён бўлишидир. Олдиндан ҳис қилиш деганда инсон тушида кўрган воқеа унинг ўнгида содир бўлиши тушунилади. Бундай ҳолатлар ҳам ҳаётимизда учраб туради. Башорат бу уйқу вақтида фаришталар ёки руҳонийлар орқали Оллоҳ иродасидан бохабар бўлиш демакдир. Тасаввур ёки хомхаёл инсонни эгаллаган эҳтиросларнинг кучайиб кетганда намоён бўлади. Миямизни кун давомида эгаллаб юрган хаёллар тунда бошқа кўринишда яна бизга таъсир ўтказади. Оддий сўз билан айтганда, Сиз муҳим ҳужжат тайёрлаш билан овора бўлсангиз, тушингизда ҳам бу ҳол давом этади. Айрим ҳолатларда қорни оч одам тўқлиқни ҳис қилади, чанқаган киши эса сув ичиб, ҳузурланади. Умри давомида фақат пул тўплаш билан овора бўлган хасис одам тушида ҳам олтин тўлдирилган қоплар ҳақида ўйлайди. Шарпа кўринишидаги тушларга асосан, руҳан заиф гўдаклар ва қарияларни безовта қилувчи қўрқинчли махлуқлар ҳақидаги тушларни мисол қилиш мумкин.

Биз оддий ҳолат деб қарайдиган тушлар аслида жуда катта мўъжиза, ҳатто Оллоҳнинг иноятидир. Шунинг ҳам мумкин. Улар инсонларни хавфдан огоҳлантириш ёки, хушхабарни олдиндан аён қилиш хусусиятига ҳам эгадир балки. Туш шундай бир ҳодисаки, унга аниқ бир таъриф бериш ёки вужудга келиш сабабларини аниқлаш ўта мураккаб. Юқорида биз кўриб ўтган айрим жиҳатлар тушни ўрганиш борасидаги кичик тадқиқотлар натижаси, холос. Одамларнинг уйқу вақтида ҳаракатланиши, яъни ойпарастлик ёки шунга ўхшаш бошқа ҳолатлар эса, инсоният учун ҳанузгача топишмоқлигича қолмоқда.

Тушда аён бўлган оламшумул кашфиётлар

1. Немис кимёгари Фридрих Кекуле бензол модласининг формуласини топишда анча қийналди. Тушида думини тишлаётган илонни кўргач, бензол структураси доирасимон эканлигини тушунди.

2. Данте Алигьери ўзининг "Илоҳий комедия"сида акс эттирган жаннат, аросат ва дўзах манзаралари унга тушида аён бўлган.

3. Роберт Стивенсон тушида кўрган воқеаларга асосланиб, "Доктор Жекил ва мистер Хайд ҳақидаги ғалати ҳикоя" қиссасини яратган.

4. Афсоналарга кўра Дмитрий Менделеев ўзининг жадвалига машҳур кимёвий элементлар жадвалини тушида кўрган.

5. Америка механик ихтирочиси Элиас Хоунинг тушида учида тешикчалари бўлган найзаларни кўради ва кейинчалик тикиш машинкасини яратади.

6. Авиалойиҳачи Олег Антонов "Антей" самолётининг дум қисмини тушида кўрган ва қоғозга туширган.

7. Тушида гитара садоларини эшитган "Rolling Stones" гуруҳи аъзоси Кит Ричардс уйғонгач, "Satisfaction" деб номланган мусиқани ёзади.

8. Кинорежиссёр Уэс Крэйвеннинг тушига қўлидаги бармоқлари ўрнида пичоқлар бўлган одам киради. Бу тимсол "Вязов кўчасидаги даҳшатлар" фильмининг қаҳрамони Фредди Крюгернинг яратилишига сабаб бўлади.

Висола ҚАРШИБОЕВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси



ҲАЁТ ВА ЎЛИМ ТАЛВАСАСИ

Журналимизнинг ўтган сонида XVIII—XIX асрларда қароқчилар томонидан Атлантика океани ва Панама кўрфазларида олтин юкланган кемаларга қандай ҳужум уюштирилгани, қўлга киритилган бойликларнинг кейинги тақдири хусусида ҳикоя қилган эдик.

Ушбу сонда қароқчилик, умуман айтганда, шунга ўхшаш талончилик ҳаракатлари барҳам топгач, мол-дунё учун жонини ҳам аямайдиган қайсар кишиларнинг қароқчилар яшириб кетган беҳисоб бойликларни излаб топиш йўлидаги уринишлари ҳақида сўз юритамиз.

Ўтган қарийб ярим аср мобайнида "ажал ва хазиналар маскани" деган тамға босилган Кокос оролига 500 дан ортиқ экспедиция уюштирилди. Қизиқ томони шундаки, баъзи кимсалар қароқчилар қолдирган бойликларга эга бўлиш учун ҳатто бисотларидаги бор мол-мулкларини сарфлашдан ҳам қайтишмади. Бу йўлда бойликка ўч, аммо ҳаётни сиз билан биз каби севадиган юзлаб жасур кишилар ҳам қурбон бўлишди. Таажжубланарли томони шундаки, Кокос оролида бедарак йўқолган ёки ҳалок бўлганларнинг ўлими ўта сирли, фанга номаълум вазиятларда рўй берган. Хазина эса ҳали-ҳануз топилгани йўқ...

Қурбон бўлганларнинг аксарияти денгиз қаърига чўккан. Ажабланарли жиҳати шундаки, олтин қидирувчилар орол қирғоғидан денгизга ёки бир кўрфаздан нариги кўрфазга сузиб ўтиш чоғида, сокин мавжланиб турган сувда тўсатдан довул кўтарилган. Бундай пайтда, одамлар ҳатто саёз жойларда ҳам нобуд бўлишган.

1962 йилда содир бўлган бир фожиали воқеа ўта ғайритабиийлиги билан ҳар қандай

кишини ҳайратга солади. Гап шундаки, ўша йилнинг ёз ойларида уч нафар азамат йигит — кўз кўриб, қулоқ эшитмаган саргузаштларга орзуманд ишқибозлар — Робер Верн, журналист Жан Портелл ва ёзувчи Клод Шарлье катта орзулар илинжи ва иштиёқида даҳшатли Кокос оролига йўл оладилар.

Бешафқат ўлим умрига таҳдид солиб турган бу азаматлар қирғоққа етиб келишгач, қуюқ тиконли чангалзорлар оралаб кетишади. Орол эса сув қуйгандек жим-жит, қалин бутазорлар, кўкка бўй чўзган хилма-хил дарахтлар дастлаб уларда худди эртакдаги сингари ёқимли таассурот уйғотади. Учовлон бир ҳафта давомида оролни обдон, синчиклаб кезиб чиқишади.

Аслида, уларни қароқчилар яширган беҳисоб бойликлар васвасаси ушбу мудҳиш оролга бошлаб келган эди. Бундан ташқари, уларнинг хаёлида хазинани топгач, олтин тўла сандиқлар олдида телерепортёрларга интервью бериш ва шу аснода бутун дунёга машҳур бўлиш каби ҳавойи орзу-ҳаваслар ҳам йўқ эмас эди.


Шундай ва шу каби хаёлий орзуларга эрк берган учовлон азамат қирғоқдан очиқ денгизга йўл олишади. Қирғоқдан бир чақиримча наридаги Чатам кўрфазига кираверишда тўсатдан қайиқнинг мотори (ҳеч қандай сабабсиз) ўчиб қолади. Шу пайт аввалига тинчгина мавжланиб турган денгизда бирданига пўртана бошланиб, у кўз очиб юмгунча қутурган довулга айланади. Тақдири азалнинг бемаврид ҳазилига қаранг, эшкаклар қайиқ тубида, тўлқиндан шалаббоси чиққан оғир чодирлар тагида қолиб кетган эди.

Кутиш учун эса вақт йўқ. Нима бўлганда ҳам, эшкакларни қайиқ тагидан олиш керак эди... Афсуски, улар бунга улгура олмайди. Мисоли тоғдай келадиган қудратли тўлқин бир зарб билан қайиқни ағдариб юборади. Қутурган ўркачли тўлқинлар Робер Веннни куч билан тик қоялар орасига улоқтиради. Жан Портелл ва Клод Шарльени асов тўлқинлар гирдоби денгиз қаърига тортиб кетади... Шу тариқа, кўкрагида ҳаёт нафаси барқ уриб турган икки нафар азамат йигитнинг беҳисоб бойлик орттириш ҳақидаги орзулари жисми-жонлари билан бирга абадият сари юз тутади...

Бахт деганлари бор нарсада, Робер Вернинг умри узоқ экан. У ақл бовар қилмас даражадаги мўъжиза туфайли фалокатдан омон қолади. Ўша мудҳиш фожиадан сўнг икки ой ўтгач, бахти чопиб, йўловчи кемалардан бирида ватанига жўнаб кетади. Тақдир синовларига бардош бера олган Робернинг афт-ангорига қараб бўлмасди. У чўпдай озиб кетган, энг ёмони, савдойи бир кўйга тушиб қолганди.

Метеорологлар бугунгача 1962 йил кўтарилган довулнинг сабабларини аниқлай олганлари йўқ. Негаки, ўша пайтда Атлантика океани ва унга туташ денгизларнинг бирортасида ҳам довул аломати қайд этилмаган. Кокос ороли атрофида илмий текширув ишлари олиб борган метеорологлар ҳам ушбу ўлим масканидаги сирли воқеа-ҳодисаларни кўриб, ҳайратдан ёқа ушлаб қолишади. Сув остини кузатиш чоғида барча зарур асбоблар бир вақтнинг ўзида ишдан чиқади. Денгизнинг чуқурлигини кўрсатувчи ўлчов асбобларининг миллари жойида қотиб қолиши ҳам ҳайратланарлидир. Чуқурлик неча метр эканини, демак, аниқлаб бўлмайди.

Илмий кузатишлардан ҳафсаласи пир бўлган олимлар орқага қайтишади. Тезроқ Азор оролларига етиб олишса, бас. Денгизчилар табиатнинг турли хавф-хатарларидан холи бўлган бу ороллар ҳақида ҳазиллашиб: «Оллоҳнинг марҳамати билан океаннинг энг сўлим жойида бино этилган меҳмонхона», деб



таъриф беришади. Денгизчилар азалдан Азор оролларида бир-икки кун тўхтаб, чучук сув ва озиқ-овқатларини ғамлаб олишган.

Португалия қирғоқларидан унча узоқ бўлмаган ушбу оролларни ҳозирги кунда чўнтаги қаппайган, ўзига тўқ саёҳатчиларнинг дам олиш маскани ҳисобланади. Замонавий иншоотлар, тиниқ чўмилиш ҳавзалари, ораста хиёбонларни кезар экансиз, қачонлардир бу сўлим гўшаларда қароқчилар макон тутганига кишининг ишонгиси келмайди.

Бироқ Атлантика океани бўйлаб ёйилиб кетган, Азор оролларини таркибига кирувчи Терсейро, Хорхева ва Пику оролларида қаровсиз, ташландиқ кўрфазлар ҳам йўқ эмас. Улар атрофидаги денгиз тубида ҳисобсиз хазиналар чўкиб ётгани бойлик қидирувчиларга ҳамон тинчлик бермайди. Биргина Терсейро оролининг Ангра кўрфазида камида 88 та олтин юкланган кема чўкиб кетган.

1997 йилда Америка — Португалия қўшма экспедицияси вакиллари ҳам яна бир марта омадини синаб кўришди. Аммо бу сафар ҳам барча ҳаракатлар шамолга совурилди. Энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган камералар ҳам фойда бермай, аппарат-ўлчагичлар гоҳ 5 метр чуқурликни кўрсатса, бир муддатдан кейин шу жойнинг ўзида бу кўрсаткич 20-30 метрдан ошиб кетарди.

Ҳар ҳолда, улар ярим йил мобайнида чўкиб кетган 4 та кема қолдиқларини топишга муяссар бўлишди. Бу кемаларнинг ичида энг эскиси испанлар Азор оролини кашф этган сана — 1500 йилга тўғри келарди. Хазина қидирувчилар 1997 йилдан буён тўхтовсиз ҳаракат қилаётган бўлсалар-да, олтинлардан ҳамон дарак йўқ. Ким билади дейсиз, агар бундан кейин ҳам изланишлар қизғин давом этаверса, кимгадир бахт кулиб боқар?!

Ҳаётда омад дегани аслида бор нарса.

Баъзан ҳаётда "фалончи омадли одам" ёки "бугун унинг омади юришди", қабилидаги гап-сўзларни эшитиб қоламиз.

Келиб чиқиши асли англиялик бўлган Уильям Фипписни ана шундай омади юришган одамлар сирасига киритса бўлади. У 1686 йилда Кариб денгизи тубидан қароқчиларнинг ҳозирги бир ярим миллион АҚШ доллари қийматига тенг бўлган қуйма олтин ва кумушларини топиш бахтига муяссар бўлган. Аслида топилган бу бойлик — сув ости хазинасининг умумий миқдори олдида хамир учидан патир.

Уильям топган хазина 1643 йилги кучли довул пайтида чўкиб кетган Испаниянинг "Олтин флоти"га қарашли 16 та кема бойликларининг юздан бир қисми, холос. Ушбу даҳшатли ҳалокат Гаити қирғоқларининг шимолий ҳудудларида содир бўлган эди. Аслида Гаити ва Флорида кўрфазлари Багам ороллари атрофида жойлашган бўлиб, айтишларича, мазкур ҳудудларда сувга чўктирилган қароқчилар олтинларининг ҳисобини ҳеч ким аниқ билмайди.


Яна бир омади юришган америкалик Герберт Хамфри эса, сув тагида ўзи сезмаган ҳолда "Ну эстра сеньора де лас Маравилья" кемаси қолдиқларига дуч келиб қолиб, бир кунда 117 та кумуш, ҳар бири ярим килограмм келадиган 15 та қуйма олтин ва 10 дона турли олтин буюмларга эга бўлади. Денгиз ва океанлар сатҳи қанча кўз илғамас ва бепоён бўлса, улар қаърида ётган бойликлар ҳам шунга яраша бўлиши керак, деб ўйлашади олтин қидирувчилар. Инсоф билан айтганда, уларнинг аҳду паймонларини асослайдиган тарихий маълумотлар ҳам йўқ эмас.

Яна бир тарихий мисолни ёдга олайлик. Олтин қидирувчилар орасида америкалик Томми Томпсоннинг ҳам омади юришган. У раҳбарлигидаги экспедиция Атлантика океанида 15 йил тўхтовсиз қидирув ишлари олиб борган. Ниҳоят, 1989 йилда экспедиция аъзолари икки ярим километр чуқурликдан йигирма тонна соф олтинни сув сатҳига олиб чиқишга муваффақ бўлишган. Бу олтинлар 1857 йилда кучли довул оқибатида сувга ғарқ бўлган "Сентрал Америка" кемасига тегишли эди. Томми Томпсон, албатта, "Сентрал Америка"нинг қаерда ва қачон чўкиб кетгани, қанча бойлиги борлигидан хабардор бўлган.

Биз Анлантика океанида ҳали-ҳамон ўз мақсадлари йўлида собитқадам турган олтин қидирувчиларга шундай ният билдиргимиз келади: агар мақсадга эришмоқ учун ҳар қандай хавф-хатарни енгиб ўтишга ишончингиз комил бўлса, омад сизга ёр бўлсин!

(Давомли)

Комил ЖОНТОЕВ тайёрлади



“МЎЪТАБАР ПОЙТАХТИМ” ЧАЙНВОРДИ

1. Тошкентнинг бош майдони. 2. Қадимий сув йўли, Бўзсувнинг ўнг ирмоғи. 3. Шаҳарнинг қадимий дарвозаларидан бири. 4. Спорт иншоотларидан бири. 5. Тошкентда таваллуд топиб, ижод қилган устоз адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, академик. 6. Тошкентга энг яқин жойлашган шаҳар. 7. Шаҳарнинг қадимий тўрт даҳасидан бири. 8. Пойтахтимиз яқинидаги оромгоҳ кўл маскани. 9. 1913 йилда ташкил этилиб, кейинчалик “Туркистон” номини олган маданий-маърифат жамияти. 10. Қорақалпоғистон пойтахтига номдош санъат маскани. 11. Кўкча даҳасидаги давом этиб келаётган маҳаллалардан бири. 12. Вокал-чолғу гуруҳи. 13. Чирчиқ — Бўзсув тармоғидаги электр станцияси. 14. Меъморий обидалар бунёд этилишида иштирок этган ганч ўймакори, Ўзбекистон халқ рассоми. 15. Азиз диёр. 16 Тошкентда яшаб ижод этган маърифатпарвар шоира, биринчи ўзбек журналист аёли. 17. Археологик топилма, шаҳарнинг қадимий харобаси номи билан аталувчи метрополитен бекати. 18. Фаолиятини Тошкентда бошлаган ватанимиз ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкилоти. 19. Қадимий дарвоза номи билан аталувчи турар жой. Ашула ва рақс гуруҳи. 21. Пойтахтнинг энг муҳташам санъат саройи. 22. Қадимий маҳаллалардан бири. 12 XVI асрда бунёд этилган меъморий обида, маърифатпарвар шоир Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат яшаб ижод этган мадраса. 24. Нашриётматбаа муассасаси. 25. Турар жой масканларидан бири. 26. Қадимда Тошкентнинг тўрт қисмидан бири ҳисобланган даҳа. 27. Ҳозирги Чорсу майдонида XV-XIX асрда шаклланган масжид ва мадрасалардан таркиб топган меъморий мажмуа. 28. Пойтахтимизга берилган таърифдан: «Тошкент 2, 4, 2. шаҳри». 29. Ҳазрати Имом мажмуаси таркибидаги меъморий ёдгорлик. 30. Пойтахтимиздаги туманлардан бири. 31. XIX асрда бунёд этилган меъморий обида —Мунаввархўри, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий каби ижод соҳиблари таҳсил олган мадраса.

Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ

Тиниқ эмас, кир
Ғоят мўл
Ўрганиш учун иш
Тишли мола, барона
Ишбоши
Давлат, Океания
Афсонавий қилқўлрик
Узун ёғоч
Жун газлама
Изоляцияли сим
Бола-чақали эр
Малакали мутахассис
Бирдан
Кичкина сандиқча
Жаҳаннам, дўзах
Кайфи бор, ширакайф
Ёнганда чиқадиган модда
Чеҳра, кўриниш
Туман, Самарқанд
Диний идора хўжалик нозири
Гуноҳ
Озиқ-овқат
Жамалак, кокил
Йирик феодал давлат
Жанубий Корея пойтахти
Ажин, бурушиқ
Тиши бору оғзи йўқ
Мисол, тимсол, ўхшаш
Нарсаларнинг ташқи томони
Ғалва, жанжал
Хийла
Таҳсин ифодаси
"... ўйинчи" (лотерея)
Шу заҳоти
Адаб, этика
Чигит пўчоғи
Авто русуми, Россия
Овоз, товуш
Оғир, мушкул
Даво
Ўқимишли аёл
Қаттиқ қарғиш
Офат, фалокат
Илоҳо шундай бўлсин
Нидо, қичқириқ
Сертош ер
Муаллим аёл
Алоқа, боғланиш
Сиртқи
Пойтахти Аккра
Асарлар, белгилар
Нодон, билимсиз
Рақам
Сифатсиз маҳсулот
Узоқ, олис
Ўраб қўйилган
Ақл, идрок
Ҳарбий орган
Тўп дарвозада
Карта ўйини тури
Кўл, Россия
Иш куроли
овоз, товуш, нидо
Спорт тўшаги
Тамом
... Эргашев (режиссёр)
Лаҳм
От
Соқий, косагул
...-пучак
Нордон ичимлик
Организм ҳолати, соғлиқ





Қадим замонда Хитойда ҳар бир табиб қанча касални ўлдирса, унинг эшиги олдига шунча чироқ ёқар эканлар. Бунга қаршилик кўрсатган табиблар жазоланар экан. Бир куни чел эл фуқароси касал бўлиб қолибди. Хизматчисини табиб топишга юборибди. Хизматчи чироғи оз бўлган табибни топиш учун анча жойни ахтарибди. Ахтара-ахтара эшиги олдида фақат биттагина чироғи бўлган табибни топибди. Хизматчи шу табибни хўжайинининг олдига олиб бориб, эшиги олдига фақат биргина чироқ ёқилган, кўп донишманд табиб экан, деб таъриф қилибди. Касал табибга "хуш келибсиз" деб эҳтиром кўрсатиб:

— Қачондан буён табиблик қиласиз? — деб сўрабди.

— Кечадан бошладим, — деб жавоб берибди табиб.

Касал:

— Кечирасиз, мен сизни овора қилиб қўйдим, сиз келгунингизча тузалиб қолдим, — деб табибни жўнатиб юборибди.

Муаллима:
— Эшмат, нега ҳар дақиқада соатингга қарайверасан?
—Шундай ажойиб дарсни қўнғироқ бузиб қўймасин, деяпманда!

- Анови одам аҳмоқ, дегингиз. Бу гапни менинг ҳақимда айтган бўлманг, тағин? - деб сўради йўловчи.
- Йўқ, ака, ахир, бу шаҳарда сизга ўхшаш аҳмоқ фақат биттагинами? - деб тасалли беришди йўловчилар.

Ўқувчи жавобсизлар сўради:
— Ҳурпишни кимлар яхши кўради?
— Итлар.
— Жуда тўғри. Кимлар мисёлашни яхши кўради?
— Мойчуклар.
— Баракалла. Мўйловашни-чи?
— Сичқон.
— Яхши. Ким кимшашни яхши кўради?
— Касперский антивирусси.

Қафасдаги икки йўлбарсдан бири:
— Қара, яна ўша аёл келаяпти. Бугун ҳам иккаламизга бир бўлакдан гўшт ташлайди. Фақат бир нарсани тушунмайман. Нега ҳар гал қайтиб кетаётиб қафас олдида бир дастагул қолдириб кетади-а?

Иккинчиси:
— Чунки, мен бир ой аввал унинг эрини еб қўйгандим.

Муаллима дарсга кечикиб келган ўқувчидан сабабини сўраганда, у шундай жавоб қилди:
— Устоз, ўзингиз: "Билим олишнинг кечи йўқ", деган эдингиз-ку!

Ҳозиржавоблик

Ҳорун ар-Рашид гоҳо Шайхи Баҳлулни мажлисга чорлатиб, унинг ҳозиржавоблигидан завқланиб ўтирарди. Кунлардан бир куни Ҳорун Ар-Рашиднинг вазирларидан бири Шайхи Баҳлулга деди:

– Халифа сенга катта инъом қилдилар, сен эшак ва тўнғизларга бошлиқ қилиб тайинландинг.

— Ундай бўлса, ёдингда тут, энди менинг чизган чизиғимдан чиқмайсан, чунки бундан буён менинг фармонимдасан, — деди Шайхи Баҳлул саросимага тушмай.

Нигина ҚОДИРОВА, Комил ЖОНТОЕВ тайёрлади



Собир Раҳимов туманининг «Аҳил» маҳалласи оқсоқоли Абдухолиқ Ваҳобов



Обуна давом этмокда

Индекс: якка обуначилар учун – 820, Ташкилотлар учун – 806.
Баҳоси: келишилган нархда.